


ОДИЛ ЁҚУБОВ

ОТА
ишидан



ПОВЕСТЬ

N 1 17335
29



ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти
Тошкент - 1959

728



Шукуржон институт биносидан чиққанида қүеш уфққа ёнбошлаган, күчани дарахтларнинг сояси қоплаган, лекин кундузги ҳарорат ҳали босилмаган эди. Рўпара-даги акациялар, тол ва теракларнинг чанг босган япроқлари қимир этмас, фир этган шабада йўқ эди.

Шукуржон бутун аъзойи баданида қаттиқ чарчиқ ҳис этиб, бир нафас эшикка суюниб турди (у кун бўйи Хоразмга кетаётган экспедиция ишлари билан идорама-идора қатнаб ҳолдан тойган эди), сўнг ёқасининг тугмаларини ечиб елпинди-да, зинапоядан тушиб, чапга бурилиб кетди. Лекин тротуар бўйлаб беш-ён қадам юрмаган эди ҳамки, орқадан кимдир чақиргандек бўлди. У бурилиб қаради ва эшикда турган профессор Юнус Ражабовични кўрди. Шукуржон орқасига қайтмоқчи бўлган эди, профессор: «тураверинг, тураверинг», деган маънода қўл силкитди ва зинапоядан иргишилаб тушиб, унга томон юрди.

Эгнига оқ шоҳидан китель, бошига ошпазларнига ўхшаш юмалоқ қора қалпоқча кийиб, қора кўзойнак тақиб олган паканагина, лекин зуваласи пишиқ бу чолнинг қадам ташлаши, умуман, бутун ҳаракатлари шундай тез ва чаққон эдик, орқадан қараган киши уни ёш бола деб ўйлаши ҳам мумкин эди.

— Хўш?— деди Юнус Ражабович, Шукуржонга узоқдан қўл чўзиб.— Мени қидирган экансиз?

— Ҳа, сиз билан бир гаплашмоқчи эдим.

— Хўш, хўш, тинчликми?

— Тинчлик,— деди Шукуржон, лекин унинг овози шундай ғамгин эшитилдими, ё бир ҳафтадан бери кўнглини ғаш қилаётган кўнгилсиз ўйлар юзида акс этиб тұрағиди, ишқилиб. Юнус Ражабович унинг қўлидан ушлаб тўхтатаркан кўзойнагидан жуда ҳам катта кўринган кўзлари билан унга тикилиб қолди.

— Хўш, нима гап ўзи? Бирор нарсадан хафа эмасмисиз?

— Џуқ,— деди Шукуржон,— яна ўша Қосимов масаласи.

— Қайси Қосимов?— деди Юнус Ражабович ва негадир кўзойнагини қўлига олиб, арта бошлади,— ўша эски иғвогарми?

— Ўша, Юнус Ражабович.

— Хўш, хўш? Яна ўша эски гапми?

— Џуқ,— деди Шукуржон кулиб.— Бутун гап шундаки, энди аксини гапиряпти.

— Нима? Аксини гапиряпти?— деди чол елкасини қисиб, кичкина чўққи соқолини тез-тез силаркан.

«Ҳайронман», деган маънода Шукуржон ҳам елкасини қисди.

Бу савол бир ҳафтадан бери Шукуржоннинг ҳам бошини қотириб, уйқусини қочирмоқда эди.

— Тўғриси, аксини гапирмади-ю, лекин шунга ўхшаш бир нарса оғзидан чиқиб кетди. Кайфи бор эди.

Чол яна елкасини қисди ва соқолини силашда давом этаркан: «Қизиқ, жудаям қизиқ» деб қўйди ўзича.

— Мен шу тўғрида сиз билан бир гаплашмоқчи эдим,— деди Шукуржон.

— Қизиқ,— деди Юнус Ражабович яна бир марта ва бошини кескин силкитди.— Хўп, эртага олдимга бир киринг, гаплашамиз. Кечирасиз, бугун бир жойга шошилиб турибман... Хўш, бу хафагарчилик шунгами, ўртоқ кандидат?— сўради у жилмайиб.

Шукуржон кулди:

— Мен хафа эмасман, лекин... жуда ҳайрон бўлиб қолдим.

— Тўғри, тўғри,— деди чол ва қўлини чўзида.— Демак, эртага гаплашамиз, бўптими?

Юнус Ражабович орқага қайтди, Шукуржон эса кўчага бурилди ва дарахтларнинг соясидан лиёда кетди.

Чол билан бўлган шу икки оғиз суҳбатнинг ўзи Шукуржоннинг кўнглидаги ғуборни кўтариб ташлагандек бўлди, ҳатто бояги чарчоқ ҳам тарқагандек, ўзини енгил ҳис қила бошлади. Ажабо: бундан тўрт-беш йил олдин Қосимов унга оғир туҳмат қилганида ҳам унинг кўнглига далда берган киши шу чол бўлганди.

Шукуржон одамларнинг унга қараётганидан ўзининг кулимсираб кетаётганини пайқаб

қолди ва хижолат бўлиб, лабини тишлади.

Анҳорга яқинлашган сайин ҳарорат сезиларли даражада пасайиб борарди. Кўприка етгач, Шукуржон ўнг қўлга бурилди ва шу заҳотиёқ сувнинг салқини юзига уриб, баҳрини очди. У сувда сузиб юрган ёш болаларга ҳасад билан қараб қўйди, қатор толларнинг соясида бирпас ўтиргиси келди-ю, уч яшар қизи Саодатнинг бир-икки кундан бери бетоб эканини эслаб, уйга бурилди.

Шукуржон эшикни очиб кириши билан Муаттар қўлига Маҳкам аканинг хатини тутқазди.

— Опамнинг ўзлари олиб келдилар,— деди у,— агар боришга рози бўлсангиз, телеграмма берар экансиз. Адреслари ҳам бор.

— Нима дебди хатида?

— Ўқимадим. Опамларнинг гапларига қараганда, жуда яхши дам олаётган эмишлар, қимиз кўп экан.

— Хўп, майли. Саодат қалай?— деди Шукуржон, унинг қўлидан ғижимланган кўк конвертни оларкан.

— Тузук. Шунчаки шамоллаганга ўхшайди. Ҳовлида ўйнаб юрибди,— деди Муаттар ва эрининг ҳоргин юзига тикилиб сўради:— Жуда чарчаганга ўхшайсиз. Овқатингизни берайми?

— Майли.

Шукуржон деразанинг рўпарасига ўтди, ўзини диванга ташлаб хатни очди.

Маҳкам ака одатдаги саломлардан кейин шундай деб ёзган эди:

«Лоақал уч-тўрт кунга бўлса ҳам бир келиб кет. Аммо жаннатнинг гаштини сурасан. Ҳар йили киссамиздан пул тўльб, курортларга бориб юришимиз бир аҳмоқлик экан. Текин курорт бу ёқда экан. Гўшт сероб, қимиз ундан ҳам кўп. Аммо маза қиласан, дўстим.

Айтмоқчи, йўлда, тоғнинг орасида бигта ғзлати қалъа кўрдик. Ўзи жуда эски, чўпонларнинг гапига қараганда, босмачилар билан урушда ҳалок бўлган қизил гвардиячиларнинг қабри бор эмиш ичида. Демоқчиманки, сени қизиқтирадиган нарсалар ҳам бор. Ажаб эмаски, кутилмаган янгиликлар топилиб, тарих фанига улуғ бир янгилик киритсанг... Агар келишга хоҳишинг бўлса, Зулфиядан адресимни олиб телеграмма бер, кутиб оламан. Айтмоқчи, тунов кунги бизнинг янги бошлигимиз Раҳмат Қосимовга ҳам «келинг» деб хат ёздим. Бир телефон қилиб сўра — эҳтимол у ҳам сен билан бирга келишга хоҳиши...»

Шукуржон хатнинг давомини ўқий олмади. Кўзига яна Қосимов кўриниб кетди. Унинг мулойим жилмайган ҳолда: «Ўтган ишга саловат, ука. На чора, давр ўзи шунаقا эди. Қани, сизнинг саломатлигингиз учун» деган сўзлари қулоқлари остида қайта жаранглаб кетгандек бўлди-ю, гўё юрагидаги эски ва оғир яранинг юзи қайта тирналди...

Шукуржон сўнгги уч-тўрт йилдан бери Қосимовни кўрмаган эди. Бундан беш-олти кун олдин, кутилмаган бир маҳалда, Маҳкама нинг уйида учратиб қолди. Бу учрашувда уни ҳайратга солган нарсалардан бири шу бўлдики, Қосимов ҳеч ўзгармаган эди. Унинг

битта-яримта оқ оралаган қалин соchlарининг гүё бир толаси ҳам тўкилмаган, келишган қадди-қоматидан бурунгидек куч ёғилиб турарди. Фақат илгари муз парчасидек совуқ чақнаб турадиган мунчоқ кўзларида энди алланечук мулойим бир ифода пайдо бўлганди. Қосимов бир рюмка конъякдан кейин оқ алланечук бўшашиб, тили чулдурай бошлади, Маҳкам ака бир иш билан уйдан чиққани ҳамон у:

— Ўтган ишга саловат, ука. Аспирантура ни битириб, фан кандидати деган унвон олибсиз, деб эшилдим. Ушанда биздан ҳам хато ўтган экан. Уша гапларнинг ҳожати йўқ экан. Мана энди Маҳкамжон билан бирга ишлайдиган бўлдик, борди-келди қилиб турайлик, ука,— дея фил суюгидек оппоқ тишларини кўрсатиб илжайган эди. Маҳкам ака қайтиб киргани учун Қосимовнинг сўзи оғзила қолган, лекин Шукуржон шу сўзларнинг ўзиданоқ уни кўлдан бери қийнаб келган саволларга жавоб топгандек, ўртадаги парданнинг чети кўтарилиб, даҳшатли бир ҳақиқат кўринниб кетгандек бўлган эди.

Кейинчалик Шукуржон шу гапнинг устида тутиб, юзига бир-икки шаппати урмагани учун ўзидан қаттиқ ранжиди. Ҳар сафар у билан бир дастурхон устида ўтиргани эсига тушганида ич-ичидан азобланар, бутун вужуди титраб кетарди...

Тағин бу одамнинг Маҳкам ака ишлайдиган ташкилотга бошлиқ бўлиб келиб, у билан оғиз-бурун ўпишиб қолганини айтмайсизми? Бундан беш-олти йил олдин Қосимов институтга ўзининг: «Гражданлар уруши иш-

тирокчиси, қизил гвардиячининг эсдаликлари» деган қўл ёзмасини кўтариб келганида Шукуржон уни хўжалик ташкилотларида ишлайди, деб сира ўйламаган эди.

У маҳалда Шукуржон институтда кичик илмий ходим бўлиб ишларди. Нима ҳам бўлиб нашриётдан тақриз учун юборилган бу қўл ёзма унга топширилганди.

Шукуржон биринчи марта машинкада бо силган ва қиммат баҳо папкага солинган қўл ёзмани олиб варақларкан, унинг биринчи бетидаги: «Ўзбекистоннинг шонли XXV йиллигига бағишлайман» деган сўзларни ўқиганида юрагида авторга чуқур ҳурмат уйғонганди.

Қўл ёзма унга топширилганини қаёқдандирибилиб, излаб келган Қосимовнинг ўзи ҳам Шукуржонда жуда яхши таассурот қолдирган, иккиси узоқ суҳбатлашиб ўтирган эди. Лекин қўл ёзмани ўқиб чиққач, ҳафсаласи пир бўлиб, кейинчалик кескин тўқнашувга сабаб бўлган салбий тақриз ёзис берган эди. Бу тақризда Шукуржон «Эсадиллар»нинг умуман саводсиз ёзилганидан ташқари фактлар бузиб кўрсатилганини, автор ўз шахсий хизматларини жуда бўрттириб кўрсатганини исбот қилиб, унинг нашр этилишига қаттиқ эътироэ билдирганди. Уч-тўрт кундан кейин, эрталаб, институтга Қосимовнинг ўзи кириб келган ва тақриэн Шукуржоннинг столига отиб:

— Буни ёзишга қандай ҳаддинг сиёди?— дея ўшқириб берган эди, Шукуржоннинг: «Нега ҳаддим сифмас экан?» деган саволига эса бир умр эсидан чиқмайдиган қилиб: «Шу-

нинг учунки, Қизил гвардиячилар отрядини ҳалокатга учратган, бу қўл ёзмада қораланган Султонов сенинг отанг бўлади. Тушундингми? Нечук бу китоб нашр этилишига қарши эканлигинг бошқаларга аён бўлмаса ҳам, бизга аён. Мен энди сен билан бошқа жойда гаплашаман!» деб жавоб берган ва бу даҳшатли сўзлардан ўзини йўқотиб қўйган Шукуржон эс-ҳушини йиғишириб олгунча эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетган эди.

Шукуржон у чиқиб кетгандан кейин қўл ёзмада ҳақиқатан ҳам С. Султонов деган одамнинг тилга олинганини эслаган, лекин бу ўз отаси, деб сира ўйламаган эди.

Ушанда Шукуржон Қосимовни илгари ҳам қаердадир кўргандек бўлганди.

Қосимовнинг дўқ-пўписаларига қарамасдан унинг қўл ёзмаси барибир нашр этилмаган, ўзи ҳам Шукуржонни «бошқа жойларга» негадир чақиртиргмаган эди. Лекин шунга қарамасдан, Қосимовнинг гаплари унинг юрагини оғир яралаган эди. Бироқ энг ёмони уч-тўрт ой ўтиб-ўтмай Шукуржон аспирантурага кираётган маҳалда Қосимов қайта пайдо бўлган ва эски гапларни такрорлаб, унинг юрагидаги ярани қайта янгилашиб кетганди. Мана энди яна пайдо бўлди. Лекин ажабо: бу сафар унинг гап-сўзлари ҳам, муомаласи ҳам тамоман бошқача эди...

Шукуржон худди бир нарсадан нафаси бўғилиб кетаётгандек бўлиб ўрнидан турди. У пашиша кирмасин учун деразага тутилгац кўк пардадан уйнинг ичи ярим қоронғи эканини энди пайқади ва бориб уни очиб юборди. Ботаётган қуёш нурлари полдаги гилам-

га, деразанинг ёнида, бурчакда турган бу-
фетга тушиб, қалин ойналарини чақнатиб
юборди. Шифтга тушиб турган «ҳасан-ҳусан»-
нинг камалаги ҳавои бир манзара кашф эт-
ган эди. Шукуржонга қуёш нурлари унинг
кўнглини ҳам худди уйни ёритгандек ёритиб
юборгандай туюлди. У деразани ҳам очмоқчи
бўлаётганида эшикда Муаттар кўринди.

— Сизни бир одам сўраяпти.

— Қанақа одам?

— Билмасам,— деди Муаттар ва негадир
овозини насайтиб шипшиди:

— Ўшанга ўхшайди.

Шукуржон «ўша»нинг Қосимов эканини
Муаттарнинг овозидаги қўрқув аралаш та-
раддулдан дарров пайқади. Лекин у Қоси-
мовдан ҳар нарсани кутса ҳам, уйига кели-
шини кутмаган эди. «Наҳотки ўша бўлса?»—
Шукуржон ишонинқирамай даҳлизга чиқди ва
эшикни очиши билан йўлакда кутиб турган
Қосимовга юзма-юз келди.

Қосимов чап қўлида шляпасини ушлаб,
ўнг қўли билан қалин соchlарини силаб, ку-
тиб турарди. Шукуржонни яна унинг бу-
тун важоҳатидан ёғилиб турган куч-қувват,
ажин тегмаган чўтири юзининг тиниқ қизилли-
ги ҳайрон қолдирди.

— Сизни безовта қилдим чоғи, афв эта-
сиз,— деди Қосимов жилмайиб.— Кеча Маҳ-
камжондан хат олгандим, сиз ҳам олгандир-
сиз?.. Хўш, бориш-бормаслик масаласи йима
бўлди? Кечирасиз...

— Сиз-чи?—деди Шукуржон, тинимсиз жил-
майиб турган бу одамнинг мақсадини тү-
шуниш учун бутун хаёлини бир жойга йиғиб.

— Мен...— деди Қосимов ва кулди,— ҳайронман. Тўғрисини айтсам, қизиқадиган жойлар эмас. Маҳкамжон ўзи шунақароқ, доим ошириб гапиради...

«Нима демоқчи? Нимага бундай деяпти?»— ўйлади Шукуржон.

— Сиз у томонларда бўлганмидингиз?— сўради у.

— Ҳа, албатта... Босмачилар билан жанг бўлган қизиқ жойлар эмиш... Эски бир қалъа тўғрисида сизга ҳам ёзибдими?— деди Қосимов ва кулди:— Божангиз жуда ғалати йигит-да, у ерда қанақа қалъа бўлиши мумкин? Ҳеч қанақа қалъа йўқ — кўрганимиз...

«Ээ... менинг у ёққа боришимдан қўрқяпти шекилли?..»— тўсатдан хаёлига келган бу фикрдан Шукуржоннинг миясида чақмоқ чақнагандай бўлди-ю, кўпдан бери кўнглини хира қилиб келган шубҳалар ва азобли ўйларни гўё бошқа бир нур билан ёритиб юборди.

— Хуллас, сиз бормайсизми?— деди Шукуржон.

— Мен... бормайман... Сиз-чи?— деди Қосимов ва бу савол билан Шукуржоннинг миясида туғилган фикрни таъкидлагандек бўлди.

— Мен... бормоқчиман,— деди Шукуржон ва шу заҳотиёқ нишонга текканини ҳис этди: Қосимовнинг кичкина мунчоқ кўзларида аллақандай бир безовталик ифодаси жилвалангандек бўлди. Лекин бу фақат бир секунд давом этди.

— Ҳўп, яхши бориб келинг. Биздан Маҳкамжонга салом деб қўясиз. Мен шуни айт-

гани келувдим,—деди Қосимов ва қўлини чўэди.

Шукуржон пешонасига совуқ тер чиққанини сезди. У:

«Маҳкамжонга салом айтгани келдингми, ё сирларинг фош бўлиб қолишидан қўрқиб келдингми?»—деган фикрни кўнглидан кечирди, лекин буни Қосимовнинг юзига айтишга журъат қилолмади. Қосимовнинг ўзи-ни тутиши, важоҳатидан ёғилиб турган аллақандай куч-қувват Шукуржоннинг қалбида яна ўша эски машъум шубҳани уйғотди. У бу шубҳанинг асоссиз ва қандайдир аянчли эканини ҳис этар, ўзидан нафратланар, лекин ундан қутулишга ожиз эди.

Қосимов зинадан секин тушаркан, худди бир нарса эсидан чиққандек бир зум тўхтади, сўнgra бошини кескин силкитди-да, ҳовлига чиқиб кетди. Шукуржон ҳамон ундан ниманидир кутиб ҳовлига, кейин кўчага чиққанида Қосимов машинасига ўтириб жўнаб кетган эди. Шукуржон Анҳорнинг бўйидан Навоий кўчасига қараб бурилган янги ҳаво ранг «Победа»нинг орқасидан узоқ тикилиб қолди, сўнgra, негадир уйга киргиси келмасдан, сувнинг бўйидан юриб стadioч томонга кетди...

Қуёш ботганига қарамай ҳали чироқлар ёнмаган, кун ботиш билан қоронфиллук тушиши орасида бўладиган майин ва айланечук назокатли бир пайт эди.

Шукуржон шундай пайларда трамвай ва троллейбусларнинг овози эшитилмайдиган жойда, Анҳорнинг бўйида ўтириб дам олишини, катта сувнинг кишини аллаловчи секин шовиллаб оқишини эшитиб, хаёл суришни

яҳши кўрарди... Бугун ҳам у катта кўчанинг шовқин-сурони эшитилмайдиган жойга бориб ўтириди ва бирдан бундан тўрт йил олдин, Қосимов билан институтда тўқнашган куни кечаси ҳам худди шу атрофда кезганини, сувнинг қорамтири сатҳида милт-милт ёнгач юлдузларга жимгина тикилиб, ўзига-ўзи тасалли берганини эслади. Зотан нариги қирғоғи дарахтлар билан тўсилемган ва алланечук қоронғи бўлиб кўринадиган бу хилват жойлар нимаси биландир Шукуржоннинг болалик чоғлари ўтган севикли қишлоғига ўхшаб кетар ва ҳамиша унинг қалбини ёруғ ҳисларга тўлдиради... Мана бугун ҳам унинг юрагида Қосимов уйғотган оғир туйғулар тарқаб, унинг ўринини маъюс, лекин аллақандай ёруғ бир ҳислар эгаллади. Отасининг исми билан боғлиқ бўлган ва Шукуржоннинг хотирасида унутилмас из қолдирган жуда кўп эсдаликларни бирдан уйғотиб юборди...

Бу эсдаликларни баъзилари жуда оғир, баъзилари севги мактубларидек азиз, лекин ҳаммаси ҳам қандайдир ёруғ бир ғамгинлик пардасига ўралган қимматли эсдаликлар эди... У онасини эслади. Шукуржоннинг хаёлида у ҳамиша ниҳолдек ёш, очилган ғунчадек латофатли, кўклам қуёшидек мулоийим бир аёл бўлиб гавдаланар эди. Онаси вафот этганда Шукуржон нари борса икки ёшга тўлган бир гўдак эди, бу ҳислар эҳтимол бувисининг у ҳақда айтган туганмас ҳикоялари таъсиридадир, Шукуржон уни аниқ эслар, болалигида кўзларини шундоқ юмарди-ю. дарҳол унинг хушрўй ва мулоийим чеҳрасини кўрар, ҳатто алла айтган мулоийим овозини,

тоғ чашмасининг шилдирашидек ёқимли ва меҳр-муҳаббатга тўла овозини эшитгандек бўларди. У севимли бувисини — юзларини ажин тўри қоплаган, кўзларига мотам ғами чўккан, кумуш сочли муштипар кампирни, унинг ёлғиз қизи билан севимли куёв боласи тўғрисида хар кеча айтадиган ғамгин ҳикояларини эслади. Бу эсадаликларнинг ҳаммаси, худди охири бир дарёга келиб қўшиладиган тоғ жилғалариdek, отаси воқиасига келиб қўшилар эди. Отаси ҳақидаги эсадаликлар эса, болалик чоғларида меҳрибон бувисидан эшитган ҳикоялар таъсирида Шукуржоннинг хаёлида аллақачон ажойиб шоирона бир эртакка айланган эди. Шунинг учун ҳам Шукуржон ўтмишни эслаган чоғларида хаёлида турмушнинг ҳақиқий фактлари эмас, балки шу ҳикоялар таъсирида унинг болалик хаёллари яратган ва ширин тушга ўхшаган шу эртак жонланарди.

Гўзал Фарғонанинг энг кўркам, энг баҳаво, энг хушнуд ва энг хилват жойларидан бирида, зилол булоқларидан муздек совуқ, асалдек ширин сувлар оққан, баҳордек ёш, мисоли бир гулзордек кўркам боғларида булбуллар гул ишқида кечаю кундуз пола қылган кичик бир қишлоқ бор. Шу қишлоқнинг бир чеккасида, шафтоли билан ўрик дарахтлари гуллаб яшнаган бир боғда, ишкомлар билан тўсилган жўнгина бир уйда оддий бир деҳқон оиласи тирикчилик қиласи. Оила уч кишидан иборат: чол-кампир-у, Гулраъно исемли ўн беш-ўн олти яшар, қора қош, қора кўз, бодом қовоқ бир қиз.

Бу камбағал оиласининг ҳеч ким ва ҳеч

нарса билан иши йўқ, у гўё бу «ёлғон дунё»-нинг икир-чикирларини тарк этган, бир амаллаб ўз тирикчилигини тебратиш билан банд.


Чол ҳар ёз ўрик пишганда уни бозорга олиб бориб сотиб ун, ёғ, гўшт олиб келади. Шафтоли пишганда уни ҳам пуллаб, кампирга бўз, Гулраънога рўмол, омэди юришиб, шафтolinинг бозори келса бир кийим атлас олиб бериб, ёлғиз қизини баҳтиёр қилади. Бу оиласа на оқ пошшонинг тахтдан қулагани ҳақидаги хушхабар, на ҳуррият тўпларининг гумбурлаши эши билади, на теваракда бўлган исёйларнинг иссиқ нафаси келиб етади. Фақат бир марта, унда ҳам аллақайси ноинсоф каллакесар чолнинг эшагини кечаси ҳайдаб кетгандагина, бу оила босмачи деган сўзниңг мудҳиш маъносини тушунгандек бўлади.

Эрталаб чол арзи дод қилиш учун қишлоқ оқсоқолиникига йўл олади, лекин кўчада учраган ёр-биродарлари уни йўлдан қайтарадилар, негаки «кеча от ўйнатиб юрган» каллакесарларнинг иши бугун эшакка тушиб қолган бўлса, шунинг ўзиёқ уларнинг «худонинг қаҳрига учраганидан далолат берарди». Дарҳақиқат кўп ўтмасдан «қизиллар босмачиларнинг додини берибди», деган гап тарқалади-ю, қишлоқ анча тинчиб қолади. Чол ҳам бир амаллаб эшагининг ўрнига эшак сотиб олади ва уларнинг турмуши ўзининг бурунги тинч, беғалва изига тушиб кетади. Шу зайлда бир-икки йил ўтади. Бу ўртада Гулраъно бўйи етиб, унинг донғи бутун қишлоққа тарқалади...

Худди ўша маҳалда озиқ-овқат йиғиш учун, Шўро ҳукуматидан қишлоққа вакил бўлиб келган Собиржон исмли ёш йигит нима ҳам бўлиб Гулраъонни кўриб қолади-ю, ўртага одам қўяди.

Чол қарши бўлмаса ҳам, кампир олдин пешонасида ақалли бошпанаси ҳам бўлмаган бу камбағал йигитга ёлғиз қизини бергиси келмайди, лекин кейин ўйлаб қараса Собиржон уларнинг бошига қўнган бир баҳт қуши экан. Тўйдан кейин қизи билан куёв боласининг апоқ-чапоқ бўлиб кетганини, кечалари шам олдида ўтириб алламаҳалларгача «китоб кўришларини», гоҳо ширин суҳбатда тонг отдиришларини кўргандага, кампир ичидан қувонар, ёлғиз қизи учун кўнгли тинчиди худога минг-минг шукур қиласди. Кампир «бу китоб кўриш»лар, бу суҳбатлардан кейин қизининг кўзи олдида худди орзудек гўзал бир олам намоён бўлаётганини билмас, у фақат Собиржон остонаяга қадам қўйган кундан бошлаб қизининг очилган гулдек яшнаб кетганини биларди, холос. Лекин гул тикансиз бўлмаганидек, ҳаёт ҳам ғам-ғуссасиз бўлмайди...

Ўша чоғларда Фрунзе қўшинларининг қудратли қиличидан омон қолиб, тоғ-тошлар орасида жон сақлаб юрган турли газандаларнинг омборларидаги озиқ-овқатлари мусодара қилина бошлаган бой-қулоқларнинг норозилигидан фойдаланадилар-у, худди қоронфилик тушганини сезган кўршапалаклардек ўз инларидан чиқа бошлайдилар. Ҷеваракдаги қишлоқлардан: гоҳ «палончи большевойни пичоқлаб кетишганмиш», гоҳ «пистончи ак-



тивнинг уйига ўт қўйишганмиш» деган гаплар тарқала бошлайди. Худди шу ўртада Собиржонни тўсатдан вилоятга чақириб қоладилар. Бир ҳафта ўтар-ўтмас ундан босмачиларга қарши урушга кетганини ҳақида хат келади.. Худди шу кундан бошлаб ўрикзорга яшилингага бу кичкина кулба устида момақалдироқ гуркураб, чақмоқ чақнай бошлайди. Собиржондан хат келган куни кечаси уйга бир тўп босмачилар бостириб кирадилар. Яхшиям ўша куни Гулраъно «кўнгил ёзиб келиш» учун бир дугонасиникига кетган эди. Босмачилар Гулраъони тополмагач, чолни ўзи экиб, ўн йил муҳаббат билан парвариш қилган ўрик шохига осиб кетадилар...

Деярли қирқ йил бир ёстиққа бош қўйган кампир умр йўлдошидан, қиз — севимли отасидан айрилади. Лекин тақдир бу иккисига буни ҳам оз кўради. Үларнинг аччиқ кўз ёшлари қуриб ҳам битмасдан, Собиржоннинг ҳалок бўлғанлиги тўғрисида хат келади...

Кампир машъум хатни қизига кўрсатмасдан бутун қайғу ҳасратини ичига ютиб, бошига тушган бу оғир мусибатни ҳам ўз елкасига юклаб олади.

Бу воқиадан кейин беиш-олти ой ўтгач Шукуржон дунёга келади. Лекин яна бир йил ўтар-ўтмас Собиржонни кўришдан умидини узган Гулраъно оғир дардга гирифтор бўлади-ю, кўзининг оқу қораси Шукуржонни кампирга қолдириб, дунёдан ўтади ..

Ҳикоя шу ерга келганда кампир ҳар сафар кўз ёшларини артиб, чуқур «үҳ» тортар, сунгра неварасининг бошини силаб: «Елғизим-

нинг пешонасига ёзилгани шу экан-да», — деб қўярди.

Шукуржон бу ҳикояни захматкаш бувисининг қўйнида ётиб, деярли ўн йил эшиштга. Кампир ҳам уни ўн йил давомида ҳар куни, ҳар кечада тақорлар экан, гўё садақага тушган пулнинг ҳар бир чақасини қайта-қайта санаган тиламчикидек, хикоянинг битта сўзини ҳам тушириб қолдирмасдан гапириб берарди. Эҳтимол шунинг учундир, кампирнинг хикояси Шукуржоннинг дилида жуда чуқур из қолдирган. Шукуржон онасининг бошига тушган фожиани шундай чуқур ҳис этардикى, ҳатто унинг ёш билан ювилган меҳрибон ва ғамгин чеҳрасини кўргандек бўларди.

Лекин энси муҳими шундаки, ёлғиз қизи, «кўзининг оқу қораси» Гулраъононинг баҳтсизлиги, ҳатто бутун оиласининг бошига тушган оғир мусибат — бунинг ҳаммасига Собиржон сабаб бўлганига қарамасдан, кампир уни чуқур оналик муҳаббати билан севар, бечора болани жувонмарг қилган босмачиларни қарғаб, қаттиқ куйинар эди. У Шукуржонни ўч икки йил тарбия қилиб, балоғатга етиб қолганидан кўнгли тинчиб дунёдан ўтаркан, унинг қалбida отасига чуқур муҳаббат уйғотиб, Собиржоннинг бой ва муштумзўрлар билан олишган бир азамат бўлганига қаттиқ ишонч туғдириб кетди. Кампир севимли куёвч тўғрисида умрининг сўнгги йили айниқса кўп гапирадиган бўлганди.

Шукуржон бувисининг бундай қилишига ҳам Қосимов сабаб бўлганини кейинчалик у билан институтда тўқнашганида тушунди. Үшанда Қосимов «Сен билан энди бошқа

жойда гаплашаман» деб кетгандан кейин Шукуржон бир неча кунгача уни илгари ҳам қаердадир кўргандек бўлиб юрган ва ниҳоят бувиси ҳаёт маҳалда унинг олдига ёрдам сўраб борганларини эслаганди. Шукуржон у вақтда Қосимовнинг нима вазифада ишлаганини ҳанузгача билмайди, лекин борганларини аниқ эслайди:

Қосимов уларни яхши қарши олган, кампирга пешвоз чиқиб, узун, ёруғ кабинетининг тўридаги диванга ўтқазган, ҳатто Шукуржоннинг бошини силаган ҳам эди. Лекин кампирнинг қўлидан аризасини олиб, унга кўз ташлаши билан тўсатдан ранги ўчганди.

— Шунаقا денг? Ҳали бу йигитча қаҳрамон Султоновнинг ўғли бўлади денг? — дея илжайган эди.

Содда дил кампир унинг овозидаги истеҳзони сезмасдан, дарров кўзига ёш олиб ҳасрат қила бошлаганди:

— Отасини уйинг куйгур босмачилар жувонмарг қилди, онаси ҳам ўлган, мен қўлимда хат-саводим йўқ бир бечораман. Куёвимнинг мозори қаердалигини ҳам билмайман, болам. Худо бунга умр бериб, катта бўлса отасининг изиниям, мозориниям ўзи топиб олар...

Кампир шу сўзни айтиши билан Қосимовнинг узунчоқ чўтири юзидаги табассум бирдан ғазаб билан алмашган, кичкина мунчоқ кўзлари совуқ чақнаганди.

— Бас, кампир, сиз бу гапни бошқа жойда айтманг. Собиржон Султон ўғли қаҳрамон бўлганми, йўқми — биз буни яхши биласиз. Майли, ёрдам берамиз, аммо бу гапни иккинчи айтманг. Еш болани бекорга чалғит-

манг.— У аризанинг устига ниманидир ёзиб, кампирга чўзган ва унинг юзига қарамасдан «боринг» дея эшикни кўрсатганди.

Шукуржон Қосимовнинг кампирга қилган муомаласи билан нашриётда унга айтган сўзларининг тагида қандайдир ифлос бир мақсад борлигини сезган, кўп ўтмасдан унинг бу фикри тасдиқланган ҳам эди. Шукуржон аспирантурага кираётган йили у билан бирга узун бўйли, ингичка, хотинчалиш бир йигит ҳам имтиҳон топширган эди. Йигитнинг фамилияси ҳам Қосимов эди. Шукуржон олдин бунга эътибор бермаган эди, лекин унинг бали бояги йигитнижидан ўзиб кетди-ю, институтда яна Қосимов кўриниб қолди. Шукуржон Қосимовни кўрган заҳотиёқ ингичка, хотинчалиш йигит унинг ўғли эканини суриштирмасданоқ билди ва яна эски гапнинг бошланишини кўнглига тушиб қўйди.

Дарҳақиқат эртасига уни институт директорининг олдига чақирдилар. Шукуржон директорнинг кабинетига кириши билан, унинг столида ётган ўзининг шахсий делосини кўрди-ю, дарҳол ҳамма гапга тушунди.

Гарчи директор сұхбатни узоқдан бошлаган бўлса ҳам, худди Шукуржон олдиндан сезгандек, гап ахир айланиб унинг отасига, отасининг ким бўлгани, қачон ва қаерда вафот этганига бориб тақалди. Шукуржон бу саволларга жавобни шахсий делосидан топиш мумкинлигини айтди ва агар бошқача маълумотлар бўлса, унга кўрсатишларини илтимос қилди.

Директор «унақа жиддий бир гап» йўқлигини, лекин баъзи бир сабабларга кўра унинг

Шахсий делосидати ҳужжатларни текшириб кўришга мажбур бўлганликларини айтди.

Шукуржон директорга оғиз очиб гапирмади, лекин унинг кабинетидан чиқиши билан тўппа-тўғри Юнус Ражабовичнинг олдига кирди. У маҳалда Юнус Ражабович кафедра мудири ва партком секретари бўлиб ишларди. Шукуржон студентлик чоғларида унинг лекцияларини тинглаган, ўзини ҳам жуда ҳурмат қиласади. Шунинг учун унга ҳамма билгани гапларини, бувисидан эшигдан ҳикояларини, Қосимов тўғрисида ўйлаган фикрлари ни — ҳаммасини бир йўла гапириб берди ва мумкин бўлса уни ўша одамга қамти қилиб, ора-очиқ қилишни илтимос қилди.

Эртасига ўша кабинетда, ўша жойда улар юзма-юз учрашдилар. Қосимов Юнус Ражабовичнинг рўпарасидаги диванда ўзини орқага ташлаб, оёғини чалиштириб ўтирад, унинг қиёфасида қандайдир ғалати ясама мағрурлик бор эди. Шукуржон эшикдан кирганда у салом берган бўлиб, бошини секин қимирлатиб қўйди, лекин вазиятини ўзгартиргади. Шукуржон ўтириши билан, у деканга қараб енгил таъзим қилди:

— Шикоят қилган шу киши бўладиларми?

— Мен, — деди Шукуржон. Қосимовнинг ўзини тутиши, ясама мағрурлиги, чўтири юзи-даги кибрли табассуми унинг юрагида алла-қандай шубҳа, ўзига ишончсизлик уйғотган эди.— Шикоят қилган — мен,— деди у бўғиқ овоз билан.— Мумкин бўлса отам тўғрисида-ги бу...— Шукуржон «ифволарнинг» дейишдан ўзини зўрға тўхтатди,— бу хабарлари-

шизнинг қанақа фактларга асосланганини гапириб берсангиз.

— Фактлар? — Қосимовнинг ўнг қоши билинч-билинмас кўтарилиди.— Менинг ўзим тириқ факт эмасманми, йигитча? Ахборингиз учун шуни айтиб қўяйки, мен отангизнинг шарофати билан бутун бир отряднинг ҳалок бўлганини ўз кўзим билан кўрганман, негаки баҳтга қарши отангизга ишониб топширилган отрядда оддий ва садоқатли бир солдат сифатида ўша жангларга қатнашганман.

— Ишонмайман,— деди Шукуржон аста.

— Марҳамат. Аммо мен ҳам сиздан бир нарсани сўраб қўяй: қанақа фактларга асосланиб ишонмайсиз?

— Ҳеч қанақа,— деди Шукуржон,— менинг бирдан-бир фактим — юрагим.

Қосимов Юнус Ражабовичга қараб илжайди. Унинг бу илжайишида: «Гап тамом, ўзингиз кўриб тушибисиз-ку?» деган маъно бор эди. Сўнгра Шукуржонга юзланди ва қўлларини диваннинг суюнчиғига ташлаб сўради:

— Сиз гражданлар урушининг иштирокчиси, ҳамма воқиани ўз кўзи билан кўриб, оғир фожиани бошидан кечирган кекса бир партизаннинг гапларига ишонмаганингиз ҳолда, нечук энди мен сизнинг юрагингизга ишонар эканман, йигитча?

Шукуржон бир секундга ўзини йўқотиб қўйди, сўнгра Юнус Ражабовичнинг унга «сўзланг» деб имо қилганини кўриб, ўзига келди.

— Менинг гапимга ишониш учун вижданли бўлиш керак,— деди у, овозидаги титроқни

босишга тиришиб,— ҳолбуки сизнинг аллақачон ҳалок бўлган бир одамнинг орқасидан бундай гаплар тарқатиб юришингизнинг ўзи... сизнинг... ниятингиз холис эмаслигини курсатиб турибди...

Қосимов ўрнидан турди. У бутун вужуди, бутун важоҳати билан қаттиқ таҳқирланганини ифода этувчи бир вазиятда Юнус Ражабовичга юзланди.

— Мен сизнинг мақсадингизга тушунмай қолдим,— деди у, босиқ овозда.— Агар сиз кекса партизаннинг гапига ишонмасдан...

— Тўхтанг, ўртоқ Қосимов,— тўсатдан Юнус Ражабович унинг сўзини бўлди ва тез юриб олдига борди.— Мен ҳам сизнинг мақсадингизга тушунмай қолдим.

— Яъни,— деди Қосимов, бир қадам орқага чекиниб.

— Яъни нечук сиз бу гапни ҳамиша мана шунаقا пайтларда қўзғайсиз? Нариги сафар бу йигит китобингизга салбий баҳо берганда қўзғадингиз, бу сафар ўғлингиз аспирантурага киролмайдиган бўлганда...

Қосимов бошини мағрур кўтариб:

— Мен, совет фанига келиб чиқиши шубҳали бўлган шахсларнинг суқилиб кириб олишидан қўрқаман, холос,— деди ва Юнус Ражабовичнинг гапирмоқчи эканини кўриб қўлини кўтарди.— Мен умуман сизнинг саволингизга жавоб беришни истамайман,— деди у бўғиқ овозда.— Мен бу учрашувнинг зарурати йўқ эканини сизга айтган эдим. Мен соғ виждонли бир одам сифатида, гражданлар уруши даврида қон тўкиб заҳмат чеккан бир солдат сифатида шу нарсалардан сизларни ҳабардор

қилишни зарур деб билдим. Мен ўз бурчими-
ни адо этдим. Бундан тегишли холоса чиңа-
расизларми, йўқми — бу менинг ишим эмас.
Мен ўз гражданлик бурчимни адо этдим,
холос.

Қосимов яна боягидек бошини билинар-би-
линмас қимирлатиб хайрлашган бўлди, сўнг,
новча ва келишган қоматини таёқдек тўғри
тутганича кабинетдаи чиқди.

Юнус Ражабович, гўё ўзини йўқотиб қўй-
гандек, бир зум қотиб қолди, сўнгра қўллари-
ни орқасига қилганича кабинетни бир-икки
марта айланиб чиқди ва ниҳоят деразанинг
олдига бориб узоқ ўйланиб турди.

Шукуржоннинг юраги гурс-гурс ура бош-
лади. У шу топда ўз ҳаётида жуда катта бир
бурилиш рўй беришини, унинг келажагини
кўп жиҳатдан шу чолнинг жавоби ҳал қи-
лишини сезарди. Эҳтимол шунинг учундир
Юнус Ражабовичнинг ўйчан товуш билан:
«Алаҳ» деганини эшигандан олдин бир чў-
чиб тушди, кейин юраги аллақандай орзиқиб
кетди.

— Мен бу одам китоб ёзиб нима қиласди,
деб юрардим,— деди Юнус Ражабович, дераза-
дан ҳовлига ўйчан тикилиб,— энди тушундим.
Китоб унинг мавқеини кўтариши мумкин эди-
да... Алаҳ...— чол, тўсатдан бир қарорга кел-
гандек, Шукуржонга қараб кескин бурилди:—
Сиз бораверинг, ўғлим, дирекция билан ўзим
гаплашаман.

Шукуржон унинг дирекция билан нима деб
гаплашганини билмайди, лекин у Қосимов-
нинг ифвосига қарамасдан аспирантурага қа-
бул қилинди.

Мана, шундан бери тўрт йил ўтди. У аспирантурани битирди, Юнус Ражабовичнинг раҳбарлигига диссертациясини ҳам ёқлади, фан кандидати деган унвон ҳам олди. Лекин ўшандаги Қосимовнинг туҳмати ҳали-ҳали эсидан чиқмайди.

Аспирантурада ўқиётган пайтида Шукуржон отасини кўп суроштириди, архивлардан қидириб кўрди, ҳатто бир марта туғилган қишлоғига ҳам бориб келди, лекин бу қидиришлардан ҳеч бир натижа чиқмади.

Йиллар ўтгач, унинг юрагида пайдо бўлган яралар ҳам бита бошлади, лекин бундан бир ҳафта олдин рўй берган учрашув, айниқса Қосимовнинг бугунги гаплари эски яранинг юзини қайта тирнади, ўша маҳалда юрагини тўлдирган алам қайта уйғонди.

«Йўқ, бориш керак, яна бир қидириб кўриш керак» — деди хаёлида Шукуржон, Қосимовнинг нимадандир безовталанган қиёфасини кўз олдига келтириб. Бунга фақат бир нарса халақит бериши мумкин — Шукуржон шу ҳафтанинг охирида босмачиларга қарши курашган халқ отрядлари тўғрисида маълумот тўплаш учун Ҳоразм обlastига кетаётган экспедицияни бошқариши керак эди...

«Майли, уч-тўрт кунга рухсат олиб бўлса ҳам бориб келаман» — деди у хаёлида.

Шу маҳал қоронфиликда Муаттарнинг:
— Вой, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? —
деган овози эшитилди.

Шукуржон бошини кўтариб қаради ва қоронфиликда уч яшар қизи Саодатни кўтариб олган Муаттарни кўриб, ўрнидан турди. Қосимов келгандан кейин Муаттарга бир оғиз

сўз айтмасдан кетиб қолгани эсига тушиб, хижолат бўлди.

— Саодат қалай, тузукми?

— Дада,—Саодат унга қараб талпинди:—мен яхши бўлиб қолдим, дадажон, доктор опам айтдилар, тузалдинг дедилар.

Муаттар ўпкалаб:

— Нима қилиб юрибсиз? Тинчликми ўзи?—деди Саодатни унга бераркан.

— Тинчлик,—деди Шукуржон ва бир зум ўйланиб қўшимча қилди:— Фарғонага бориб келмоқчиман.

— Қачон?

— Рухсат беришса эртагаёқ жўнайман.

— Вой, мунча шошяпсиз? Ҳалиги одам нимага келибди? Тинчликми ўзи?— Муаттарнинг овози бирдан алланечук ўзгариб, титраб кетди. У бундан тўрт йил олдин Шукуржонничг бошига тушган мусибатдан хабари бор, у чеккан изтиробларни ўртоқлашган эди.

«Йўқ, энди бу шубҳаларга барҳам бериш керак!—деди Шукуржон, Муаттарнинг қоронғида аллақандай ялтираб кетган қўй кўзларига тикилиб.— Ҳақиқатни билиш керак!»

У Саодатни чап қўлига олиб, ўнг қўли билан Муаттарнинг елкасидан оҳиста қучоқлади.

— Тинчлик. Қўрқманг. Юринг, уйга кирайлик, ҳаммасини айтиб бераман...

Эрталаб Шукуржон Юнус Ражабович билан учрашди. Юнус Ражабович унинг гапларини жим ўтириб эшилди. Худди кечагидек бир неча марта: «Қизиқ, жуда қизиқ» деб қўйди, сўнгра, агар Шукуржон уч-тўрт кунга

бориб көлишни истаса, қарши эмаслигини айтди.

Шукуржон шу куни кечқурун йўлга чиқди.

II

Шукуржон эрталаб, Юнус Ражабовичнинг олдига киришдан олдин телеграмма берган бўлса ҳам, Маҳкам aka тоғда ов қилиб юргани учун бу телеграмма унинг қўлига тегиб, кутиб олишига ишонинқирамаган эди. Лекин Маҳкам aka одатдагидек берган ваъдасининг устидан чиқди. У Шукуржонни вокзалда кутиб олди ва тоққа «виллис»да олиб чиқиб кетди. Шукуржон Маҳкам аканинг қўлидан ҳар иш келишини, дунёда унинг ошна-оғайниси бўлмаган жой йўқ эканини биларди, лекин бунчалик бўлишини кутмаган эди. Шаҳардан саҳарда чиққан «виллис» кун чиқмасданоқ тог оралиғига кириб, илон изи бўлиб кетган йўллардан сирли қалъага қараб учаркан, Шукуржон Маҳкам акадан астойдил миннатдор бўлди. Лекин қуёш терак бўйи кўтарилгунча юриб, кичкинагина бир яйловда тўхтаганларида ва Маҳкам aka яйловнинг ўртасидаги пастаккина тепаликда қад кўтарган ярим хароба бир қўрғонни кўрсатганида Шукуржон:

— Шунча жойдан атайлаб чақиртирганингизда кўрсатмоқчи бўлган қалъангиз шуми? — деди беихтиёр афсусланиб.

Маҳкам aka оқ шоҳи кўйлагини туртиб чиққан юмшоқ қорнини силкитиб хохолаб кулди:

— Сен чиндан ҳам янги бир шаҳар топиб, тарих фанида янги саҳифа очмоқчи экансандада, ҳа-ҳа-ҳа!

— Гап янгилик топиб қойил қилишда эмас, лекин сиз...

— Э... қўйсанг-чи, шу гапларни! Биз сени мана бу жаннатдек жойларда бир дам олиб, яйраб кетсин деб чақирдик-да! Тўғрими, акаси?— деди у, йўлнинг четидаги кичик бир булоқчадан челягига ҳовучлаб сув қуяётган шоферга қараб.

Шофер — ўн саккиз-йигирма ёшлардаги Тоҳир исмли ўрта бўйли қотма йигитча Шукуржонга қараб бир жилмайди-ю, индамасдан челягига ҳовучлаб сув қуийшда давом этди. Унинг бу жилмайишида «бу акам ўзи шунаقا эканлар» деган маъно бор эди.

— Сен бунаقا сайлларнинг қадрига етмайсан,— деди Маҳкам ака ва негадир «уф» тортди.— Бизнинг янги бошлиқ келгандаку, бошқа гап эди. У қадрига етарди! Аммо жа улфат йигит экан-да!

Шукуржон Маҳкам аканинг содда диллигидан ичиди кулиб қўйди, лекин нима дейишүнч билмасдан атрофдаги баланд тоғларга, сийрак оқ булутларнинг орасидан яна ҳам тишиқ бўлиб кўринган тубсиз зангори осмонга тикилиб, бир нафас ўйланиб турди. «Қосимовнинг ким эканини билсангиз эди!»— деди хаёлида. Сўнгра, Тоҳирнинг сув қуянб бўлганини кўриб, индамасдан машинага чиқди. Маҳкам ака шофернинг ёнига ўтираккан:

— Тезроқ ҳайдай қол. Тунов кунги жойга бориб, бир дам олмасак офтобда кабоб бўладиганга ўхшаймиз, акаси жонидан!— деди ва кулди.

Тоҳир ҳам машинани яйловчининг ўртасидан тўғри қалъага қараб ҳайдади.

Гуллар, чечаклар, кеч очиладиган лолақиз-ғалдоқлар билан ясанган яйлов худди ўзбек қизларининг чевар қўлларни билан тикилган шоҳи сўзанадек қўёшда порлаб ёнарди. Теваракда эса қор билан қопланган баланд чўққилар қад кўтарган, улар гўё оқ соқоли кўкрагига тушган, бошига оқ қалпоқ кийган нуроний чолларни эслатарди.

Машина тепаликка осонгина кўтарилиб, қўрғоннинг ярим хароба девори тагида тўхтади.

Шукуржон бунинг аҳён-аҳёнда тоғларда учраб қоладиган оддий қўрғонлардан бўлмасдан, балки катта-катта харсанг тошлардан қуррилган кичик бир қалъа эканини энди пайқади. Қалъа деворларининг баъзи жойларида ҳанузгача сақланган ва афтидан соқчилар учун ясалган тешикчалар ҳам бунинг оддий бир қўрғон эмаслигидан далолат берарди. Шукуржон машинадан тушиб, қўргонга разм солган заҳотиёқ «бу ё Темурланг, ё Бобир замонида солинган кичик соқчи қалъаларидан бўлса керак» деган фикрни кўнглидан кечирди. Тезда унинг бу фикри тасдиқланди ҳам: у қалъага кирган ҳамониёқ рўпарада, шохлари қуриб қолган кекса бир тутнинг тагида иккитуч қабрни кўрди. Қабрларнинг бирида қуҷоққа сиғмайдиган даражада катта, ўзи ҳам ғалати шаклларда буралиб-буралиб кетган архар мугузи турарди, бошқа қабрлар кичикроқ бўлиб, емирила бошлигани эди. Тутнинг шохида бир парча латта ҳилтираб турарди. Қўёшда куйган, ёмғирда ювилавериб, шамол илма-тешик қилиб юборган бу латтанинг рангини билиб бўлмас, у хароба қабрларнинг ўзидек кўхна эди.

Тоҳир илжайиб:

— Садағанг кетай машойихларнинг гўри-
ми дейман?— деди қабрларга имо қилиб.

Улар тут томонга уч-тўрт қадам босмасда-
ноқ катта қабрнинг бош томонидаги ялтироқ
мармар тошни кўриб қолдилар.

— Ие, буни биз пайқамаган эканмиз-ку!—
деди Маҳкам aka ҳайрон бўлиб.

Тошнинг олдига тиз чўккан Тоҳир:

— Ёзуви ҳам бор экан!— деди таажжуб-
дан кўзларини ўйнатиб.

Дарҳақиқат, Тоҳирнинг қўли тегиб, чанг
артилган мармар тошнинг ялтироқ сатҳида худ-
ди чумоли карвонининг изидек майда, заргар-
нинг нақшидек бежирим ўйилган арабча ёзув
кўринди. Лекин ёзув асрларнинг шафқатсиз
қўли билан шундай таталанган эдики, уни
Шукуржон лупага солиб узоқ тикилишига қа-
рамасдан... «Муҳаммад ҳожи ибн Раҳмон,
786 ҳижрий» деган уч-тўрт оғиз сўздан
бошқасини ўқий олмади, чунки тошнинг чет-
ларигина эмас, сатҳи ҳам нурай бошлаган
эди.

Шукуржоннинг арзимаган бир тошга шун-
чалик узоқ тикилишидан диққинафас бўлган
Маҳкам aka охири тутнинг панасига қочди,
лекин бақалоқ гавдасини тутнинг бир тутам
соясига сифдиrolмасдан бадтар жиғибийрони
чиқди.

— Ээ... Шукуржон, агар бу бувангни қабри
бўлса ҳам қўйсанг-чи!— деди у зардаси қай-
наб.— Нарёқда янгиси бор, ўшани кўрсанг-
чи!— Бошини соядан чиқариб шу гапни айт-
ди-ю, кейин яна ўзини сояга олди.

Шукуржон эса тошдаги ёзувни ўқиш билан

шунчалик банд эдики, унинг сўзини ё эшитмади, ё эшитса ҳам эътибор бермади. Ниҳоят у бошини кўтарди ва ёзувга узоқ тикилишдан чарчаган кўзларини уқаларкан:

— Янгиси қаёқда? — деб сўради.

Шукуржоннинг ёзувдан бошини кўтарганидан севиниб кетган Маҳкам ака тутнинг «соясидан» чиқди.

— Янгиси бу ёқда, ҳу анави Тоҳир ўтирган жойда.

«Машойихлар»нинг қабрини зиёра қилиб бўлган Тоҳир қалъанинг шарқ томонида, қулаб тушган деворнинг ёнида катта харсанг тошлар орасида ўтирасида. Унга яқин борган Шукуржон қабрдан олдин катта қора тошнинг ёнида кўкариб турган бир туп гул кўчатини кўрди. Ниҳолнинг кўм-кўк япроқлари орасида уч-тўрт қизил гул чўғдек ёнарди. Лекин энг қизиги шунда эдики, гулнинг айланаси чуқур қилиб қазилган бўлиб, кимдир унга яқиндагина сув қўйганлиги кўриниб туради.

Шукуржон гулга кўзи тушган заҳотиёқ Маҳкам ака айтган янги қабр шу катта тошнинг ўзгинаси эканини тушунди. У тошнинг ёнига тиз чўкиб, рус алифбесида зархал ҳарфлар билан ёзилган шу сўзларни ўқиди:

«Босмачиларга қарши курашда ҳалок бўлган севиклим Владиславга севгилиси Люсьендан. 1923 йил».

Шукуржон кўзини ёзувдан узиб, узоқларга тикилди. У эндиғина йўлга чиқаётган маҳалда бу қалъадан, айниқса, ундаги номаълум қабрдан кўп нарсани кутганига иқор бўлди. Албатта, бундан деярли ўттиз беш йил олдин ҳалок бўлган отанинг изини топиш осон эмас, ле-

кин кўнглиниң бир четида: «Эҳтимол қалаванинг учи шу ердан топилиб қолар» деган бир умид уч-турт кундан бери уни ҳаяжонга соларди.

Шукуржон юрагида афсусга ўхшаш бир нарса ҳис этди, лекин бир нафасдан кейин бу ҳис: «Владислав ким? У одам қандай ҳалок бўлган экан? Люсьен ким? Уни қаердан то-пиш мумкин?» деган саволлар билан алмашди. Тошдаги ёзув бу саволларга жавоб бермас, лекин меҳр-муҳаббат билан парвариш қилинган бу гул... У худди эртаклардаги афсонавий тилсимдек тилга кириб, кўп нарсани гапирмоқда эди. Бу гул уни эккан одамнинг яқин жойда яшашини, ҳар куни бўлмаса ҳам ҳафта-да бир марта келиб, бу қабр ёнида жимгина ўтириб, ярим асрга яқин совуқ тупроқ қўйни-да ётган, лекин қалбida ўчмас из қолдирган бу нотаниш одамни эслаб кетишини, ҳалиги булоқдан сув келтириб гулга ҳаёт беришини ва яна кўп нарсаларни «ҳикоя қилиб» туради. Эҳтимол, бу азиз одам Шукуржоннинг отаси-ни ҳам билар, эҳтимол, у қалаванинг учини топишга ёрдам берар?

Шукуржон кўзларини олислардан узиб, Маҳкам акага қаради.

— Бу гулни ўтқазган одамни топиб бўл-масмикин?

— Нима қиласан уни? — деди Маҳкам ака.

— Бир иш чиқиб қолди.

— Ана холос! Шу ишни уч-тўрт кун кейин қилсанг бир нима бўладими? Ахир шунча жойдан атайн дам олгани, бундоқ бир яйраб-ёзилиб кетгани келгандан кейин... Ҳайронман!

Маҳкам аканинг астойдил тажанг бўлаёт-ганини кўрган Шукуржон: «Шу одам айтган-

дек бир-икки кун дам ола қолсаммикин?»—
деган фикрни кўнглидан кечирди, лекин шу
заҳотиёқ бу гулни экиб парвариш қилган одам
 билан бир сұхбатлашмасдан туриб кўнгли
 жойига тушмаслигини сезди.

— Йўқ, олдин уни топишим керак,— деди
 у қабрга ўйчан тикилиб,— умуман дам олиш-
 га вақтим ҳам йўқ, Хоразмга экспедицияга
 кетишим керак. Мен бу ерга шу қалъани кў-
рай, зора отамнинг изи топилиб қолса, деган
 умидда келдим...

— Боя шунаقا деб қўя қолмайсанми?—
Маҳкам ака кулди, лекин Шукуржон унинг
 кулгиси асабий чиққанини, у сайилнинг бузи-
 либ қолишидан қўрқаётганини пайқади.

— Битта сабаб чиқиб қолди,— деди у,— қи-
 дирмасдан иложим йўқ.

— Қанақа сабаб?

— Жуда жиддий гап.

— Хўш?— деди Маҳкам ака ва Шукуржон-
 нинг ёнига чўққайди.

Шукуржоң фақат эндигина Маҳкам акага Қосимовнинг иғволари тўғрисида ҳеч қачон ҳеч нарса демаганини эслади. Шукуржон уму-
 ман бу гапни Юнус Ражабович билан Муат-
тардан бошқа ҳеч кимга айтмаган. Чунки Қосимовнинг гаплари оддий бир түхмат эка-
нига чуқур ишонса ҳам у тўғрида гапириш-
нинг ўзи унинг назарида отасининг номига доғ-
 туширади. У ҳатто ҳозир ҳам гапиргиси кел-
 мади, чунки шу топда фақат бир нарсани: гул
 эккан одамни топиш ва у билан тезроқ гапла-
 шишини истарди.

— Агар сизга малол келса... мен ўзим ҳам

топиб олишим мумкин. У одам шу атрофда бўлиши керак...

— Ана холос! Бирор сенга малол келади деяптими? Олдин айтсанг-чи: нима гап ўзи?

— Ҳеч гап йўқ,— деди Шукуржон.— Отам тўғрисида баъзи бир туҳмат гаплар бўлувди. Ҳаммасини айтиб берар эдим-у, лекин бунинг достони жуда узоқ. Кейин гапириб бераман... Маҳкам aka елкасини қисди ва четроқда индамай турган Тоҳирга юзланди:

— Гапни эшитдингми, акаси? Қани, тунов куни қимиз ичган қўрғонга бориб кўрайлик-чи, бу гулни ўтқазган одам зора ўша ердан топилиб қолсал!

III

Машина қуёшда сўзанадек гул-гул ёнган ҳалиги кичкина яйловни босиб ўтиб, тағин катта тош йўлга чиқиб олди.

Машҳур Фарғона тоғларининг энг хилват жойларигача кириб борадиган, ҳатто Тожикистонга ҳам ўтадиган бу йўлгоҳ баланд қорли чўққиларнинг орасидан, гоҳ кўркам хушманзара яйловларнинг ўртасидан, гоҳо эса ваҳимали жарликларнинг ёқасидан ўтарди.

Бу йўлдан «виллис» дек «садоқатли тулпорга» миниб, бир айланиб келишнинг ўзи оламолам ҳузур бағишлайди кишига. Шунинг учун ҳам «уч-тўрт кун бу «қулинг ўргилсий» салқин жойларда эркин нафас олиб, муздек чашмалардан сув ичиб, тўқайларда ов қилиб, бир яйраб келиш» учун чиққан Маҳкам акага бу кутилмаган ҳодиса ёқмади. Лекин энг муҳими, Шукуржоннинг гапи Маҳкам aka учун шу

қадар кутилмаган эдики, у ҳатто нима деб жавоб беришини ҳам билмай қолди. Маҳкам ака Шукуржон билан беш-олти йилдан буён сирдош бўлишига қарамасдан, бу гаплардан, хусусан, унинг отаси тўғрисида айтган бояги гапларидан мутлақо бехабар эди. Наҳотки, Шукуржон ундан сир тутган бўлса? Ахир улар бир-биридан сир сақламайдиган дилкаш дўст эдилар-ку?

Маҳкам ака Шукуржондан гина қилиш учун оғиз жуфтлади-ю, унинг бир нуқтага тикилган ҳолда чуқур ўйга чўмганини кўриб, галиришдан тортинди. Шукуржоннинг чиройли қўй кўзларида, қуёшда куйган бўғдой ранг юзида қандайдир теран бир қайғунинг нишонаси бор эди... Нима гап? Унга нима бўлди?

Маҳкам ака Шукуржонни ўз укасидан ҳам аъло кўрар, Шукуржоннинг ҳам уни яхши кўришига амин эди. Урталаридаги дўстлик шунинг учун ҳам чуқур ва самимий эдики, у севгининг ипак арқоклари билан боғланган эди.

Улар божа эдилар. Лекин божалик баҳтига мұяссар бўлишдан олдин иккиси ҳам илк севгининг аччиқ шаробини кўп тотиши. Гарчи бу изтироблар ҳар хил бўлса ҳам, иккисини бир-бирига яқинлаштирган, уларни ҳамдард қилган нарса шу севги дардлари эди. Гап шундаки, Шукуржон билан Муаттар бир бирини севишса ҳам ота-онанинг қаршилиги учрадилар. Маҳкам ака эса, аксинча, ота-она нинг розилигини олган бўлса ҳам, Зулфиянинг ўзини анчагача унатолмай юрди.

У маҳалларда Маҳкам ака савдо-экономика институтининг охирги курсида ўқирди ва деярли ҳар куни опа-сингиллар ўқийдиган инсти-

тутга қатнарди. Бир куни у Муаттар билан Шукуржонни бирга кўриб қолди, кейин уларнинг «кўнгли яқин» эканликладини суриштириб билди-да, пайтини топиб. Шукуржоэ билан танишди ва шу заҳотиёқ унга ўзининг юрак сирларини очиб ташлади, «баҳтсиз муҳаббати» тўғрисида худди ўзининг энг сирдош, энг дилкаш ва энг қадрдан дўстига ҳикоя қилаётгандек самимий гапириб берди, ҳатто йигитлик иззат-нафсини ҳам йифишириб қўйиб, пича кўз ёши ҳам қилиб олди.

Шукуржон ўшангача Маҳкам акани фақат бир мартагина, Зулфия билан гаплашиб турганда кўрган, лекин бунга эътибор бермаган эди. Шунинг учун ҳам бу ғалати йигитнинг биринчи учрашишдаёқ унга шундай чуқур самимийлик билан гапириши, кўнглидаги дардини тўкиб ташлаши Шукуржонга алланечук эришдек туюлган эди. У ҳатто ўзини ўнғайсиз бир ҳолатда сезган, лекин кўп ўтмасдан бу паканагина, лўппи юзли йигитни астойдил севиб қолган, унинг жуда самимий ва оқ кўнгил бир йигит эканини билиб олганди. Шукуржон ўша биринчи суҳбат ҷоғидаёқ бу йигитнинг бутун тарихини: унинг Зулфия билан бир мактабда ўқиганини, ўшандан буён Зулфияни қаттиқ севишини, Зулфия эса ҳануз унга тузук бир жавоб бермасдан қийнаб келишини билиб олди. Сўнгра бир кун Зулфияни атайин излаб топиб узоқ суҳбатлашган, Маҳкам аканинг «қанақа йигит» эканини тушунириб, панду насиҳат қилганди.

Шундан кейин худди ҳамма нарса Шукуржоннинг панду пасиҳатини кутиб тургандек, Маҳкам аканинг шу маҳалгача юришмаган

иши бирдан юришиб кетди. Яна бир йилдан кейин, улар ўқишиларини тамомлагач, ёрдўстларига ширингина тўй-тамоша қилиб бериб, мурод-мақсадларига етдилар.

Ушандан бери Маҳкам аканинг Шукуржонга ихлоси тағин ҳам ошган. Зотан Шукуржоннинг бу «холис хизматлари» бекор кетмади. Яна икки йилдан кейин навбат Шукуржон билан Муаттарнинг тўйларига келганда ва бу тўй ота-онанинг қаршилигига учраганда Маҳкам ака билан Зулфия уларни астойдиш ҳимоя қилдилар. Айниқса Зулфия катта ёрдам берди. У ҳатто: «Дадам кўнмасалар ўзим шартта тўй қилиб бераман» деб оёғини тираб олди ва охири отасининг розилигини олиб берди.

Бу можаролар бўлиб ўтганига ҳам анча бўлди, кўп сувлар оқиб кетди. Маҳкам ака савдо соҳасида кўзга кўринган хизматчилардан бири бўлди. Шукуржон диссертация устида ишлаб, моддий жиҳатдан қийналган вақтларда Маҳкам ака қўлидан келган ёрдамини аямади. Лекин у Шукуржон билан шунчалик кўнгли яқин бўла туриб, унинг сир сақлашини билмаган эди. Умуман уни бундай қиласди деб ҳеч қачон ўйламаган ҳам эди. Машинада у билан ёнма-ён ўтириб: «Демак... коса тагида ним коса бор экан-да!.. Биз ундан ҳеч бир сиримизни яширмаганда, бу биздан сирларини яшириб юрибди!»— деган фикрни кўнглидан кечирди ва Шукурジョンга кўз қирини ташлаб: «Мен уни ўз укамдек кўрар эдим-а?» деб секин уф тортид.

Лекин Шукуржон буни сезмас, у ҳам ўз ўйлари билан банд эди.

Эски қалъада учраган қабр, айниқса Лю-
сьен исмли нотаниш бир қизнинг юрак қон-
лари билан тошга битилган ёзув унинг қалби-
ни аллақандай ғамгин ҳисларга тўлдирган
эди. Ким билади, эҳтимол, отасининг жасади
бундан ҳам ташландиқ бир жойда қолиб кет-
гандир, эҳтимол, унинг қабри ёнида лоақал
бир туп гул ҳам йўқдир, оти ва зотини кўреа-
тувчи икки оғиз сўз ҳам ёзилмагандир? Ҳа-
қиқатан шундай бўлиши керак. Чунки унинг
қабри ёнига гул ўтқазиб қараб турадиганлар-
дан биттаси Шукуржон бўлса, қабрини то-
пиш у ёқда турсин, шу маҳалгача унинг поқ
номига иснод келтирувчи оғир тухматни ювиб
ташлай олмади ку?.. Унга чин қалбидан ишо-
нишига қарамасдан, Қосимов тухмат қўлган
маҳалда уни қаттиқ туриб ҳимоя қилингага
журъат этмаганлари-чи? Нимадандир қўрқ-
канлари-чи?

Бу ўйлар Шукуржоннинг юрагини шундай
қаттиқ сиқдики, у оғриққа чидаиі салмасдан
секин инграб юборди...

Тош йўл баланд қирга чиқиб, яна пастга,
водийга қараб туша бошлади. Олдинда ям-
яшил бир яйлов кўзга чалинди. Яйловнинг
ўнг томонида қалин қамишзор кўринар, чап
томони узоқдаги қорли чўқкиларга етгунча
кўм-кўк пичанзор эд: «Худди шу ерга етган-
ларида Тоҳир Маҳкам акага юзланиб: «Бундок
тўғри юра қолсак қандоқ бўлади?» деди ва
Маҳкам aka: «Шошма, пастда йўл бордир!»
дегунча бўлмасдан «виллис»ни чапга буриб
юборди. Машина қия тепаликдан пастга тара-
қа-туруқ қилиб учиб кетди. Яхшиям қир-
нинг ён бағрида катта харсанг тошлар оз

закан, бўлмаса шу сафар Тоҳирнинг усталиги ҳам уларнинг жонига ора киролмас эди.

Азбаройи гангид қолгандан бутун вужудини титроқ босиб, гапиришга мажоли қолмаган Маҳкам ака, машина қирнинг этагига етиб, қатор жойлашган қўрғонларнинг ёнида тўхтаганидагина тилга кирди ва дудуқланадудуқлана Тоҳирни уришиб берди...

Бу ўртада қўрғоннинг ичидан бир тўп ёш болалар югуриб чиқдилар ва машинага Қэраб отилдилар. Уларнинг орқасидан яйловни бошига кўтариб вовиллаганича кучуклар чопди.

Болалар машинага яқинлашишга юраклари дов бермай, уч-тўрт қадам нарироқда тўхтадилар ва бир-бирлари орқасига яширган ҳолда бегонасираган кўзларини Шукуржонларга тикдилар, кучуклари эса улардан икки қадам олдинга ўтди, лекин улар ҳам машинага ҳужум қилишга журъат қилолмасдан, водийни бошларига кўтариб акиллай бошлиди.

Йўловчилар машинадан тушиб, атрофга назар ташладилар. Иккита катта қўрғондан ташқари ўнг томондаги олмазор орасида уч-тўртта уй ҳам оқариб кўринарди. Маҳкам ака ён-берига аланглаб, болалардан бошқа ҳеч кимни кўрмагач, «дипломатик муносабат ўрнатиш» ниятида: «Қани, ким машинага тушишни хоҳлайди, болалар?»— деб ёндигина гап қотган эди ҳамки, боғдан бир-иккита аёл чиқди, кетма-кет ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги бир йигит ҳам кўринди. Йигит нечукдир ийманиб тўхтаган аёлларнинг ёнидан ўтиб, машинага қараб юр-

ди. Бу — ўрта бўйли, кенг яғринли, ёш бир ўс-
пирин эди. У Шукуржоннинг гапини бошини
қўйи солганича жим туриб эшилди, кейин бир-
дан мулойим илжайди:

— Буни Бурхон отамдан сўрайсиз... У киши
илидан игнасиғача ҳаммасини гапириб бера-
дилар,— деди йигитча ва нечундир яна кулим-
сиради.

— Бурхон ота дейсизми? У кишини ҳозир
топиб бўладими?

— У киши ҳозир далада. Кун ботгаңда ке-
ладилар,— деди йигит ва дам Маҳкам акага,
дам Шукуржонга қараб қўшимча қилди:—
Уйга кириб пича дам олинглар, унгача келиб
қоладилар.

Маҳкам ака «жуда маъқул гап» деган
маънода Шукуржонга қаради, аммо Шукур-
жон унинг маъноли боқишини сезмагандек:

— Раҳмат, ука, агар хизмат бўлмаса йўл
кўрсатиб берсангиз,— деди.

— Майли,— деди йигитча ва нарироқда
кўзларини жовдиратиб турган болалардан би-
рига қараб деди:— Зокир полвон, бувингга
айтиб қўй, мен далага кетдим.

Йигитчанинг гапи Шукуржоннинг юрагидз
тўсатдан умид аралаш алланечук иссиқ бир
ҳаляжон уйғотган эди. Машина тоғ шабнамида
секин тўлқинланиб мавж ураётган ўсиқ пи-
чанзор орасидан кетаркан, теваракдаги қор-
ли чўққилар ҳам қуёшнинг иссиқ селида худ-
ди онасининг бағрида ширин уйқуга кетган
гўдакдек эркин нафас олиб, яшинаб ётган бу
яйлов ҳам унинг кўзларига аивалгидан кўр-
кам бўлиб кўринди. Шу топда пастак-пастгак
қирлар, адирлар оша учиб бораётган «вил-

лис» ҳам худди орзу манзилига олиб бораёт-
ган баҳт қушига ўхшарди хаёлида.

Йўлда, яйловнинг ҳар ер-ҳар ерида сурук-
лар учрар, лекин буларнинг ҳаммаси бошқа
чўпонларга қарашли бўлиб чиқарди. Ниҳоят,
шу зайлда водийни ярим соатча кезиб юриш-
гач, Бурхон отани кичик бир сойликдаги тў-
ғоннинг бўйидан топдилар. Чол бир туп тол-
нинг соясида қумғонда чой қайнатиб ўтирас.
қўйлар эса, суви қуриб, майин ва кўм-кўк
ажриқ билан қопланган сойликда ўтлаб юрас,
баъзилари қумлоқда дам олиб ётардилар.

Бурхон ота деганлари олтмиш ёшлар ча-
масидаги ўрта бўйли, лекин яғрини кенг, жу-
да забардаст кўринадиган, узун мош-гуруч
соқолли бир чол эди. У машинани узоқдан
кўриб ўрнидан турди, лекин уларни нечук-
дир совуқ қарши олди. Кучли қўлларини ис-
тар-истамас чўзиб, ҳамма билан бирма-бир
кўришаркан, қуюқ қора қошларини чимирга-
нича Шукуржонга бир зум тикилди. Шукур-
жонга шундай туюлдики, гўё чолнинг қуёш-
да қорайиб кетган кенг юзида, сал қисилган
кўзларида аллақандай таэжжуб аломати
кўриди. Лекин бунинг ҳаммаси атиги бир
нафас давом этди-ю, сўнгра меҳмонларни «дас-
турхонга» таклиф қиларкан: «Хўш, тағин ким-
ларни топниб келдинг?» деган маънода йигит-
чага ер остидан қараб олди. Йигитча ҳам
буни дарҳол сезди шекилли, меҳмонларнинг
нима мақсадда келганларини айтиб берди. У
тап бошлаб, тош қалъадаги қабр билан бир
туп гулни тилга олиши ҳамон чолнинг ярим
юмуқ кўзлари бирдан «ялт» этиб очилиб кет-
ди, унга қандайдир жон киргандек бўлди.

— Бу гулни дўхтири синглим эккан, болам.
Узи ҳу ана у тоғнинг орқасида,— чол қўлини
чўзиб қалъа томондаги ўткир учли чўққини
кўрсатди,— «Кўксой» деган қишлоқда дўхтири-
лик қилади. Бошда Ленинград деган азим ша-
ҳардан келган. Ўттиз йилдан оши чамаси,
ҳар йили кўкламда гул экади, ҳар якшашба
келиб зиёрат қилиб кетади. Дастлаб эрини қи-
дириб келган маҳалда ёшгина бир жувон эди,
кўп инсофли аёл экан, бошқа эр қилмади бе-
чора. Баҳоси йўқ аёл экан!

— Авлиё деб қўя қолинг, авлиё!— деди
Маҳкам ака.

Бурхон ота бошини иргаб тасдиқлади:

— Авлиё десангиз ҳам арзийди, мулла ака.

— Эрининг қандай ҳалок бўлганини бил-
майсизми, ота?— деди Шукуржон.

— Ўз қўлим билан кўмганман, болам.

— Шу қалъада ҳалок бўлганмиди?

— Ээ.. болам, бу қалъада гап қўп,— деди
Бурхон ота ва бошини чайқаб уф тортди.—
Мен сизга айтсан, бу қалъада дўхтири синглим-
нинг куёвидан бошқа яна бешта баҳодир ётиб-
ди, болам. Олтига азamat шу қалъада босма-
чилар билан кечаю кундуз шердек олишиб ҳа-
лок бўлган, ўғлим!— Чолнинг овози тўсатдан
титраб кетди ва у худди кўз ёшларини яшир-
моқчи бўлгандек бошини қуи солди.

Шукуржон, исмларини билмайсизми, де-
моқчи эди, лекин отанинг ҳаяжони унга ҳам
ўтди-ю, анчагача гапиромлади.

Йўқ, Бурхон ота бу олти баҳодирнинг исм-
ларини билмайди, сабаби, қонхўр босмачилар
азаматларнинг ном-нишонларини ҳам йўқ қи-
либ юборганлар.

Бу қандоқ бўлди? Наҳотки Шукуржоннинг қалбидан тўсатдан уйғонган бу қувончли умид худди совуқ урган куртакдек очилмасдан сўлиб қолса?

Яна анчагача чўзилган жимликдан кейин Шукуржон ўзининг тарихчи эканини айтди (у нима мақсадда келганини очиқ айтишдан негадир, эҳтимол ёнидагилардан иймангани учундир, тортиндиган), шунинг учун ҳам бу олти баҳодирнинг қандай ҳалок бўлганини батаф-сил гапириб беришни сўради.

— Хўп, болам, сиз эшитадиган бўлсангиз, биз гапириб берамиз, ҳаммасини гапириб берамиз,— деди Бурхон ота, лекин гап бошлишдан олдин тағин бошини қўйи солиб, кўзини юмди.

Ўртага чўккан чуқур сукутда тўғонда сакраб ўйнаётган балиқларнинг чўлл-чўлпи ҳам, тол шохларидаги чумчуқларнинг чуғур-чуғури ҳам, ҳатто пичанзордаги беданаларнинг битбилдиги ҳам аниқ эшитилиб турарди. Ҳамманинг қулоғи Бурхон отада эди. Лекин чо гапиришга шошилмас, худди юрагида чуқур из қолдирган, лекин йиллар давомида хиралашиб қолган эсдаликларни хаёлидан бир-бир ўтказаётгандек, кўзларини юмганича чуқур ўйга чўмди. Шу вазиятда бир нафас ўтиргач, бошини кўтариб, Шукуржонга қаради ва тасодифан учраб қолган нотаниш одамлар тўғрисида эмас, худди ўз фарзанди, жигарбанди тўғрисида ҳикоя қилаётгандек, аллақандай ички бир дардга тўла овоз билан секин ҳикоя қила бошлади.

Бу воқианинг содир бўлганига ўттиз уч йил тўлиб, ўттиз тўртга қараб кетди, чамаси. Айни кўклам чоғи эди. Яйловда лолақизғалдоқлар очилган, қушлар уяларига учиб келган палла эди.

Бир кун кечқурун ўша катта йўлнинг ёқасидаги сойликда қўй боқиб юрган Бурхон ота (у чоғларда қирчиллаган навқирон йигит эди, жўралари унга «Полвон» деб ном қўйишган эди) кун ботиш томондан, тоғнинг ичкарисидан чиқиб келган олтига отлиқни кўриб қолади...

Полвон дафъатан остида ўйнаб турган айғирнинг бошини қўйиб қочишга чоғланади, неғаки у маҳалда босмачилар дейсизми, ўғри-муттаҳамлар дейсизми, ёхуд қочқинди калласарлар дейсизми—хуллас, ҳукуматнинг одил муштидан қочган барча муттаҳамлар тоғнинг хилват жойларида пашшадан ҳам кўпайиб кетган эди. Аммо улар Полвоннинг кўзигэ бошқачароқ кўринади. У ўзини босиб, тузукроқ тикилиб қараса, булар босмачиларга сира ҳам ўхшамайди. Уст-бошлари ҳам ўзимизнинг аскар болалар уст-бошига ўхшаб кетади, аҳволлари ҳам жуда танг: бир-иккитасининг пешонаси, бир-иккитасининг қўллари оқ дока билан боғланган, отларнинг ҳолини-ку, сўрамай қўя қолинг!

Полвон айғирнинг жиловини тортади. Отлиқлар яқинроқ келгач, қараса олти кишининг ҳаммаси яраланган, ҷарчоқлик, очликлик ва уйқусизликдан бўлса керак шунақаям ҳолдан кетишганки, эгарда зўрға ўтирадилар.

Полвон буни кўради-ю, ҳамма гапни дарҳол

аңглаб олади, булар босмачилар билан олишган баҳодирлар эди!

У отдан сакраб тушиб, иззат-икром билан қўл қовуштириб салом беради, йигитлар ҳам ҳурмат билан алик олишади. Шундан кейин пешонасини оқ дока билан боғлаб олган, қаддиқомати хўп келишган қора йигит Полвонга қараб: «Энди бизга бир ёрдам қилинг, ука» — деб илтимос қиласди.

«Жоним билан» — деб жавоб беради Полвон ва қанақа ёрдам кераклигини сурайди. Йигитлар даставвал Полвондан пича овқат топиб беришни илтимос қиласдилар, негаки, икки кундан бери туз тотишмаган экан.

Полвон йигитларни ўтовга таклиф қиласди. Аммо аскарларга қўрғонга бориш тугул, бир қадам босишининг ўзи ҳам малол келаётганини кўргач, уларни сойликда қолдиради-ю, ўзи от чоптириб қўрғонга кетади. У ердан қатиқ дейсизми, сут дейсизми, кўмач дейсизми — хуллас нимаини қўлга илинса ҳаммасини олиб, яна тўқайзорга чопади.

Азаматлар овқатланиб пича дам олганларидан кейин яна отланишга чоғланадилар, сабаби улар босмачиларнинг таъқибидан хавфси-рар эдилар.

Қора отли командирнинг айтишига қараганда, бошда уларнинг тўпида қирқ нафар баҳодир бўлиб, мақсадлари босмачиларнинг уясига ўт қўйиб кулини кўкка совуриш экан. Улар чиндан ҳам бир ҳафтадан бери босмачилар билан шердек олишиб, нечасининг жонини жаҳаннамга юбориб, уясига ўт қўйиб, додини бериб юришган экан-ку, охирида олиша-олиша сийраклашиб, ҳолдан тойғач, орқага қайтиб

келаётган чоғларида (айтишларига қараганда улар Тожикистон төгларигача боришган, қўқ-қисдан газандаларнинг катта бир тўлига учраб қолишибди, босмачилар чумолидан ҳам кўл экан. Аммо лекин баҳодирлар бўш келмасдан роса олишишибди-ю, ахир улар кўплик қилиб, булар чекинишга мажбур бўлишибди, шу олти азаматдан бошқаси ўша жойда каллакесарлар билан олишиб жон беришибди...

Ота бир нафас сўзидан тўхтаб, кўзларини артди, сўнгра ўртага чўккан чуқур сукутни яна ўзи бузди...

Шундан кейин азаматлар отиша-отиша не-не машаққатлар билан бўриларнинг чангалидан қутулиб чиқиб, кечадан бери уларга тут-қич бермасдан чекинишаётган экан.

Иигитлар пича ҳордиқ чиқаргунча қуёш ботиб, водийга қоронгилик тушгандан кейин, Полвондан йўл кўрсатиб қўйишни сўрайдилар, негаки, у чоғларда бу катта тош йўллар қурилмаган, адашиб кетиш ҳеч гап эмас эди.

Шунақа азаматлар илтимос қиласи-ю, Полвош йўқ дермиди? «Бажонидил» деб ўзи йўл бошлайди.

Ўша кечаси ой чиқмаганими, ё кеч чиққанми, ишқилиб водий шунақаям зим-зиё бўладики, ҳар бир қадамни ўлчаб босишга тўғри келади. Шу зайлда тошбақа юриш билан «боя ўзлари кўрган» қирларни, тоғу тошларни ошиб, тўқайзорлардан ўтиб, ўша тош қалъага етиб олгунча ярим кеча бўлади. Бу ҳам майли-ю, аммо лекин худди шу ерга етганда азаматларнинг отлари ҳам батамом ҳолдан кетиб, юришга мажоли қолмайди. У маҳалда ос-

тида оти бўлмаган одам, қанотсиз қуш деган гап эди! Энди улар учун битта-ю битта йўл қолади, у ҳам бўлса шаҳарга одам юбориб, ёрдам чақириш... Маслаҳат билан бу ишни Полвонга топширадилар, негаки унинг оти ҳам учқур, ўзи ҳам бошқалардек ҳолдан тоймаган...

Шундай ишни ишониб топширадилар-у, Полвон йўқ дермиди? Дарҳол белни маҳкам боғлаб, стга минади. Ҳамма билан қучоқлашиб хайрлашади. Уни қалъадан ярим чақирим наригача кузатиб борган командир худди кўнгли бир нарсани сезгандек, Полвон билан тагин қучоқлашиб: «Оқ йўл, укажон» деб бағрига босади...

Ҳикоя шу ерга етганда яна Бурхон отанинг кўнгли бўшаб, у кўзларини артиб бир неча дақиқа сукутга чўмди. Шукуржон уни юпатмоқчи бўлди-ю, лекин ўзининг ҳам кўзига ёш келганини сезиб, бошини эгди.

Хуллас, олти баҳодир от-анжом, қурол-аслаҳаси билан қалъада қолади-ю, Полвон айғирнинг сағрига битта аччиқ қамчи уриб йўлга тушади... ӽшанда аzon пайти эди чамаси; Полвон йўлга чиққанида осмонда Ҳулкарни кўргани ҳанузгача эсида...

Шу-шу бўлди, Полвон тонг отгунча отдан тушмасдан чопади. Йўлда учраган чўпонлардан қимирлашга мажоли қолмаган айғирини алмаштириб олади ва охири чоштгоҳ пайтида шаҳарга етиб боради. У тўпда-тўғри «милиса начальник»нинг маҳкамасига боради, эшикда турғанларнинг дўқ-пўписасига ҳам қулоқ солмасдан тўппа-тўғри ҳузурига киради. Бор гапни шундоқ айтади-ю, бамисоли зўриққан отдек ўзини таппа ташлаб девдек уйқуга кетади.

Уни ярим соатдан кейин уйғотадилар. Ҳовлида уни юз нафар йигит кутиб турди. Ҳаммаси бўрига чанг соладиган, босмачининг додини бериб, жонини жаҳаннамга юборадиган азаматлар!

Яна йўл, яна от чопиш... Шу зайлда улар пешингача юрадилар. Вақт пешиндан ўта бошлагач, оғир бир ҳис Полвоннинг кўнглини ғаш қила бошлайди, негаки унинг чамасида қалъада қолган азаматлар йўлга чиқиб алла-қачон уларга учраши керак эди.

Ҳар нечук, ноумид—шайтон, дейдилар, умид узмасдан йўлда учраган чўпонлардан сўрай-сўрай, узоқдан кўринган ҳар бир одам қорасига севина-севина кўз тикиб, кун ботгунча жадаллаб юрадилар. Аммо, олтита баҳодирни кўрдим, деган бандай мўмин учрамайди...

Ниҳоят кун ботиш олдида улар водийга етиб борадилар, аммо водий сув сепгандек жимжит бўлади. Унда на бир ҳайвои, на бир одам қораси учрайди, худди хароба бир гўристонга ўхшаб кўринади уларнинг кўзига.

Тоққа чиқмаган, бу жарликлар, даралар, бу йўлларни кўрмаган баъзи аскарлар: «Эҳтимол улар бошқа йўлдан кетгандир, ажаб эмаски, тоғ-тошларнинг панасида яшириниб ётишган бўлса» деган ўйга ҳам борадилар. Ёлғиз Полвон аллақандай ваҳимали сезгилардан кўнгли ғаш бўлиб, юрагига ғулгула тушиб қолган эди. Аммо кейинчалик ўз кўзлари билан кўрган даҳшатни ҳатто у ҳам тасаввур қилмаган эди!..

Бу даҳшатларни ота тилга олмасин, бошқалар эшитиб доғ бўлмай қўя қолсин. Ота ҳеч қачон бунақа ваҳшийлик одам боласининг кўлидан келади деб ўйламаган эди!

Бурхон ота яна жим қолди, намланган күзларини артиб, яна ўзига тасалли берди.

— Ҳай, майли, ажалга илож йўқ. Ишқилиб жойлари жаннатда бўлсин...

Хуллас, улар қалъадан олтита баҳодир ўрнига қонга белангандан олтита жасадни топадилар.

Рост, қалъанинг айланасида йигирмадан ортиқ босмачининг ўлиги ётади, бу ўликлар олтита мард йигитнинг осонликча жон бермаганидан гувоҳлик беради, аммо лекин олти баҳодир ҳалок бўлгандан кейин йигирма эмас, юзта босмачининг ўлиги ётганда ҳам кўнгилга тасалли бера оладими?

Юз нафар йигит бошларидан қалпоқларини олиб, газандалар билан тенгсиз курашда ҳалок бўлган олти ўғлоннинг жасади устида бош эгиб, бир минут сукут қиласидилар, сўнгра ўч олишга қасам ичадилар. Йекин босмачилар қаёқда? Афгидан, улар шаҳардан отряд келиб қолишидан хавфсирасалар керак, ўликларини кўммасданоқ қочиб қолган эдилар.

Аскарларнинг қалбида шундай ғазаб уйғонадики, кеч кириб қолганига қарамасдан, босмачиларни изма-из қувишга қарор қиласидилар, худди шу маҳал, яъни, аскарлар отланмоқчи бўлиб турган чоғда, ернинг остидан чиққандек, Полвоннинг укаси пайдо бўлади. У акасини излаб юрган экан... Аскарларнинг овозини эшитгач, босмачилар деб ўйлаб, тошнинг панасига яширинган экан. Юз берган воқиани ундан эшитиб биладилар.

Полвон қизил аскарларни бошлаб кетган кечаси, саҳар пайтида қўрага юз чоғли отлик босмачилар бостириб келадилар. Улар Полвон

бошлаб келган қызил аскарларни қидирадилар, аммо уларнинг изини ҳам топмагач, беш-олти семиз қўйни отга ўнгариб, чиқиб кетадилар. Шундан кейин акаси учун ташеиш тортган ука ҳам йўлга чиқади. У қирнинг орқасидан юриб, босмачиларни пойлаб бораверади... Кун чиқиш олдида босмачилар «Муз булоққа» етадилар. Тош қалъага қараб юрганларида бирдан уларга қарши отилган ўқ овозлари эшитилиб қолади. Шундан кейин босмачилар дарҳол қалъани қуршаб оладилар. Акасини жангчилар билан бирга қалъада қолди, деб қўрққан бола ҳам нима қилишини билмасдан тошнинг панасида ётаверади. Олтита азамат юз чоғлиқ каллакесарлар билан пешингача олишади, Бурхон станинг укаси босмачиларнинг олтиетти марта қалъага ҳужум қилганини, аммо лекин ҳар сафар қалъадан ёмғирдек ёққан ўқларга учраб, ўликларни девор тагида қолдириб, орқага қайтишга мажбур бўлганларини ўз кўзи билан кўради. Фақат отряд келишдан бир соатча олдингина каллакесарлар қалъани забт этишга муваффақ бўладилар. Фурсатни бой бериб бўлмаслиги аён бўлиб қолади. Командир дарҳол отланишга буйруқ беради. Полвон билан уч-тўрт йигитни олти баҳодирни дафи этиш учун қалъада қолдира-ди-ю, ўрнига укасини олиб босмачиларни қувиб кетади.

Командир темирни қизифида босиб хўп тўғри қилган экан, негаки, булар эртасига, аzon пайтида азиз дўстларини дафи этиб бўлиб, қўрғонга қайтиб келганда, қызил аскарлар ҳам у ёқдан каллакесарларнинг қўлларини орқасига боғлаб, қўйдек ҳайдаб келадилар.

Полвон командирдан босмачиларнинг қўрбошисини унга топширишни хўп ёлвориб сўрайди, аммо начальник розилик бермайди. Агар қўлига тушганида «нима қилишни ўзи биларди!»

Яна чумчукларнинг чуғур-чуғури, тўғонда сакраб ўйнаётган балиқларнинг чўлп-чўлл этиши барада эшитилди. Ҳамма Шукуржонга қарар, ундан ниманидир кутар, у эса ўз ўйлари билан банд эди... «Ким билсин, эҳтимол бу соғ дил чолнинг қалбидаги шундай чуқур из қолдирган олти баҳодирнинг ичидаги унинг отаси ҳам бўлгандир? Лекин буни қандай қилиб аниқлаш мумкин? Қандай қилиб?»— деб ўйлади Шукуржон ва тўсатдан хаёлга келган фикрдан юраги орзиқди.

— Айтмоқчи, ҳалиги дўхтири деганингиз... исми Люсьенми?

— Исмини ҳам яхши билмайман, болам, мен уни дўхтири синглим, деб чақираман.— деди Бурхон ота ва Шукуржонларни бошлаб келган ўспиринга қаради.

— Людмила Григорьевна,— деди ўспирин.

— Людмила Григорьевна эри шу отрядда бўлганини қаёқдан билди?

— Суратдан билди,— деди Бурхон ота,— отряд келиб олти кишининг жасадини кўрганимизда битта сурат топилган эди, болам. Ўша суратни командир олиб кетган эди. Ўшандан суриштириб билди...

«Демак Людмила Григорьевна билиши мумкин экан-да!»— Шукуржоннинг юрагида сўна бошлаган умид учқуни қайта чақнади.

— «Кўксой» — деганингиз узоқ эмасми, ота Бугун борсак қандай бўлади?

Чол чўққилар устига энгашган қуёшга қараб, бошини чайқади:

— Бугун кеч бўлиб қолди, болам, эртага борамиз,— деди.— Бугун менинг уйимда меҳмон бўласизлар, эртага ўзим бошлаб бораман...

— Агар машинада борсак...

— Йўқ, болам, «Кўксой»га биз томондан машина боролмайди, отда борамиз.

Яна узоқ йўлга чиқишдан қўрқа бошлаган Маҳкам аканинг чеҳраси очилиб кетди.

— Отамнинг сўзи ерда қолмасин,— деди у.— Бугун бу кишининг суҳбатларида бўлайлик, эртага борамиэ!

Бурхон ота мўйловининг остидан жилмайиб, ўрнидан қўзғалди.

— Болам, сурукка ўзинг қарай қол, мен меҳмонларни уйга олиб борай,— деди у, ўспиринга ва Тоҳирга юзланди.— Қани, тулпорингни эгарла, болам.

V

Шукуржон эрталаб Бурхон ота билан йўлга чиққанида юраги ғалати бир ҳаяжонга тўла эди. У бир маҳаллар диссертациясини ёзиб бўлгандан кейин, уни ўқиб бериш учун Юнус Ражабовичнинг олдига бораётганида юраги худди шундай ҳаяжонга тўлган эди. Рост, Людмила Григорьевна ном чиқарган одам эмас, лекин оғир йилларда узоқ шимолдан ёрини излаб келиб, бу ердан кетолмай унинг фақат қабрини топган, шундан бери унинг муҳаббатини қалбида асраган бу аёл... ажабо: бу ҳам ўзига хос бир қаҳрамонлик эмасми?

Үлүғ бир инсоний олижанобликнинг нишонаси эмасми?

Улар кечаги қалъага етгач Бурхон ота олти баҳодирнинг қабри ёнига тиз чўкиб қуръон бағишилади, сўнгра улар чап қўлга бурилиб, тоғларга ўрмалаб кетишиди. Отанинг «Кўксой»га машина боролмайди» дегани бежиз эмас эди: ёлғиз оёқ йўл баланд тепаликлар, тоғлардан ўтиб, чуқур жарликлар орасидан илои изи бўлиб кетарди. Тоғларнинг беткай томонларида арча, олма ва ўрик дарахтлари ўсар, ўрмонни эслатувчи қалин ёввойи боғларда қушлар сайрашар, осмонда асаларилар вижвиж учар, энди гуллаган жийдалар боғларнинг кўркига кўрк қўшиб, ҳавони хушбўй ҳидларга тўлдирган. Қуёш тегмаган жарликларда эса ҳали уюм-уюм бўлиб қорлар ётар, қиши ҳиди келарди.

Шукуржон тоғни болалигидан яхши кўради. Тоғ, худди қумлар тагида қолиб кетган қадимги шаҳарлардек унинг хаёлини ўзига тортар эди. Узоқдан баҳайбат харсанглар, яхлит тошлар уюмига ўхшаб кўринадиган тоғларнинг ичидаги сойликлар, яйловлар, ҳатто водийларнинг бўлиши унга жуда ғалати туюларди. Бугун ҳам чоштгоҳ пайтида баланд бир қирнинг устидан атрофи тоғлар билан ўралган кўм-кўк бир қишлоқни — «Кўксой»ни кўрганида яна беихтиёр таажжубланди.

Бутун қишлоқ туташ бир боқقا ўхшар, дарахтлар орасидан уйлар кўринимас, фақат чап томонда, сойнинг нарёғидаги тепага қурилган мактаб билан касалхона биносигина оқариб кўринарди. Бу ернинг ҳавоси ҳам тоза, ҳам салқин эди. Улар қирнинг этагидаги

сойдан ўтиб, тепаликка кўтарилилар ва кўчаси бўлмаган бу ғалати қишлоқни оралаб, боғлар, экинзорлардан ўтиб, бир томонида мактаб, иккинчи томонида амбулатория жойлашган кичик бир майдончага чиқдилар. Майдонча бўш, мактабнинг олдида ғишт, тахта ва бошқа бинокорлик материаллари уюлиб ётар, афтидан бино ремонт қилинмоқда эди.

Амбулаториянинг олдида, қатор ўсган ёш толларнинг соясида уч-тўртта болалик аёл навбат кутиб ўтирарди. Аёллар ўринларидан туриб салом беришди. Бурхон ота уларнинг саломига «кўп яшанглар» деб жавоб бергач, отини толга боғлади-да, ичкарига кириб кетди.

Шукуржон яна эрталабгидек юрагининг гупиллаб ура бошлаганини сезиб қолди. Ажабо: ўзининг илк муҳаббатига умрбод содиқ қолган бу захматкаш аёл қанақа экан? Сочлари оқариб, юзларини ажин ўриб қоплаганимикин, ё ҳамма иродали одамлардек ёш ва бардаммикин?

Шукуржоннинг назарида Людмила Григорьевна унинг нима мақсадда келганини эшиши билан бошқа ҳамма ишларни йиғишириб қўйиб, тез чиқадигандай туюлар эди. Лекин Бурхон ота кириб кетгандан кейин ичкаридан бола кўтарган иккита аёл чиқди, уларнинг ўрнига навбат кутиб ўтирганлар кириб кетишли. «Хозир айтиб чиқаман» деган Бурхон ота ҳам анчадан кейин ёлғиз қайтиб чиқди.

— Синглим жуда банд экан. Ҳозир чиқаман деди-ю, аммо шу бугун Тошкентга кетаётган экан,— деди чол ва Шукуржоннинг юзидағи савол аломатини кўриб, қўшимча қилди:—

Қани бу ёқса юринг, ўғлим, уйга кириб ўтирағ эканмиз.

Улар бинонинг орқасига ўтдилар ва деразаси мактабга қараган озодагина кичик бир хонага кирдилар.

Шукуржон унга диққат билан разм соларкан, гёё Людмила Григорьевнанинг ўзини кўраётгандек қизиқиб қаарди. Уйнинг жиҳозлари жуда оддий эди. Хонанинг тўрида китоб терилган ойнабанд шкаф, «Ватан» радио приёмниги, ўртада оқ гулдор дастурхон ёпилган юмалоқ стол. Чап томонда бир кишилик оддийгина каравот турар, каравотнинг орқасидаги деворга катта зархал рамкага солингач бир сурат осилган эди.

Тўнини ечиб, қозиққа илаётган Бурхон ота Шукуржоннинг суратга тикилиб қолганини кўриб деди:

— Қўрғондан топилган суратнинг айни ўзию, аммо у кичкинагина эди, синглим суратчига бериб каттайтириб олдим девди.

Суратда лўппи юзларида кулгичлари ўйнаган, истараси иссиққина бир қиз қалин жингалак соchlари пешонасига сочилган, устига шинель, оғигига хром этик кийган узун бўйли, кенг яғринли бир йигитнинг кўкрагига бошини қўйиб, жилмайиб турарди.

Шукуржон унинг чеҳрасидан ниманидир қидиргандек узоқ тикилиб қолди.

— Наҳотки лўппи юзида кулгичлар ўйнаган шу масъум қиз ўттиз беш йил шу қишлоқда яшаб, ҳар ҳафта эрининг қабрини зиёрат қилувчи машҳур «дўхтир келин» бўлса?

Эшик очилиб, Шукуржоннинг хаёли бўлиди. Остонада боши худди бир ҳовуҷ пахта би-

лан ўраб қўйилгандек оппоқ сочли, ўрта бўйли семизина бир кампир турарди. Кампир мулойим кўк кўзлари, айниқса оппоқ лўппи юзи билан суратдаги қизга жуда ўхшар, лекин Шукуржон уни бошқача тасаввур этгани учунми, у жуда содда ва оддий бир аёл бўлиб кўринди кўзинга.

Людмила Григорьевна кичкина юмалоқ кафтини чўэшиб кўришаркан, Шукуржонга бир эумтиклиди, сўнг стулга ишора қилиб:

— Утирайлик,— деди соф ўзбек тилида.

Оқ халат кийган, бошини оқ дока рўмол билан ўраб олган ёш бир қиз чой олиб кирди. Людмила Григорьевна бурчакдаги тумбочкадан қанд-қурс олиб, чой қуя бошлади.

— Бугун жуда ноқулай бир пайтда келибсиз-да, ота,— деди кампир ва Шукуржонга юзланди.— Бир неча йилдан бери райондагилар билан талашиб-тортишиб юриб, яқинда бир рентген установка олган эдим, янги чиққанидан беришган эди, қариган чофимда яна ўқишга тўғри келяпти.— У битта тилла тишини кўрсатиб мулойим жилмайди.— Яна Тошкентга бориб ўқир эмишман!

— Жуда яхши,— деди Шукуржон,— Тошкентни томоша қилиб келасиз.— У «бизникига тушинг» демоқчи бўлди-ю, негадир ийманди.

— Тамоша қилишга-ку, тамоша қиласиз,— деди Людмила Григорьевна,— лекин менинг кетишим бугунга тўғри келганини айтмайсизми? Отам озиб-ёзиб бир келганларида тузукроқ меҳмон қилиш...

— Ээ... бу гапни қўйинг, синглим, хафа қиласиз,— деди Бурхон ота.— Ўғлимнинг иши битса бўлгани!

— Мен бу йигитга нима дейишими ҳам билмайман.— Людмила Григорьевна очиқ дөраздан ташқарига, майдончанинг четларидағи миrzатеракларга ўйчан тикилди. Юпқа лабининг, кўзларининг четидаги майдо чизиқчалар чуқурлашиб, ажинлари аниқроқ кўринди.— Менга Славикнинг суратини бериб, унинг қабрини топишга ёрдам қилган одамлардан биттаси капитан Қурбонов эди, у киши ҳам Ватан урушида ҳалок бўлган деб эшитдим. Иккинчиси — ўзингиз... Сиз билан, гаплашгандир, албатта... Славикнинг ёнида тағин кимлар бўлганини мен билмайман, йигит. Мархум Қурбонов яна бировларнинг исмини айтган эди, лекин биласизми, у чоғларда мен ўз дардим билан бўлиб, номларини ёзиб олиш хаёлимга ҳам келмабди... Қийин замонлар эди...

Шукуржоннинг қалбida кечадан бери чўғланаб турган умид учқунлари яна сўнди... Демак, иш битди, демак машъум сирнинг ечилишига энди ҳеч қандай умид қолмади!

Людмила Григорьевна Шукуржоннинг кўзларига чўккан аллақандай ўйчан ғамгинликни сезди шекилли, унга яқинроқ сурилиб ўтириди, мулоийим товуш билан секин сўради:

— Нима учун сиз бу нарсалар билан бундай қизиқяпсиз, йигит? Сабаби нима?

Шукуржонга бу савол шундай эштилдики, гўё кампир яна кўп нарсаларни билади-ю, уни танимагани учун ёзилиб гаплашгиси келмаяпти. Шунинг учунми, ё кеча Бурхон отанинг гапларидан кейиноқ қалбida муҳаббат ўйғотган бу вафодор ва захматкаш аёлнинг ғамгин ва мулоийим чеҳраси жуда чуқур таъсир этгани учунми, ишқилиб, Шукуржоннинг қулфи-дили

очилиб кетди. У сўзини муштипар бувисининг ҳикояларидан бошлади-ю, йиллар давомида қалбида тўпланган ва шу маҳалгача Муаттардан бошқа ҳеч кимга айтмаган ҳасратларининг ҳаммасини бир йўла тўкди, худди энг сирдош ва дилкаш бир дўстига юрак сирларини очаётгандек ҳаяжондан овози титраб, кўзлари чақнаб гапириб берди.

Шукуржон шунинг учун ҳам қулфи-дили очилиб кетдики, бу оддий кишилар унинг дардини ўртоқлашаётганлигини, ҳақиқат қайси томонда эканини сезаётганлигини ҳис этди. Ҳикоя Қосимовнинг Шукуржонни аспирантурадан қолдириб, ўз ўғлини киритишга ҳаракат қилган жойига келганда Бурхон ота:

— Оббо ноинсоф-эй!— деди-ю, ўрнидан туриб кетди. Людмила Григорьевна эса тиниқ мовий кўзларини бир нуқтага қадаганича узоқ ўйланиб қолди.

— Сўзингиз тўғри, унинг ўзи шундоқ қилаётган бўлса, тагида бир гап бўлиши керак. Ундей одам сабабсиз иш қилмайди!— Людмила Григорьевна ўйчан кўзларини бир нуқтадан узиб Шукуржонга қаради ва бирдан мулойим жилмайди, лабларининг четидаги ажинлар йўқолиб, мовий кўзларида илиқ бир ифода кўринди.— Демак шундай малъунлар ҳам энди бунаقا тухматнинг кетмаслигини сезибди-да! Бу жуда яхши, бу жуда яхши, Шукуржон!— деди Людмила Григорьевна ва тўсатдан кўзларига ёш олди.— Шунинг учун ҳам сиз ота-нгизнинг изини топишингиз керак. Қандай бўлмасин топишингиз керак! Илгэри ҳам қидирганмидингиз?

— Қидирганман, лекин...

— Яна қидиринг,— деди Людмила Григорьевна ва Шукуржоннинг кўнглига тасалли бергандек унинг қўлини олди.— Изласангиз топилиб қолади. Мана мен ҳам шунча жойдан келиб топдим-ку!— кулди у ва ўйчан овоз билан қўшимча қилди:— Унақа азиз одамларнинг номларига гард юқмаслиги керак, ўғлим.

Бурхон ота кўзларини юмиб, бошини секин қимирилатиб қўйди.

— Азиз деб қўя қоласизми? Баҳодирлар денг, довюрак баҳодирлар!

— Эринмасдан яна қидиринг, суриштириб кўринг,— деди Людмила Григорьевна, тиниқ мовий кўзлари билан Шукуржонга мулојим тикилиб,— капитан Қурбонов бир сўзида Славик бўлган отряддан ярадор бўлиб қайтганлар ҳам бор деганди. Уша томонларга ҳам бориб бир суриштириб кўринг... Мен жуда қийин вақтда келган эдим, шунинг учун кўп қидира олмадим. Славикнинг қабрини топганимга ҳам шукур қилиб қўя қолдим. О, Шукуржон, у даҳшатларни эсласам ҳанузгача аъзойи баданини титроқ босади! Мен келганимда бу ерларда ҳали босмачилар санқиб юришарди, қишлоқлар вайрон, ҳамма ёқда дод-фарёд эди, ўғлим ..

Людмила Григорьевна ўзи ҳам сезмасдан аста-секин ўз эсадаликларига берилиб кетди. Шукуржон кампирнинг ўйчан кўзларига тикилиб, ғамгин ҳикоясини эшитаркан, лабларининг чети яна ажин тўри билан қопланганини, кенг ва чиройли пешонасидаги чизиқлар чуқурлашганини кўрди ва бу захматкаш кампирнинг нечоғлиқ чуқур изтироб чекканини тасаввур этди.

Шундай қийинчилликларга бардош бериб бу

нотаниш ва ёт ерда қолиш, яшаш, курашиш, қаҳратон қишлоарда қор кечиб, ёзининг иссиқ жазирама кунларида гоҳо пиёда, гоҳо отда яйловдан яйловга ўтиб одамларни даволаш, тоғлар билан қуршалган кичкина бир қишлоқда касалхона очиб докторлик қилиш ва бу машиқатларнинг ҳаммасига қарамасдан мовий кўзларида мулойим табассумни, қалбида меҳрумұхаббатни сақлаб қолиш учун қанча куч, матонат, сабр-тоқат керак кишига!..

— Уша биринчи келганингиздан бери шу ерда яшаяпсизми? — деди Шукуржон.

— Ҳа, фақат уруш йилларида гина Ленинградда бўлдим. Госпиталларда ишладим. Кейин... тағин қайтиб келдим,— деди Людмила Григорьевна ва тўсатдан яна кўзига ёш олди.— Бошда Славикнинг нияти шу эди. Бу ерда яшаб ўзбек халқи тўғрисида китоб ёзишни ўзига мақсад қилиб қўйганди,— кампир кўзларини артиб маъюс жилмайди. Шукуржон ҳам кўзларининг намланаётганини ҳис этиб бошини қуйи солди. Бир минутга ёдига негадир онаси тушди. Кўз олдида болалик хаёли яратган унинг меҳрибон чеҳраси жуда аниқ гавдалангандек, қулоқларига алла айтган ғамгин ва мулойим овози эшитилиб кетгандек бўлдину, бу икки аёлнинг тақдири жуда ўхшаш эканини кўнглидан кечирди.

Эшикда боя чой олиб кирган ёш қиз кўринди.

— Людмила Григорьевна, колхоздан одам келди — машина кутиб қолган эмиш...

— Вой, эсим қурсин,— деди Людмила Григорьевна, қўл соатига кўз ташлаб.— Мен уларни кутдириб қўйибман-ла! Мени кечирасизлар,

ота... Гап шу — қидириңг. Яхшилаб иэланг, Шукуржон!

— Қидираман,— деди Шукуржон,— албатта қидираман.— Ү кампир билан қўл бериб хайрлашаркан, юрагидан чиққан иссиқ бир тұлғу томоғини бўғди-ю, унга айтмоқчи бўлган қандайдир илиқ, яхши сўзларини айттолмади. Факат Тошкентга боргандা уйларига киришини илтимос қилиб, адрес берди.

Людмила Григорьевна унинг қўлидан адрес ёзилган бир парча қофозни оларкан:

— Бу жуда яхши бўлди,— деди кулиб,— меҳмонхонада жой бўлмай қолишидан қўрқиб юрувдим...

Қизиқ, кампир билан хайрлашиб, йўлга тушарканлар. Шукуржон отаси тўғрисида бирор янгилик эшитмаганига қарамасдан кўнглида янги умид, янги ишонч қулф урганини сезди. Үйўл бўйи Людмила Григорьевна тўғрисида, унинг бениҳоят оғир, лекин қандайдир инсоний олижанобликка тўла ҳаёти тўғрисида ўйлаб кетди. Унинг бу ўйчанлигини ўзича йўйган Бурхон ота:

— Сиз хафа бўлманг, ўғлим,— деди тасалли бериб.— Худо хоҳласа бир жойдан чиқиб қолади номи! Сиз ўз элингизни тағин бир айланаб келинг, унгача мен ҳам теваракдаги чўпонлардан суриштириб қўраман.

Шу куни Маҳкам аканинг иши юришиб, бир-иккита каклик отган экан, Шукуржоннинг «қишлоққа бораబ келаман» деганига эътироэ билдирамади. Эртасига у яна овга чиқиб кетди, Шукуржон эса «виллис» да ўз қишлоғига қараб жўнади.

Бу жуда чигал, мушкул, худди турмушда-
гидек шодлик ва ғамгинлик, умид ва умидсиз-
лик чатишиб кетган бир сағар бўлди.

Шукуржон даставвал ўзи туғилиб ўсан,
муштипар бувисининг эртакларини эшишиб
кatta бўлган, онасининг қабри сақланган ва
юрагида бир вақтнинг ўзида ҳам ёруғ, ҳам
алланечук ғамгин таассуротлар қолдирган меҳ-
рибон қишлоғига борди.

Шукуржон бундан беш-олти йил олдин ҳам
бир келиб кетган эди. Лекин бу сағар қишлоқ
кўзига нечундир иссиқроқ бўлиб кўринди.
Узоқдан биринчи боғларга кўзи тушганда юра-
ги «жиз» этди. Сўнгги беш-олти йил ичидаги
қишлоқ жуда ўзгариб кетган эди. Шукуржон-
ларнинг кафтдеккина шафтолизори ўрнига кат-
та боғ тушган, хароба кулбалари ўрнига эса
икки қаватли янги клуб қурилган эди. Лекин
қишлоқда ўша шафтолизорни, чолни, мушти-
пар кампирни, ҳатто уларнинг куёви бўлмиш
Собиржон Султон ўғлини ҳанузгача кўнглидан
ўчириб ташламаган одамлар кўп эди. Шукур-
жон улар билан биринчи марта келгандагидек
узоқ суҳбатлашди. Бу оддий, соғ дил одамлар-
нинг ҳаммаси унинг отасини чин юракдан ҳур-
мат қилас, исмини муҳаббат билан тилга олар-
дилар. Улар Собиржон Султон ўғлининг «кўп
яхши одам бўлганини, камбағалларга жон куй-
дириб, бойларнинг додини бериб, кўп яхшилик
қилганини» гапириб бердилар. Лекин уларнинг
билгани: «Отангни тоғда Кўршерматнинг йи-
гитлари билан олишиб ҳалок бўлган, леб эши-
тувлик» десан гапларидаи шари ўтмади. Ундан

кейин нима бўлган, Кўршерматнинг йигитлари билан қаерда учрашган, ўша отрядда бўлган одамлардан тирик қолгани бормикин? Шукуржон бу саволларнинг биттасига ҳам жавоб топа олмади.

Шукуржон қишлоқда бир кун турди, пахтазорларни кезди, онаси билан бувисининг қабрини зиёрат қилди. Кечқурун кулбаларининг ўрнига солинган янги клубда ўтириб кино кўрди. Эртасига эса таниш-билишлар билан хайрлашиб, сабзавот ортилган колхоз машинасида районга жўнаб кетди.

... Энди нима қилмоқ керак? Қимга мурожаат этиш, кимдан сўраш, қаердан излаш мумкин? Бу оғир эзгу ўйлар яна бошини қотира бошлади. Афтидан, энди яна бир марта архивларни титиб кўриш, эски газеталарни қайта бошдан бир қараб чиқишга тўғри кела-ди. Лекин бу масалага алоқаси бўлган маълумотларнинг ўзи қаерда бўлиши мумкин? Марказий архивни у бир марта титиб кўрган, демак энди маҳаллий ташкилотларнинг архивларини бир кўриб чиқиш керак. Лекин уларни қаердан топиш мумкин? Зотан бу архивлар топилган чоғда ҳам бу чигал калаванинг учни топишга ёрдам берадиган бир нарса чиқармикин? Қосимовнинг оғир тухматларини инкор этувчи бирорта далил топилармикин? Шукуржон машинанинг кузовида, иссиқ шамолдан юзини ўгириб ўтириб, шу тўғрида ўйларкан, кечаги ишонч қаёққадир йўқолганини сезди, юраги яна умидсизликка тўлди, лекин айни маҳалда Людмила Григорьевнанинг таъна билан;

«Қидирдим демасдан яна бир қидириб қўринг. Астойдил излаган одам албатта топади, унақа азиз одамларнинг номига доғ юқмаслиги керак!» деган сўзларини эслади ва ички бир дарддан юраги қаттиқ сиқилди. Шукуржон энди бу масалани шу ҳолда қолдира олмаслигига, уни охирига етказиб, ҳақиқатни тикламагунча тинч яшай олмаслигига иқрор бўлиб қўйди.

Районга келгач, Шукуржон архив тўғрисида гаплашиш, умуман, бор гапни ўртага ташлаб бир маслаҳат эшитиш ниятида райкомга кирди ва кутилмаган маҳалда яхши бир хабарнинг устидан чиқди. Райком райондаги кекса коммунистларни тўплаб, ишчилар, колхозчилар, айниқса ёшлар ва мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда экан...

Райкомдагилар Шукуржоннинг нима мақсадда келганини эшитиб, «аввал шу олтин одамлар билан бир гаплашиши» маслаҳат қилишди.

— Тарихчи экансиз,— дейишиди улар,— кекса коммунистлар сизга бу масалада ёрдам бермаган тақдирда ҳам ҳеч нарса ютқазмайсиз, кўп нарсани ўрганасиз, ўртоқ, жуда ажойиб одамлар!

Шукуржон тарихчи бўлгани учун илгари ҳам кўп масалалар юзасидан кекса коммунистларга тез-тез мурожаат этишга мажбур бўлар, ўзи ҳам уларнинг сұхбатидан завқланар, чин юракдан ҳурмат қиласиди. Шунинг учун ҳам бу таклиф унга жуда ёқди. У олти-етти кишининг адресини олиб, дарҳол қидиришга киришиди.

Шукуржон даставвал пахта тозалаш заводига борди. Адресда кўрсатилишича, у ерда кекса коммунистлардан икки киши — бири завод партия ташкилотининг секретари, иккинчици цех бошлиғи бўлиб ишларди. Партия ташкилотининг секретари колхозларга чиқиб кетган экан, Шукуржонни цех бошлиғи — эллик беш-олтмиш ёшлар чамасидаги соқол-мўйловили силлиқ қилиб қирдирган қотмагина бир мўйсафид билан таништирилар.

У ҳақиқатан ҳам йигирманчи йилдан бери коммунист эканини, шу ерда заводда ишлашини, лекин Собиржон Султон ўғлини билмаслигини айтди. Шукуржондан воқианинг йигирма иккинчи-йигирма учинчи йилларда содир бўлганини эшитгач, уста Мажид деган одамга бир учрашишини маслаҳат берди ва унинг уйига ўзи бошлаб борди.

Уста Мажид деганлари соч-соқоли сплоқ оқарган, ўрта бўйли, чайиргина бир чол экан. У ҳам ўша пахта тозалаш заводида ўттиз беш йилга яқин аввал оддий ишчи, кейин мастер бўлиб ишлаган ва шу йил баҳорда пенсияга чиққан экан. У Шукуржоннинг юрагида ўчиб қолган умид учқунларини бир нафасга қайта чўғлантириб юборди. Бу одам Собиржон Султон ўғлини яхши биладиган, ҳатто унинг отрядида Кўршерматнинг жиянига қарши курашган бўлиб чиқди. Бахтга қарши у походнинг учинчи куниёқ оёғидан ўқ еб, бошқа ярадорлар билан қайтиб кетгани учун отряднинг кеънги тақдирини яхши билмас экан. Умуман, отряднинг бир қисми (ҳаммаси эмас бир қисми!) ҳалокатга учрагани рост, бу тўғрида ўша маҳалда уста Мажид касалхонада даволаниб

ётган чоғдаёқ хабар келган, лекин шахсан у ҳалокатга нима сабаб бўлганини аниқ билмас экан, чунки ҳар турли «миш-миш»лар тарқаган, ҳатто Собиржон Султон ўғлини айблаган одамлар ҳам бўлган экан. Ота бу одамларнинг гапига ўшанда ҳам ишонмаган, ҳозир ҳам ишонмас экан, чунки у Собиржон Султон ўғлининг ҳуррият учун жонини аямасдан курашган энг биринчи ўзбек большевикларидан бўлганини яхши билади! Унинг фикрича, отряд босмачиларни қувиб, тоғнинг ичига кириб кетганда уларнинг бошқа гурӯҳларига учраган, эҳтимол, қуршовда қолган бўлса!

Уста билан бўлган бу сұҳбат ҳеч кутилмаган бир вақтда Шукуржоннинг ўйларини бадтар қоришириб юборди. Чолнинг гапига қараганда, Қосимов походга қатнашибгина қолмасдан, ярадор ҳам бўлган эмиш. Рост, у бошқа ярадорлардан кейинроқ қайтган, лекин ўша жангларда қўлидан ўқ еб келгани ва анча вақтгача касалхонада даволаниб ётганлиги аниқ! Тузалиб кетгандан кейин босмачилар билан олишиб ярадор бўлганини пеш қилиб юрганлари ҳам отанинг эсида бор. Собиржон Султон ўғли тўғрисидаги гапларни ҳам ўша одам тарқатган бўлиши мумкин. Лекин унинг походдан қўлига ўқ тегиб қайтгани аниқ!

Устадан кўп нарсани кутган Шукуржон унинг гапларидан кейин фақат битта чора қолганини ҳис этди: энди отряд босиб ўтган йўлни бир кўриш, чўпонлар билан гаплашиш керак эди! Шукуржон бу фикрини отага айтган эди, у оппоқ кумуш ранг соқолини силаб ўйланиб қолди, сўнгра «бошқа одам» илтимос қилганда йўқ дейишини, негаки қариб кучдан қол-

ганини, аммо Собиржон Султон ўғлининг ҳурмати учун ёрдам беришга тайёр эканини айтди.

Эртасига улар иккита от топиб, йўлга чиқдилар. Уста отряд ўтган йўлларни яхши билар, ҳатто тўхтаган, тунаган жойларигача эсидан чиқармаган, худди бу йўллардан ўттиз-қирқ йил олдин эмас, кеча ўтгандек, майда тафси-лотларгача гапириб берарди... Улар тоқقا чиқиб сўқмоқ йўллардаи, сойликлар, дарёларни кечиб ичкарига кириб борарканлар, Шукуржоннинг кўзига бу срдаги ҳар бир тош, ҳар бир дарахт, кичик бир отряд билан босмачилар ўртасидаги оғир ва тенгиз курашнинг гувоҳларидек кўринар эди. Шу билан бирга тог орасига кириб борганлари сари Шукуржон отаси тўғрисида турли шубҳали фикрлар туғилиши бежиз эмас эканини, кичик бир отряднинг аҳоли яшайдиган жойлардан бу қадар узоқлашиб кетганлиги ҳақиқатан ғалати туюлишига ишона бошлади. Оғир, даҳшатли ўйлар юрагига ғулгула соларди. Ахир Қосимов бу походга қатнашиб, қўлидан ўқ егандан кейин... Шундай дейишга ҳаққи бор экан-да? Наҳотки, унинг айтганлари рост бўлса? Наҳотки жанговар бир отряднинг ҳалок бўлишига чиндан ҳам унинг отаси сабаб бўлса? Бу ўйлардан Шукуржоннинг аъзойи баданини титроқ босар, кўз олди қоронғилашарди.

Иккинчи куни пешинда Уста ярадор бўлиб қайтиб кетган жойга етиб келдилар. Бу қирлар билан ўралган кичик бир сойлик эди. Уста босмачилар билан отишган жойларини бирмабир кўрсатди. У ҳатто панаисига яшириниб ётган катта харсанг тошни ҳам унутмаган экан.

Узун бўйли рус врачи унинг оёғини шу тош панасида ўтириб боғлаган экан...

Шу ерда Шукуржон Уста билан хайрлашди, унинг орқага қайтишни маслаҳат беришига қарамасдан миниб келган отини ҳам унга топшириб, ўзи пиёда кетди. У чўпонлардан йўл сўраб, яна суриптириб кўрмоқчи эди, лекин қандай қилиб адашиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди ва ота билан ажралишган куннинг индига шаҳарга яқин жойдаги бир қишлоқдан чиқди.

У шундай чарчаган, руҳан эзилган эдикি, Маҳкам акага ҳам учрамасдан жўнаб кетгиси келди. Лекин бир оз ўзини босиб ўйлаб қараса, Маҳкам акага айтмасдан, айниқса Бурхон ота билан хайрлашмасдан кетиб қолиши нотўғри бўлар экан.

Бу сафар ўзи ҳам Маҳкам аканинг ошнасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Телефонда гаплашган эди, «виллис» бир ёққа кетганини, агар кутаман деса кечқурун қайтишини айтди. Шукуржоннинг кутишдан бошқа иложи ҳам йўқ эди, у кечқурунгача шаҳарни айланди. Лекин қаерга бормасин, қайси кўчага кирмасин, бир фикр тинчлик бермас эди: «Энди нима қилиш керак? Қаердан излаш керак?»

Кун ботиш олдида у Маҳкам аканинг ошнаси айтган жойга борди ва Тоҳирни толиб, хаёлида шу нотинч, оғир фикр билан яна тоққа чиқиб кетди.

VII

Шукуржон кенг ва ёруғ хонанинг тўрида, юмшоқ креслода кўзларини бир нуқтага тикиб ўтиради. Бошига ошпазларникига ўхшаган

юмалоқ қора қалпоқ кийиб олган Юнус Ражабович кичкинагина чўққи соқолини тез-тез си-лаб, асабий қадамлар билан кенг кабинетни гоҳ узунасига, гоҳ кўндалангига ўлчаб баланд овозда гапирмоқда эди:

— Сизни олим деб ким айтади? Ким сизни фан кандидати дейди, ўртоқ Султонов! Яхши геологнинг қўлида ҳар бир тош, ҳар бир минерал ўзи гапириши лозим! Бўлмасам-чи? Геология фани тарихида биз битта оддий тош, ёхуд битта минерал катта ер ости конларини очиб берган ҳолларни кўп учратамиз! Сиз бўлса радий элементини учрата туриб, ҳеч нарсани аниқлай олмагансиз... Ҳозирги пайтда радийнинг аҳамиятини тушунасизми ўзингиз!

Профессор бирдан қўлларини кўксига қўйиб Шукуржоннинг олдида тўхтади, асабий ҳаракат билан бурнила илиниб турган кўзойнагини оларкан, сўради:

— Зотан бу элементлар учраган жойни синчиклаб қарадингизми? Ҳар бир тош, ҳар битта кавакни текшириб кўрдингизми-а? Сиздан сўраяпман, ўртоқ фан кандидати?

— Йўқ! — Шукуржон рўмолчаси билан пешонасини^{*} артди.

— Уят! — бирдан қичқириб юборди Юнус Ражабович, — уят! — такрорлади у ва Шукуржоннинг олдида ғоз туриб буюрди: — Жўнанг! Дарҳол жўнанг, ўртоқ Султонов!

Шукуржон ўрнидан туришга ҳаракат қилар, лекин ўзини йўқотиб қўйганидан қимир этишта мажоли қолмаган эди. Юнус Ражабович унинг елкасидан ушлади ва кичкинагина жуссасига номуносиб куч билан силкиб бақирди:

— Жўнанг деяпман сизга!..

Шукуржон уйғониб кетди. Супанинг четида Маҳкам ака ўтирас ва Шукуржоннинг қўлидан тортиб деяр эди:

— Шунақаям уйқуси қаттиқ одам бўладими? Пешин бўляпти-ку, Шукуржон! Уйғондингми? Хайрият! — деди у, Шукуржоннинг кўзларини очганини қўриб,— тезроқ кийина қол, овга кеч қоляпмиз!

Шукуржон бир неча дақиқа ҳеч нарсага тушиунмасдан кўзларини пириллатиб ўтираверди, фақат Маҳкам ака: «Бўлсанг-чи, отам ҳам кутиб қолдилар» дегандан кейингина ўзига келиб, ҳозир кўрганларининг туш эканини фаҳмлади. Юнус Ражабовичнинг жаҳл билан айтган сўзлари гўё қулоқлари тагида қайта жаранглагандек бўлди...

Дарҳақиқат, улар ҳар бир тош, ҳар бир тиркиш у ёқда турсин, ҳатто қалъага бундоқ бир эътибор билан разм солмаганлари ҳам ростку!.. Наҳотки, бу оддий фикр унинг хаёлига олдинроқ келмаса? Қизиқ...

Шукуржон кечаси қўргонга келгандан кейин Бурхон отанинг қидиришларидан ҳам натижачиқмаганини эшифтгач, кўнгли ғаш бўлиб, қирга чиқиб кетганди. У ярим кечагача водийни танҳо кезиб, кўп нарсаларни ўйлаган эди, лекин таажжуб, бу оддий фикр хаёлига ҳам келмабди! Қизиқ...

Шукуржон булоққа бориб, муздек сувга юваниб бўлгандан кейин ҳам бу ғалати тушнинг таъсиридан қутула олмади. Кўз олдидан ҳозиргина тушида кўрган устозининг қиёфаси нари кетмас эди... У биринчи марта тушида ҳаётдаги одамни шу даражада ёрқин ва жонли ҳолда кўрган эди. Лекин, энг муҳими, у

Энди қалъага бориб, унинг ҳар бир тешик-тир-қишини синчиклаб қарап лозим эканлигигаги-на эмас, ҳатто ундан бирор нарса топишига ҳам умид қила бошлади. Дарҳақиқат, наҳотки олти-етти кишидан иборат бутун бир отряд қалъага яшириниб, кечаю кундуз олишса-ю, ўзлари тўғрисида лоақал бир хат қолдирмаган бўлсалар.

Унинг қалъага бориш ҳақидаги бу фикрини ҳар ким ҳар хил қарши олди. Маҳкам ака «ҳайронман» деган маънода елкасини қисди. Тоҳирнинг кўзлари чақнаб кетди. Бурхон ота эса: «Хўш, нима фойдаси бор?» деган маънода савол назари билан қаради. Лекин Шукуржон: «Сизлар овора бўлмай қўя қолинглар; ўзим бориб келаман» деганда ҳаммаси қарши чиқди.

— Унақа бўлса, биз ҳам борамиз,— қатъий деди Маҳкам ака ва Шукуржоннинг розилик бериш-бермаслигини кутмасданоқ, Тоҳирга қараб буюрди:— Тайёр бўлинг, акаси!

Шукуржон бир товоқ қаймоқни наридан-бери еб бўлиб, ҳовлига чиқиши билан Маҳкам ака қўлидан ушлаб четга тортди.

— Кеча отамдан бир гап эшитиб қолдим... Қосимов деган одам ифво қилган эмиш... бу қайси Қосимов? Бизнинг янги боплиқ эмасми мабодо?

Шукуржон: «Худди ўша!» — демоқчи бўлди-ю, тўсатдан ёдига яна кекса коммунистнинг гаплари тушди.

«Наҳотки Қосимов ҳақ бўлса? Наҳотки ким ҳақ эканини исбот қилиб бўлмаса?»— юрагини чангаллаб олган оғриққа юзи буришди ва ҳамон жавоб кутиб турган Маҳкам акага қўлини силкитди:

— Кейин айтиб бераман. Ана, ота ҳам чиқдилар, юрайлик.

Салладор чўққилар орқасидан эндиғина кўтарилган қуёш бутун водийни жимир-жимир нур селига кўмган эди. Кечаси тушган шудрингга чўмилган кўм-кўк майсалар худли дур ёққандек чарақлаб, қуёш билан ўпишиб товланади, теварак ям-яшил ва гўдакнинг табасумидек беғубор, ҳаво эса чашманинг сувидек тиниқ ва хушбўй.

Машина таниш тош йўл билан юриб қирга чиққанида Бурхон ота Маҳкам акага қараб деди:

— Баҳодирлар билан дастлаб ху анави жойда учрашгандим, ука.— У қўлинин чўзиб узоқдаги чўққини кўрсатди.— У маҳалда бу сойликнинг нариги бети одам боласи қадам қўёлмайдиган тўқайзор эди...

Шукуржон чол кўрсатган томонга ўгирилиб қаради. У жойларда ҳозир қўй-қўзилар ёйлиб юрарди.

Маҳкам аканинг илтимоси билан чол ўша вақтда отряд ўтган жойларни бирин-кетин кўрсата бошлади. Бир маҳаллар олтита баҳодир ўтган, ҳозир эса катта йўл тушган бу ерларда ҳақиқатан ҳам чуқур жарликлар, тўқайзорлар, баланд-баланд қоя тошларнинг изи сақланиб қолган.

— Биз нариги қирнинг орқасидан юриб бориб, тўғри қалъанинг устидан тушгандик,— деди чол ва узун мөш-гуруч соқолини силаб, қўшимча қилди:— Азаматлар шу қўргоннинг ичида кечаю кундуз олишган эдилар... Байбай-бай, аммо заб довюрак йигитлар эканда, шоввозлар!

Қалъа кўринган ҳамон отанинг гапи Шукуржоннинг қулогига кирмай қўйди. Юрагидан кўтарилиган қайноқ ҳаяжон вужудини жимирилатиб ўтди... Гап бу қалъанинг тарихида эмас, албатта, гап унинг деворлари тагида тенгсиз жангда садоқат билан курашиб ҳалок бўлган олтида мард йигитнинг жасади ётганлигида эди...

«Наҳотки улар ўлим хавфини сеза туриб, ўзларидан ҳеч бир из қолдирмасалар?» — яна ўйлади Шукуржон.

Машина кечаги изи билан юриб чашмага тушди, ўша из билан қўрғонга қараб бурилди.

Шукуржон қўрғонга бошқача кўз билан қарашга тиришар, ундан кеча пайқамаган янгиликлар топишга интилар эди. Бугун бу кўхна қалъа унга ўз сирини очиши лозим эди. Лекин... «Кўп улуғ воқиаларни бошидан кечирган бу қадимги қалъа ўз сирларини қизғонмасдан очармикин?» — ўйлар эди Шукуржон, ҳаяжон билан.

Дарҳақиқат, бугун айниқса диққат билан разм солгани учунми, ишқилиб, Шукуржонга у чиндан ҳам қадимги қалъаларнинг улуғвор нишоналарини ўзида мужассамлантиргандек бўлиб кўринди.

У худди кексайган, лекин чеҳрасида қонли жангларнинг ўчмас изини сақлаган машҳур саркардага ўхшар эди.

Улар индамасдан машинадан тушдилар, индамасдан қўрғонга кирдилар. Бурхон ота тунов кунгидек чуқур сукут сақлаган ҳолда гул кўчатининг ёнига тиз чўкиб қуръон ўқиди.

Чол фотиҳа ўқиб бўлгунча Шукуржон қўрғонга яна бир разм солиб чиқди. Унинг ичи

узунасига йигирма, кўндалангига ўн олти метр келарди. Ҳар ер-ҳар ерда уюлиб ётган тошлар, ўша шохлари қуриб қолган бир туп тут, ўша кўхна қабр — бошқа ҳеч нарса кўринмайди... Шукуржон бу кичкинагина қўрғонда олти кишининг душман билан кечаю кундуз олишганини тасаввур қилмоқчи бўлди-ю, лекин кўз олдига келтира олмади.

Бурхон ота фотиҳа ўқиб бўлгач, ўрнидан тураркан:

— Бир чеълак сув олиб келинг, болам,— деди Тоҳирга қараб,— гул чанқаб қолибди.

Тоҳир машинага қараб кетди, чол эса қабрнинг ёнидаги тошга ўтириб бир зум ўйга чўмди, сўнг Шукуржонга савол назари билан тикилди:

— Нима қилмоқчисан, болам, айт, қўлимиздан келса биз ҳам кўмаклашиб юборайлик...

Шукуржон чолнинг ёнига чўнқайди.

— Қиладиган ортиқча иш ҳам йўқ, ота. Шунчаки... Бу ерни бир синчилаб қараб чиқмагунча кўнглим тинчимайдиганга ўхшайди. Шунинг учун келдим.

— Бу гапинг ҳам маъқул, болам, ажаб эмаски, бир нишона топилиб қолса! — деди чол, лекин унинг ўйчан қўй кўзларида ишончсизлик ифодаси кўринниб туради. Тоҳир бир чеълак сув кўтариб кирди. Чол гулнинг айланасидаги ёввойи ўтларни юлиб, сув қўйди, Шукуржон эса ўз ишига киришди.

У биринчи навбатда қўрғоннинг деворларини, уларнинг ёнидаги тошларнинг остиини, девордаги ҳар бир тешикни кўздан кечира бошлади. Кўп ўтмасдан у қонли жангларнинг биринчи белгиларини учрата бошлади. Деворнинг

кавакларидан уч-тўртта гильза толиб олди. Гильзалар ўша чоғларда «бешотар» деб аталган милтиқники бўлиб, занг босиб, кўкариб кетган эди. Яна бир лаҳзадан кейин эски қабрнинг орқасида ётган катта бир тошнинг тагидан чарм камар чиқди. Камар шу қадар чириган эдики, Шукуржон қўлига олаётган чоғдаёқ икки-уч жойидан узилиб кетди.

Шукуржон ўз ишига шу қадар берилиб кетдик, Маҳкам ака билан Тоҳирнинг, ҳатто Бурхон отанинг ҳам унга қўшилиб, «олти баҳодирнинг изини» қидиришга киришганларини сезмай ҳам қолди. Шукуржон ёнида шериклари борлигини ҳам унутиб қўйган эди. Унинг бутун фикри-хаёли ҳозир бошқа ёқларда, бошқа нарсалар билан банд эди. Тўсатдан унинг эътиборини деворнинг кавагидан сал-пал кўриниб турган соатнинг занжирига ўхшаган бир нарса жалб этди. Ушлаб тортган эди — чиқмади, қаттиқроқ тортган эди, катталиги фиштдай бир тош ўпирилиб тушди-ю, кавакдан фляга чиқди. Занжир шу фляганинг тиқинига боғланган эди. Шукуржон бутун вужуди жимиirlаб кетганини ҳис этиб, фляганинг тиқинини тортиди — у бўш эди. Лекин фляганинг оғзини пастга қилиб силкиган эди, ичидан ингичка қилиб ўралган бир қофоз тушди. Шукуржоннинг юраги бирдан шув этди-ю: «Буни қаранглар!»— деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Қалъани айланиб юрган Бурхон оталар унга қараб югуришди.

— Бу нима ўзи, хатми? — ҳовлиқиб деди Маҳкам ака.

— Шунақага ўхшайди-ю? Қаердан топдинг, болам? — деди Бурхон ота. Тоҳир эса оғзини

очганича, нафас олмасдан қараб қолди. Уч жуфт кўз Шукуржоннинг қўлидаги узоқ йилларнинг таъсириданми, ё сув теккани учунми сарғайиб кетган бир парча қофозга қадалди. Шукуржон эса тиз чўккани ҳолда қофозни тиззасига қўйиб эҳтиёткорлик билан текислади, сўнг киссасидан лупасини олиб, бўёқ қалам билан битилиб, ўча бошлаган арабча ёзувга узоқ тикилиб қолди... Үртага чўккан чуқур жимлика Маҳкам аканинг оғир нафас олиши эшитилиб туради. Ниҳоят, Шукуржон бошини қофоздан кўтарди. Лекин унинг кўзларида қувонч эмас, қандайдир тараддуд аралаш қўрқувга ўхшаш бир ифода бор эди. Бунақа ифода фавқулодда катта бахтга мусассар бўлган, лекин ўз бахтининг ҳақиқатлигига ҳали ишонмаган одамнинг кўзларида бўлади.

— Нечук ҳайрон бўлиб қолдинг? Тинчликми ўзи?— сўради Бурхон ота. Шукуржон индамасдан тиззасидаги қофозни лупага солиб хатни ўқиб берди:

«Азиз ўртоқлар!

Тутнинг тагидан кун ботиш томонга уч қадам юриб, тўхтаган жойингни бир метр кавласанг кути чиқади. Кутини очсанг бор гапни, биласан».

Шукуржон яна учовига қаради. Маҳкам ака таажжуланганидан юзи алланечук чўзилиб қолган, Тоҳирнинг чиройли қора кўзлари шодликдан порлаб ёнар, ёлғиз Бурхон отагина қошларини бир-бирига туташтирган ҳолда, мўйловини лаблари билан қимтиб сукут қилар, гўё хатнинг давомини кутар эди.

Шукуржон қофозни буклаб ўрнидан туриши

билан ҳам ҳушига келди. Индамасдан тутнинг тагига борди-да, узоқдаги чўққига караб ўзича кун ботиш томонни белгилади, сўнгра катта вазмин одимлар билан уч қадам юргач:

— Шу ердамикин? — деб сўради.

Шу маҳал ҳамон жойида ҳайкалдек қотиб турган Тоҳир бирдан ташқарига қараб отилди ва бошқалар: «Бунга нима бўлди?» — дегунча белкуракни олиб етиб келди.

Индамасдан, қандайдир вазмин жимликда қазишга киришдилар. Ииллар давомида сув тегмаган метин ер кичкина белкуракка қийинлик билан бўйсунар, лекин Тоҳир ҳам бўш келмас эди. Бир зумда ҳўл бўлган кўйлагини ечиб ташлаб, яна ғайрат ва чидам билан кавлашга киришди. Ернинг қаршилиги кучайган сайнинг унинг ғайрати ҳам ошиб борарди...

Бурхон ота индамасдан Тоҳир чиқарган тупроқни четга сурар, Махкам ака қўлларини орқасига қилганича чуқурнинг теварагида тинимсиз айланар, Шукуржон эса папирос кетидан папирос тутатиб, Тоҳирнинг ишини жимгина кузатар эди. Шукуржонга худди Тоҳир жуда секин кавлаётгандек туюлар, унинг қўлидан белкуракни тортиб олиб ўзи қазигиси келар, лекин юрагида қайнаб тошган ҳислар уни каратxt қилиб қўйган эди. Боя хатни ўқиган маҳалда қалбida уйғонган кучли шодлик ҳам энди аллақандай қўрқув аралаш ишончсизлик билан алмашинган эди. Тоҳир хатда қайд этилган нуқтага яқинлашган сайнин Шукуржоннинг дилида уйғонган бу ишончсизлик янада ўсиб борарди. Унга худди Тоҳир хатда кўрсатилган нуқтага аллақачон етгандек, аммо қутидан

ном-нишона ҳам йўқдек бўлиб туюлар эди... Айни шу чоқ, яъни Шукуржон қутининг топилмаслигига муқаррар ишонган бир маҳалда, зарб билан урилган курак нимагадир тегиб, қаттиқ овоз чиқарди... Тоҳир ўзини тутолмай қичқириб юборди:

— Топилди! Рост экан!..

Маҳкам ака юришдан тўхтади ва калта бўйини чўзиб чуқурга қарапкан, «ноо!» деб қўйди. Тоҳир эса чуқурга сакраб тушиб, юмишатилган тупроқни чаққонлик билан тита бошлади. Бир зумдан кейин, у катталиги ғишдек келадиган занг босган бир темир қутичани суғуриб олди ва нечундир отага чўэди. Чол эса қутини худди муқаддас бир нарсани ушлагандек эҳтиром билан қўлларига олиб, ўз навбатида Шукуржонга чўэди... Шукуржон унинг қўлидан қутини оларкан, чолнинг қўлларидаги титроқни ҳис этди. Бу титроқ худди электр токидек унинг қўлига ўтди-ю, бутун аъзойи баданини жимирлатиб юборди, у дилидаги бояги ишончсизлик энди аллақандай қўрқувга айланганини сезди. Бу афтидан бир маҳаллар ўқ-дори жойланган оддийгина темир қути бўлиб, унинг оғзи чарм билан беркитилиб, маҳкам боғланган эди. Қутини занг босган, лекин чарм ҳали чиримаган эди.

Шукуржон тоқатсизлик билан чармга ўралган ва чирий бошлаган ипни узди, ўртага чўқкан узоқ ва чуқур жимликда қутини очди. Қутидан латтага ўралган бир нарса чиқди — бу калин бир дафтар эди. Дафтарнинг биринчи бетида «Ҳарбий врач Луговский Владислав Леонтьевич» деб ёзилган эди. Унинг пастрофида: «Ленинград, Набережная, 68, Люсьен Василье-

вой» деган яна бир ёзув бор эди. Бу ёзув ҳам, дафтарнинг деярли ярмини эгаллаган бошқа ёзувлар ҳам сув тегиб, чумолининг изидек майда ҳарфлар чаплашиб кетган — уларни оддий кўз билан ўқиш деярли мумкин эмас эди. Шунинг учун бу ёзувлардан ҳам олдин уларнинг диққатини дафтарнинг ичидан чиқсан бошқа бир қофозга ўроғлиқ нарса жалб этди. Ундан саккиз жангчининг шаҳодатномаси билан учта РКП(б) аъзосининг билети чиқди. Билетлардан биттаси дафтар эгаси Владислав Луговскийники, иккинчиси Собиржон Султон ўғлиники, учинчиси Нормат Усмон ўғлиники эди. Бу дафтарларга ҳам сув теккан — улардаги суратлар қофозга ёпишиб йиртилиб кетган эди. Ниҳоят, дафтарнинг орасидан тўрт букланган иккита қофоз чиқди. Бу иккита хат эди.

Бу хатларга нечукдир сув тегмаган, афтидан улар қутига солиниб, кўмилиш олдидан ёзилган эди. Шукуржон хатлардан бирини очиб унинг араб алифбесида ёзилган биринчи сўзи га кўзи тушди-ю, юраги «жиз» этиб кетди, худди қабрни дастлаб кўрган чоғида юракдан қайнаб чиқсан қайноқ кўз ёшидек бир нарса яна томоғини бўғди...

«Азизим Гулраънога,— дейилган эди бу хатда,— энди сизнинг дийдорингизни кўришдан, оҳу кўзларингизга, ой юзингизга тўйиб бир боқишидан умидимни уздим. Мабодо бир муъжиза юз бериб, бу хат қўлингизга бориб тегадиган бўлса, сиз ҳам, бўлғуси фарзандимиз ҳам билиб қўйинг: биз буюк инқилоб ва ҳуррият учун бўлгани муқаддас урушда жон бердик,

Бошда биз қирқ киши әдик. Күллар ярадор бўлиб қайтиб кетишди, кўплар оғир, тенгсиз жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Фақат бир киши қочди. У энг сўнгги дақиқада, омон қолган беш-олти кишининг босмачилар чангалидан қутулишига ҳеч қандай умид қолмаган бир пайтда қочди. У қўрқоқ ва чиркин бир одам бўлиб чиқди. Шунинг учун мен бир нарсадан — у одам омон қолса, бизнинг, тўғри мизда ҳам, ўзи тўғрисида ҳам нотўғри ахборот бершишдан қўрқаман. Шунинг учун яна тақрорлайман: биз зиммамизга юкланган вазифани адо этиш учун энг сўнгги нафасимизгача олишидик.

Алвидо, севгилим, алвидо, ёрим, биз инқилоб учун садоқат билан хизмат қилдик, қон тўқдик, шундоқ экан, биз тўккан бу қон сизларга баҳт ва саодат келтиришига аминмиз.

Севгилинг Собиржон».

Шукуржон бошини қофоздан кўтарди ва ёши билан тўлган кўзларини артиб узоқларга, чўққилар устида сузиб юрган оқ булутларга тикилди.

«Э... демак гап бу ёқда экан-да! Қосимовнинг ҳамма кирдикорларининг асли сабаби бу ёқда экан-да!»—Шукуржоннинг миясида яна чақмоқ чақнагандай бўлди-ю, ўн йиллар давомида дилига озор бериб келган туманли ўйларининг ҳаммасини бирдан ёритиб юборди:

«Демак у отряднинг тақдири ҳал бўлаётган пайтда дўстларини ташлаб қочган бир хоин экан! Лекин унинг баҳтига қолган олти киши ҳам ҳалок бўлган, хоиннинг сири очилмай қолган. У ўзини кекса партизан деб аташига ва

Бу аэиз сўзлардан ўзининг ифлос мақсадлари учун фойдаланишига йўл очилган!»

Шукуржон қалбидан кўтарилиган тўс-тўполон туйғулардан нафаси бўғилаётгандек бўлиб, ёқасини кенг очди ва кўкрагини тўлдириб шафас олди.

«Демак Шукуржоннинг ишончи тўғри экан, демак унинг отаси Қосимов айтгандек сотқин эмас, революциянинг содиқ бир жангчиси бўлган экан, она Ватан учун бир томчи қони қолгунча олишган довюрак ва соф дил бир коммунист экан!..»

«Ажабо: осмон боя ҳам шундай тиниқ эдими? Ана у қорли чўққиларнинг куёшда чақнашини қаранг! Уларнинг устидаги сийрак булатлар бунчалик оппоқ, бунчалик чиройли эмас эди шекилли!»

Бурхон ота сал эгилиб Шукуржоннинг кўзларига боқди, безовталаниб сўради:

— Нима гап? Тинчлик эканми, болам?

Шукуржон жавоб бериш ўрнига «ўқиб кўринглар» деган маънода хатни Маҳкам акага чўзди, ўзи эса сабрсизлик билан иккинчи хатни очди. Бу хат рус тилида ёзилган бўлиб, Люсьенга аталган эди (демак, Людмила Григорьевнани эркалаб Люсьен деб ном қўйган экан-да!)

«Эркам! Люсьен, ҳозир биз худди капитан Грант аҳволига тушиб қалдик. Капитан Грант ўз тақдирни тўғрисидаги хатни шишага жойлаб денгизга отган маҳалда бу шиша инсон қўлига бориб тегишига қанчалик ишонган бўлса, мен ҳам бу хатнинг сенинг қўлингга тегишига шунчалик ишонаман. Капитан Грант билан

бизнинг ҳозирги аҳволимиз ўртасидаги бирдан-
бир фарқ шундаки, у хатни ёзиб бўлгандан
кейин ҳам ҳар қалай ҳаёт кечириши мумкин
эди, биз эса яна ярим соатдан кейин бундан
ҳам маҳрум бўламиз, чунки ёрдамдан дарак
йўқ, чунки ҳужум кучаймоқда, чунки қалъага
етиб келган олти кишидан фақат уч киши
қолдик... Биз қўлимиздан келган ҳамма чорани
кўрдик, ҳар ҳолда ўз виждонимиз олдида бир
томчи қонимиз қолгунча революция душманла-
ри билан олишдик, деб айтига оламиз...

Яна нима ҳам дейман. Сенга айтадиган гап
кўп, айниқса ҳаётимнинг сўнгги минутларида
дунёда энг севикли, энг яқин кишингга айтади-
ган сўзлар жуда кўпайиб кетаркан. Лекин на-
чора — вақт зиқ. Хайр, азизим, мабодо бир са-
баб билан (турмушда нималар бўлмайди!) бу
хат қўлингга тегадиган бўлса, билгин: ҳаётим-
нинг энг сўнгги дақиқаларигача ҳаёлим сенда
эди, кўз олдимда сенинг меҳрибон ва гўзал
чеҳранг турди. Душманнинг қўлига тириклай
тушимаслик учун охирги ўқ билан ўзимни от-
ганимда тилимда исминг эди, севиклим, ёрим,
дўстим!

Хайр, азизим, баҳтли бўл, умрбод баҳтли
бўл!..»

Шукуржонга бу хат ҳалиги хатнинг, ўз ота-
сининг қўли билан ёзилган хатнинг давомидек
бўлиб туюлди. Иккала хатни ҳам бир одам ёз-
ганга ўхшар, иккаласидан бир юракнинг тепи-
ши, бир орезу, бир мақсаднинг жўшқин нафаси,
гўё бир гулнинг ҳиди келарди.

Инсонга фақат бир марта бериладиган ҳа-
ётдан маҳрум бўлиш хавфи олдида ҳам душ-

манга бош эгмаган бундай отадан, улуғ жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган бу олижаноб одамлардан фахрланмасдан бўладими?.. Демак захматкаш бувисининг Собиржонни ўз ўғлидек севишлиари, Шукуржоннинг қалбидаги унга бўлган ишонч, меҳр-муҳаббат ҳисларини уйғотгани бечиз эмас экан!

Оғир изтироблар, кечалари уйқу бермаган шубҳа ва мавҳумликдан қутулиш қувончи, фарзандлик гурури ва яна аллақандай ёруғ ҳислар Шукуржонни ўз қанотларида осмонга кўтаргандек бўлди! Шукуржон қулочини кенг ёзиб бутун оламни бағрига босгиси, ҳар бир одамни, ҳатто ҳар бир тошни қучоқлаб ўпгиси, нечундир севинчдан йиғлагуси келарди. Унинг бу ҳолатини ҳаммадан бурун сезган Бурхон ота биринчи бўлиб сўради:

— Хўш, ўғлим, энди кўнглинг жойига тушдими, болам? Отангни топгандек бўлдингми?

— Топдим, ота, топдим...

— Шунаقا бўлишини билган эдим. Сени кўрган заҳотиёқ кўнглимга келган эди,— деди чол, кўзига ёш олиб:— ке, ўғлим, қўлингни бир сиқай, кўп яхши иш қилдинг!..

— Бу яхши иш сизнинг ёрдамиңгизда бўлди, ота,— деди Шукуржон. Улар худди узоқ вақт кўришмаган ота-боладек қучоқлашиб бир зум жим қолдилар. Тўсатдан Шукуржон бир вақтлар бу чол ёрдам учун шаҳарга чопаркан, отаси билан ҳам худди шундай қучоқлашиб хайрлашганини кўнглидан кечирди ва беихтиёр кўзига ёш олди. Бурхон ота ҳам шуни эсладими, ё бошқа бир нарсага кўнгли бўшаб кетдими, ишқилиб, у ҳам кўзига ёш олди.

Шукуржон чол билан қучоқлашиб бўлгандан

кейин Маҳкам ака ҳам жилмайганча қулочини ёзганини кўриб, у билан ҳам қучоқлашиб кўришди, Тоҳир эса, садафдек тишларини чақнатиб:

— Табриклаймиз, ака,— деди Шукуржоннинг қўлини қаттиқ сиқиб.

Бирлас жим Қолдилар. Шукуржонга шундай туюлдики, гўё улар ҳужжатлар топилган оддий бир чуқурнинг ёнида әмас, ҳозиргина дағи этилган олти баҳодирнинг қабори устида турардилар. Эҳтимол анави тошнинг остида ётган олти жангчи ҳам ҳар бир жангдан кейин ҳалок бўлган ўз дўстларини наридан-бери кўмиб бўлишгач, қабрлари ёнида мана шундай жим туриб видолашгандирлар, қасос олишга онт ичгандирлар.

Сукутни Бурхон ота бузди.

— Мен энди бу чуқурга олти баҳодирга эсдалик бўладиган бир дараҳт ўтқазайки, қойил қоласиз! — деди у, Шукуржонга қараб. — Нима ўтқазсам экан? — Соқолини силаб сўради ва ўзи жавоб берди: — Чинордан сози йўқ. Бир-икки йилдаёқ этилиб, бутун қалъага соя бериб, гуркураб турди. Зиёратга келганларнинг баҳри очилиб кетади...

— Раҳмат ота, сизга,— деди Шукуржон, отасининг дийдорини кўрган бу соғдил чолга нисбатан юрагида чуқур миннатдорлик ҳис этиб. — Мен сизнинг яхшиликларингизни ҳеч унутмайман! — у чолнинг катта, қаттиқ кафтини қўлига олиб қайта сиқди ва бир зум ўйланиб тургач, қўшимча қилди. — Аслида яна беш олти кун туришим керак эди-ю, аммо бориб келмасам бўлмайди. Уч-тўрт кунга сўраб келган эдим.

«Ха, албатта келаман,— хаёлида деди у.— Босмачиларга қарши курашган коммунист отрядлар түғрисида маълумот тўплаш учун Хоразмга боришдан кўра шу ерга қелганимиз маъқул бўлмасмикин? Шу битта оғряднинг тарихини, унинг босиб ўтган йўлини ўрганишнинг ўзи қанча-қанча янги маълумотлар бермайдими бизга?!»

— Майли-майли,— деди Бурхон ота, мўйловини салаб,— бориб қелганингиз маъқул. Ҳанги туҳматчи... Қосимов билан бир гаплашиб қўясиз. Кейин дўхтири синглимни топиб, у бечорани ҳам қувонтириш.

Чол Қосимовнинг номини тилга олиши билан Маҳкам аканинг қип-қизил семиз юзидағи табассум сўнди, ўзи ҳам қандайдир безовталаниб қолди.

— Бу қайси Қосимов?

— Қайси Қосимов бўларди, ўша сизнинг ошнангиз-да!

— Йўғ-э,— деди Маҳкам ака,— Қосимов унақа одамлардан эмас-ку!— унинг кўзлари самимий ва чуқур таажжубга тўлган эди.

Шукуржон бирдан бутун вужудини қаттиқ титроқ босганини сезди ва Маҳкам аканинг яна бир нима демоқчи эканини кўриб, сўзини бўлди.

— Ошнангизни ким эканини мана энди биласиз... Шошманг, йўлда ҳаммасини айтиб бераман.

— Мулла акам қоладилар чамаси?

Маҳкам ака ялт этиб чолга қаради, унинг кўзларида аллақандай ташвиш аломати бор эди:

— Йўқ, раҳмат, ота, мен ҳам бирга кета-

қолай,— деди нима ҳақдадир ўйлашда давом этиб.

— Демак, бизга рухсат бердингизми, ота?— деди Шукуржон.— Мен, албатта, қайтиб келаман. Яна излайман...

— Унгача мен бу ерга чинор ўтқазиб қўяман,— деди Бурхон ота.— Айтмоқчи, сиз бир тошга буларнинг номини ёэдириб, олиб келишни унутманг... Гап шу бўлдими? Қани бўлмаса уйга борамиз. Бир қимизхўрлик қилиб, кейин жўнайсизлар.. Кун ҳам исиб кетди...

Шукуржон розилик билдириб бош иргади, лекин улардан орқада қолиб, гулнинг ёнида бир нафас турди. У эндигина бу кўхна қалъа кўзига аллақандай иссиқ туюла бошлаганини, бу ердан кетгиси келмай қолганини ҳис этди... Ахир бу гулнинг ёнида, улкан қора тошнинг тагида унинг отаси ҳам ётарди! Ота!.. Фарзанд юраги учун бу сўзнинг накадар ширин ва иссиқ туюлишини фақат болалиги етимликда ўтган, бошини отасининг кучли ва меҳрибон қўллари силамаган одамларгина билади, албатта. Лекин бу тошнинг остида ётган одам фақат отагина бўлиб қолмасдан, ҳаётининг энг сўнгги дақиқаларигача ўз бурчига содик қолган зўр бир инсон ҳам эди!..

Шукуржон тошнинг ёнига тиз чўкиб, унинг қуёшда чўғдек қизиган ғадир-будур сатҳига лабини босди...

VII

Шукуржон Қосимов тўғрисида бошқаларнинг олдида гаплашишини истамагани учун Маҳкам акага: «Шошманг, кейин айтаман» деб қўя қолган эди. У, Маҳкам aka Қосимовга

ён босиб гапирса, ўзини тутолмасдан унинг кўнглига озор бериб қўйишдан қўрқсан эди. Буни Маҳкам ака ҳам сезиб қолдимикин, ишқилиб, йўлда бу тўғрида гап қўзғамади. Иккиси ҳам, худди қаттиқ аразлашиб қолган одамлардай шаҳарга етгунча чурқ этиб оғиз очмадилар. Лекин Тоҳир билан хайрлашиб, перронга чиқсан ҳамон, Маҳкам ака, ўзиям тўлиб турган эканми, бирдан ёрилиб кетди.

— Хўш?— деди поездга билет олиб перронга чиқишлиари билан.— Мендан бу гапларни яшириб юришларингнинг сабабини энди айттарсан?

— Қайси гапни айтасиз?— деди Шукуржон, нима дейишини билмасдан.

Маҳкам ака худди ўт теккан қуруқ шувоқ-дек ловиллаб кетди.

— Яна уялмасдан «қайси гапни» дейди-я? Бошингга шунақа иш тушган экан, бир оғиз айтсанг бўлмасмиди? Ё отангни шаънига ёғилган туҳматларни эшитсам, мендан юз ўгиради, ўзини четга олиб қочади, деб ўйловдингми?

Шукуржон гапни ҳазилга айлантироқчи бўлиб:

— Шуни ўйламабман-да! Бўлмаса бир синаб кўрар эканман,— деди кулиб.

— Балли сенга!— деди Маҳкам ака.— Мен сени ўз укамдан ҳам аъло кўрардим. Орамизда ҳеч қанақа сир йўқ, деб ўйлаб юардим-а!

Йўқ, Шукуржон Маҳкам акадан сир сақлагани учун эмас, аксинча, унинг таассуф билдиришидан, ачиниб гапиришларидан қўрқсанни учун унга айтмаган эди: чунки бу масалада

Маҳкам аканинг қўлидан таассуф билдиришдан бошқа бир иш келмас эди. Шукуржон эса у маҳалда бировларнинг таассуф билдиришларини, унга ачиниб гапиришларини истамас, аксинча Қосимовдан нафрат қилишларини истар, лекин бунинг учун у тарқатган гапларнинг туҳмат эканлигини исбот қилиб бериш лозим эди.

Маҳкам ака қўлларини орқасига қилганича, скамейканинг олдида у ёқдан-бу ёққа тез-тез юра бошлади.

— Ҳай, ишонмаган бўлсанг нима ҳам деймиз? — деди у, Шукуржоннинг олдида тўхтаб.— Аммо... ҳалиги бизнинг ошна тўғрисидағи гаплар... кимдан чиқди?

— Мендан,— деди Шукуржон,— ўшанинг туҳматлари орқасида...

— Шошма, шошма,— Маҳкам ака иккала қўлини кўтариб, Шукуржоннинг сўзини бўлди.— Қизишмасдан гапир, жон дўстим, ётиғи билан гапир...

Лекин Шукуржон ётиғи билан тушунтиришга қанча уринмасин, ўзини тутолмади, Қосимовнинг кирдикорларини эслали билан вужудини яна титроқ босди. Маҳкам ака эса, аксинча, Шукуржон ҳаяжонланган сайин ўзининг ҳайрон бўлаётганини билдириб елкасини қисар, бошини чайқар эди.

— Бундай қилишдан унга нима фойда? Мақсад нима, жон дўстим?

— Мақсад шуки, ошнангиз ифво билан нон еб юрган мансабпаст бир одам,— деди Шукуржон.— Мақсад нима эмиш? Ошнангиз отряд қийин аҳволга тушган бир пайтда қочган. Кейин билса унинг сирини биладиган бир ин-

сон йўқ. Унақа одамга ёғлиқ мансабларга эришиш учун бундан қулай нарса борми?

— Сен яна қизишияпсан! — деди Маҳкам ака. — Мен у одамни яхши биламан. Аммо... тўғрисини айтсам — ҳайронман! Туппа-тузук одам! — у қўлларини орқасига қилиб ва юмалоқ қорнйини қаппайтириб яна у ёқдан-бу ёққа тез-тез юра бошлади.

Шукуржон Маҳкам ака кўнглида кири йўқ, бирорвга ёмонликни рабо кўрмайдиган бир одам бўлгани учун ҳам ошнасининг кирдикорларига ишонгиси келмаётганини тушунар, лекин шунга қарамасдан унинг сўзлари кўнглига озор берарди.

— Ҳай, майли,— деди Маҳкам ака, юришдан тўхтаб,— боргандан кейин бир суриштириб кўрар эканмиз-да.

— Марҳамат,— деди Шукуржон.

У яна бир нима демоқчи эди, лекин шу вакт яқинлашаётган поезднинг дукур-дукури, паровознинг гудоги эшитилди-ю, сўзи оғзида қолди.

Улар кирган купеда икки жой бўш эди, қолган икки жойнинг бирида олтмиш ёшлар чамасидаги бир кампир ухлаб ётар, иккинчисида эса — кампирнинг невараси бўлса керак, ўн бир-ўн икки яшар бир қиз қўллари билан иягига суюнганича вокзалга тикилиб ўтиради. Шукуржонлар кириши билан қизча ўрнидан сапчиб турди, бир сакрашда юкориги полкага чиқиб олди ва Маҳкам аканинг: «Ие, жуда чаққон экансан-ку!» деган сўзларига бир кулиб қўйгач, тағин перронга тикилди.

Купега кириб жойлашиб олганларидан кейин Маҳкам ака вагон-ресторанг бориб пича кўнгил ёзиб келишни таклиф қилди. Шукур-

жон топилган нарсаларни яна бир күриб чиқмоқчи эканини айтиб, боришни хоҳламаган эди.

— Жа ғалатисан-да,— деб кулди-да, шляпасини полкага ташлаб чиқиб кетди.

Маҳкам ака Шукуржонни ресторонга таклиф қилганда уни «бу ташвишлардан» қутулириб, кўнглини кўтариб қўйишидан бошқа мақсад йўқ эди. Буни Шукуржон туъунди албатта. Лекин у Маҳкам ака унинг учун жуда қийматли бўлган бу ҳужжатларга, унинг қувончига бефарқ қараётганини, бунинг ҳаммасини «кераксиз бир ташвиш» деб тушунаётганини ҳам сезарди, бу нарса унга жуда қаттиқ тегарди. Маҳкам ака чиқиб кетгач у анчагача кўнгли ғаш бўлиб ўтирди. Лекин чамадонни очиб кўзи таниш ҳужжатга, таниш хатнинг биринчи сўзларига тushiши билан кўнглидаги бу ғашлик ўша иссиқ ҳаяжон билан алмашди.

Шукуржон, хатлар билан ҳужжатларини яна бир кўздан кечириб бўлгач, Владислав Луговскийнинг дафтарини қўлига олди ва ўқишим қийин бўлмасмикин, деган фикрда лупага солиб кўра бошлади.

Аста-секин бир-бирига қўшилиб кетган ҳарфлар, сув тегиб чапланган сўзлар худди секин тарқалаётган туманинг орқасидан бирин-кетин кўрина бошлаган уйлар, дарахтлар каби лупанинг тагида тобора равшанлашиб кўрина бошлади. Шукуржон энди бу ёзувларнинг оддий бир хат бўлмасдан, балки Владиславнинг кундалиги эканига тушунди. Лекин ундаги ҳар бир сўз, қайд этилган ҳар бир фикр ва таассуротлар ўша Люсьен исмли қизга аталган бўлиб, унинг номи билан бошланар

эди... Умуман Люсьенга бағишланған бу мисралардан шундай чуқур ва маъсум бир муҳаббатнинг жўшиқин нафаси келардик, Шукуржон ҳатто кундалиқни ўқиш-ўқимаслигини ҳам билмай қолди. Чунки уни ўқиш билан икки ёшнинг очилган ғунчадек нафис ҳислариға чанг соладигандай бўлиб туюлди унга. Лекин кундалиқнинг қандайдир сеҳрли кучи бу ўнғайсиэликни енгиб, уни воқиалар гирдобига тортиб кетди...

«5 май.

Эркам Люсьен!

Мана, биз Осиёга келдик. Ҳамиша ажойиб афсоналар билан қуршалган, ёзувчилар, тарихчилар, сайёхлар томонидан қандайдир гўзал ва сирли пардаларга ўраб келинган... Улуғ ва кўхна Осиёга келдик.

Бугун уйқудан турсам поезд... Тошкентга яқинлашмоқда экан. Мен деразага отилдим: бир неча кундан буён фақат қуруқ даштни, ахён-ахён учрайдиган қозоқ ўтовлари-ю, худди шарқ файласуфларидек «бү ёлғон дунёга» бефарқ назар солган лоқайд түяларнигина кўравериб зериккан кўзларим олдида энди ям-яшил боғлар, муҳаббат билан парвариш қилинган кўркам экинзорлар яшнаб ётарди...

Худди темир йўлга келиб тақалган экинзорларда юзлари қуёшда қорайган хушқомат одамлар биэнинг мотигага ўхшаши, лекин ундан каттароқ асбоблар билан экинларни парвариш қиласардилар. Мен уларнинг иссиқда куйган юзларига, мотига ушлаган мускулли қўлларига разм солиб, бу кўм-кўк боғлар, экин-

зорлар билан токзорлар бунёдга келгүнча бу одамлар қанча күч, матонат, меҳнат сарф қи-дийкинлар, деб ўйладим. Сунгра шу меҳнат-каш одамлар түғрисида баъзи миссионерлар-нинг «лабида табассум-у, қўйнида пичоқ сақ-ловчи бир халқ» деган фикрларини эслаб ўзимча кулиб қўйдим.

Тошкентда бир кун турдик. Машҳур нон шахри иккига бўлинар экан: янги шаҳар-у, эски шаҳар. Илгари ўртада чегара бўлган эмиш, ҳозир ҳеч қанақа чегара йўқ, албатта.

Янги шаҳарда мен бир ўзбек қизини кўрдим. Сен: «Шунга нима бўпти?» дерсан. Лекин гап шундаки, бу ерда шундай бир ёши қизнинг паранжисини ташлаб, бунақа очиқ юрши ҳалим зўр ботирлик ҳисобланар экан. Бу, биринчидан, иккинчидан, мен бу қизни кўрдим-у, ажойиб шарқ фаришталари түғрисидаги «афсоналар»нинг ростлигига ишонаёздим. Ҳар ҳолда унинг шўх қора кўзлари, гул юзи-ю, белидан тубан тушган икки ўрим қора соchlари, мени шунчалик... ҳайрон қолдиридики («мафтун қилди» дейишдан қўрқяпман), орқасидан анчагача тикилиб қолдим.

Эски шаҳар мен ўйлагандек бўлиб чиқмади. Мен бу ерда шарқ афсоналаридағи «булут билан суҳбат қурган» улугвор миноралар, нафис шарқ нақшлари билан безатилган саройлар-у, гўзал қасрлар, кўркам боғларида марварид томчилар отилган фонтанлар-у, зилол ҳовузларида чўмилиб, юз нозу карашмалар билан ўтқинчиларни «муҳаббат тўрига илинтиromoқчи бўлган» шарқ моҳийпайкарларини сира учраголмадим. Улугвор қасрлар, нафис саройлар ўрнига тор, қингир-қийшик кўчаларни, лойдан

солинган пастак ва кўримсиз ўйлардан иборат
кўхна бир шаҳарни кўрдим.

Ҳозир, айни баҳор чоғида, шаҳарнинг кў-
римсизлиги унча кўзга ташланмайди, чунки шу
тор кўчалар, қинғир-қийишқ ўйлар, ховлилар—
буларнинг ҳаммаси сарви қомат тераклар,
ажойиб мажнунтоллар, қалин боғлар орасида
қолган, бу ерда бир қарич бўш ер йўқ—ҳам-
ма ёқ кўжаламзор, гулзор, токзор. Менингча,
бу ҳалқ келажакда ўз ватанини кўркам бир
боққа айлантириб юборади. Ҳозир эса, эски
шаҳарнинг умумий қиёфаси «буюк Шарқнинг
улуғвор гўзаллиги» эмас, балки юпунлик ви
қашшоқликнинг тирик гувоҳи бўлиб турибди,
холос. Энди мен «лабида табассум-у, қўйнида
тичоқ сақловчи шарқ муғомбирлари» тўғриси-
даги афсоналарнинг туб моҳиятига тушуна
бошладим, эски шаҳар билан янги шаҳарни кў-
риб, уларни солишириб кўрган ҳар бир киши
буни дарҳол тушунади. Албатта, янги шаҳар
рус ишчисининг шаҳри эмас, унинг энг кўркам
жойлари ва ҳашаматли бинолари генерал Кур-
опаткин билан улуғ князъ Константин ва
бой савдогарларга қарайди, лекин анонси ҳалқ
буни қаёқдан билсин?.. Гап шу, эркам.

Ҳамишиа сирли пардага ўралган ғалати аф-
соналарда кўйланган «Улуғ ва кўхна Шарқ»-
дан олган илк таассуротларим шулардан ибо-
рат, жоним.

Одамлар тўғрисида эса, уларнинг ажойиб
мехнатсеварлигидан ташқари бир нарса дейиш
ҳали-ҳозир қийин, бунинг учун улар билан
яқиндан танишиш, тарихи, маданияти, урф-
одатларини ўрганиши керак, албатта. Лекин
мен шу бугуннинг ўзидаёқ улуғ революция бу

халқни ҳам уйготганини, озодликнинг қадр-
қимматини тушунаётганини, қалбида катта ор-
зулар илдиз отаётганини ҳис этдим. Мен буни
паранжисини ташлаган қизнинг юлдуздек пор-
лаган күзларидан, китоб-дафтар қўлтиқлаган
ёшларнинг фил суюгидек оқ тишларини чақна-
тиб шод кулишиларидан сездим...

10 май

Севгилим Люсьен!

Мана, мен Фарғонага келдим. Барча шарқ
шоирларининг тилида достон бўлган, кўп сай-
їхларни ҳайратда қолдирган, ҳар бир сиқим туп-
роғи шеърларда мадҳ этилиб, шарқ фаришта-
сига ўхшатилган гўзал Фарғонага келдим.

Мен бу халқнинг қадимдан дехқончилик билан шуғулланиб келганини билар эдим, лекин мен ҳеч қачон инсон бунақа музжизалар яра-
та олишини хаёлимга келтирмаган эдим... Тасавур қилгинки, бутун Фарғона зўр муҳаббат ва дид билан яратилган ям-яшил кўркам бир боғ экан. Умуман, боғбонлик билан дехқончилик бу ерда чинакам санъат даражасига кўта-
рилган. Қир ёнбағирларида, баъзан тоғ-тошлар-
нинг орасида харсангларни емириб, ўрнига тупроқ тўкиб ўстирилган ва ҳозир ичидан ариқчалар шилдираб оққан хўшманзара боғ-
ларни, ажойиб дид билан ўстирилган ва иши-
комларга кўтарилиб, ҳар тути бир ҳовлига соя-
ташлаган токларни кўрганда чин юракдан қойил қолиб, таҳсин айтасан киши!

Мен келган жой айниқса кўркам!

Рост, бу ер Фарғонанинг энг чеккасида, мар-
каздан жуда узоқ, лекин узоқлигига яраша

жуда гүзал ҳам: ҳамма ёқ төг, ҳавоси мусаф-
фо, сувидан бол татийди.

Менга бу ерда касалхона очиш вазифаси
юкландын. Камина бош врач лавозимини эгал-
лаб олдилар-у, аммо қарамогимда врач түгүл
битта фельдшер ҳам ийк! Ҳозирча касалхона-
га жой қидириши, дорихона очиш ва ҳоказо
ишлар билан жуда бандмиз. Айниңса мен шун-
чалик бандманки, ҳатто сени эслашга ҳам
фурсат ийк!

Үзим ҳозир ижроқүм коровуланинг уйида
яшаб турибман. Ажойиб чол. Аллакимдан «то-
вариши» сүзини ўрганиб олган экан, мен нима-
ики демайин: «Хорошо, товариши» деб кулиб
туряди.

Ишлар шұнақа.

Әнді сенга келсак, бу ерга келишга күп шо-
шилма. Мениң бу гапим сени чүчитиб юбор-
масин. Мен ҳали-ҳозир бирорта шарқ гү-
залининг қора күзларига мафтун бўлиб, севги
тўрларига илиниб қолганим ийк, гап шундаки,
ошиқча ерлари билан омборларида чириб ёт-
ган ғаллалари мусодара қилинган бой қулоқ-
лар бултур ва бурноғи йили Михаил Василь-
евичнинг қиличидан жон сақлаб тогларда қо-
чиб юрган босмачилар тўдасига қўшилиб,
«шайхлик» қилаётганга ўхшайди.

Сен ваҳима қилиб юрма. Қўрқадиган ҳеч
нарса ийк. Мен факат шүнисига ачинаманки,
сен билан тезроқ дийдор кўришиб, Фарғона
чашмасидек тиник, ўзимизнинг Невадек мовий
кўзлариндан, бўйинингни қучган олтин сочла-
рингни жингалак толаларидан тўйиб-тўйиб
ўпши орзуларимдан ҳозирча воз кечиб туриш-
га тўғри келяпти...

14 май.

Жоним Люсьен!

Күтилмаган яңгилик. Бұғун әрталаб мени волостъ ижроқұми раиси чақириб, босмачиларга қарши ұттыз кишидан иборат битта отряд юборилаётганини, шунга битта врач кераклигини айтиб қолди. Ү, албатта, менга «ўзингиз бора қолинг», демади, лекин мен боришига ихтиёр билдиридім. Чүнки, биринчидан, шу гапни ўртага ташларкан, бу ўртада мендан бошқа врач йўқлигини яхши биларди, демак, менинг розилик беришімга умид қиласы, иккінчидан, босмачилар билан «танишиши»га қулай бўлган бу фурсатни ўзим ҳам бой бергим келмади. Ўзинг ўйлаб кўр: Ўрта Осиё билан танишишини ёшликтан орзу қилиб, уни ўрганиши учун шунча ердан келсам-у, унинг тарихидаги оғир ва мураккаб ҳодисалардан бири бўлган босмачилик ҳаракати билан «танишиши» пайтини қўлдан берсам, шу тўғри бўладими?

Хуллас, мен розилик бердим.

Сен ташвиш тортма. Ҳозирги босмачилар бундан бир-икки йил олдингидек катта күчни ташкил этмайди. Улар кўпроқ оддий қароқчиларга ўхшайди. Мен тилимиз бошқа бўлса ҳам дилимиз бир, бир мақсад, бир орзу йўлида курашаётган соғ дил кишилар билан кетяпман бу курашга, шунинг учун кўнглим тўқ.

15 май.

Жоним Люсьен!

Биз бұғун саҳар пайтида йўлга чиқдик. Ҳозир ярим кеча. Ўзоқ тоғ орасида, ташландиқ бир қўргонда ётибмиз. Тоғ оқшоми шундай

салқин, ҳатто сояуқ бўларкан, мен қишики таътимни олмаганим учун афсусланиб, гулхан ёнида исиниб ўтирибман. Кеча ойдин бўлмаса ҳам қандайдир ёруғ бўлгани учунми, билмадим, менга севикли Ленинград оқшомларини, бирга кезганимиз Нева соҳилларини эслатади ва мен юрагимда аллақандай бир ғамгинлик ҳис этдим. Ажабо: жўнаб кетганимга бир ой ҳам ўтмасдан мен икки нарсамни айниқса қаттиқ соғинибман: Невани-ю, сени!

Биз ҳали босмачиларнинг ўзлари билан тўқнашимасак ҳам уларнинг қадами етган ва гўё вабо теккандек аянчли ҳолга тушган қишлоқларни кўрдик. Бу ёвузиликларни фақат Шкуро ва Махно газандаларининг ёвузиликлари билан тенглаштириб бўлади, холос. Отрядда ҳукм сурган қувноқлик ҳам қандайдир тасвир этиш қийин бўлган бир ғазаб билан алмашди. Қани энди босмачилар тезроқ учрай қолса!

Отрядимиз қирқ кишидан иборат: йигирма икки милиционер, қолганлари коммунист ва комсомол йигитлар. Командиримиз Собиржон Султонов деган ёшигина йигит. У бурноғи иили ҳам шу ерларда босмачилар билан курашган, ҳатто жанговар хизматлари учун Михаил Васильевичнинг қўлидан мукофотга кумуши сопли қилич олган экан. Ўзи ҳам йигирманчи йилдан бери коммунист экан. Ажойиб йигит. Ақлли, илмли, соғ дил. У ўз Ватани, ўз ҳалқининг баҳт-саодати учун ҳеч нарсани, ҳатто ҳаётини ҳам аямайдиган олижаноб одамлардан экан. Биз у билан гулхан ёнида ўтириб, узоқ сұхбатлашдик, ҳатто жиндаккина дардлашиб ҳам олдик. У бечора ҳам

менга ұхшаб үз севгилисинг әйдөрига түй-
масдан туриб, ҳижрон дөғига учраган экан. Ү,
үз ёрини худди очилған гулға ұхшатиб мақта-
ди. Исли ҳам қайси бир нағис гүлнинг номи
эмши: Гулратъно?

Мен ҳам сенинг суратингни күрсатиб, пича
мақтаниб құйдим. Собиржон суратингга тики-
либ туриб: «Ерингнинг күзлари күк экан, ме-
нинг севгилим оху күзли бир фарышта!» деб
кулди.

Ҳақиқатан ҳам ажойиб йиғит, ажойиб одам-
лар! Кошки әди бу оғир ғалваларга тезроқ
барҳам берилса-ю, шу гүзал тибиат құйнида,
шу соғ дил, камтар ва oddиқ кишилар орасида
яшасак... битта-яримта Луговскийларни дунёга
келтирсанг-у, сұнгра шу халқ түгрисида, үнинг
урф-одатлари, тарихи, ажойиб мәжнатсеварли-
ги ва олижаноб инсонийлиги түгрисида ёзишни
орзу қилған китобимга кириши сам... Бундан
кatta баҳт бўладими, азизим?..

16 май.

Эркам Люсьен!

Бугун биринчи марта босмачилар билан тұқ-
нашдик. Улар бизнинг йўлга чиққанымиздан
қаёқдандир хабар топишган шекилли, саҳар
пайтида түсатдан пайдо бўлиб, ҳужум қилиб
қолишиди. Мен бутун дарани тутиб «ё олло»
деб бақирган овозлардан чўчиб уйғондим-у,
түгрисини айтсам, юрагим жиндек орқага тор-
тиб кетди, чунки, дарани тутган «ё олло»лар
ўқ овозларига қўшилиб ёмон таъсир этар экан
кишига. Лекин жанг узоқ давом этмади. Бос-

мачилар қандоқ тез пайдо бўлишса, шундоқ тез ғойиб бўлдилар. Бир соатча давом этган жангда биздан уч киши, улардан беш киши ярадор бўлди, яна тўрт босмачи асир тушибди. Биз асир тушибан босмачиларни ярадорларга топшириб, босмачиларни қувиб кетдик.

Ҳозир худди кечагидек, гулхан ёнида исиниб ўтирибман. Худди кечагидек бизнинг гўзал оқшомларни эслатувчи ёргуғ тун, худди кечагидек ҳамма ўйқуда, ҳатто Собиржон ҳам ҳозиргина чакмонига ўраниб ўйқуга кетди. Елгиз соқчи иккимиз ўйғоқмиз.

Биз бугун босмачиларни қувиб, жуда кўп ўйл босиб ўтдик, тоғнинг хилват жойларига кириб кетдик, мен ҳам жуда чарчадим, фақат ҳат орқали бўлса ҳам сен билан икки оғиз сухбатлашиш, ўз таассуротларимни сен билан ўртоқлашиш истагигина мени ҳатни ёзишига мажбур этяпти.

Азизим, бошда биз босмачиларнинг бунақа катта отрядини учратамиз деб ўйламаган эдик. Энди бизнинг бу походимиз масъулиятли жанговар походга айланди. Биз уларни тўлиқ торморм қилишига қурбимиш етмаса ҳам орқадан ёрдам етиб келгунча кўздан йўқотмаслигимиз шарт!

Мақсад — шу. Афсуски, босмачилар жанг қилмасдан аста-секин чекиниб бормоқдалар. Аҳоли яшайдиган жойлардан узоқлашиб кетишимиш мени бир оз чўчитмоқда, аммо бошқа иложимиз йўқ. Кўп ташвиш тортма, эркам, отрядимиз садоқатли йигитлардан тузилган, энди ҳамма қийинчиликларни баб-баравар ўртоқлашамиш.

19 май.

Севгилим Люссын!

Сүнгги кунларда биз жуда оғир фожиаларни бошдан кечирдик. Ердам келмади, биз эса босмачиларни таъқиб қилишига мажбур бўлиб шўнча тик узоқлашиб кетдикки, энді иккинчи отряднинг бизни топиш олишига ишонч қолмади.

Уч кундан бери бўлаётган жангларда отрядимиздан фақат ўн турт киши қолдик. Аввалги кунлари ярадорларимизни жўнатиб турган эдик, кеча ундан ҳам маҳрум бўлдик, чунки босмачилар чекиниши йўлларини ҳам тўсиб қўйдилар. Кеча, умуман, жуда қаттиқ жанг бўлди. Биз ушандагина босмачиларнинг бизга нисбатан беш-олти баравир кун эканини билib қолдик. Кечаги жанг айниқса даҳшатли бўлди. Фақат йигитларнинг зўр жасурлиги, қаттиқ туриб олишганликлари, Собиржоннинг маҳоратигина отрядни сақлаб қолди. Бир неча соатга ўзилган оғир жангда фақат битта одамгина разиллик қилди. Мен унинг исмини билмасам ҳам ўзини яхши биламан — узун бўйли, қора, чўтири одам. Уша одам қочди. У босмачилар томонга ўтиб кетдими, ёхуд тоққа циқиб кетдими — билмай қолдик. Лекин унинг қочгани аниқ. Майли, қочсин! У эҳтимол омон қолар, лекин у бутун отряднинг чуқур нафратига учради; мушкул бир пайтда улуғ иши учун қон тўкаётган одамларнинг нафрати уни албатта маҳв этади!

Энди биз чекинмоқдамиз. Лекин келган йўлимиздан эмас, бошқа бир йўлдан чекинмоқдамиз. Бу йўлнинг қаёққа олиб боришини ўзимиз ҳам яхши билмаймиз.

20 май.

Жоним Люсьен!

Бугун саҳар чоғида босмачилар бизни яна қуршаб олдиlar. Қаттиқ жангдан кейин (бизни бу жангда фақат пулемёт қутқариб қолди) саккиз кишидан айрилиб, уларнинг ҳалқасини ёриб чиқа олдик. Шу сафар биз босмачилардан қутулдик, деб ўйлаган эдик, чунки улар жуда катта талафот кўрдилар, лекин ҳозир маълум бўлдики, улар бизнинг орқамиздан келаётган эканлар. Ҳозир бизни тағин қуршаб олишди, бу сафар кечагидек ҳалқани ёриб чиқишимиz мушкул, чунки оғир яраланган олтита жангчининг юздан ошиқ оч бўриларнинг чангалидан қутулиб чиқиши қийин...

Россия осмонида революция байроғи ғолибона ҳилпираётган бир маҳалда тарих ўлимга маҳкум этган бир ҳовуҷ йиртқичлар қўлида ҳалок бўлиш жуда... кулгили, албатта. Лекин на чора, турмушда баъзан шунақа тасодифлар ҳам бўлар экан. Ҳар нечук шу нарса муқаррарки, биз шу улуғ революциянинг ашаддий душманларига қарши курашда жон бермоқдамиз.

Бу баландпарвоз гаплар эмас, жонгинам, балки ўлимнинг ўзи билан олишаётган олтита оддий жангчининг энг азиз, энг муқаддас түйгулари эканига ишонарсан, албатта. Чунки шу нарса ҳақиқатки, ўлиши муқаррар бўлган киши ўз виждони олдида сохталик қилолмайди.

Алвидо, севгилим, алвидо, эркам. Ҳужум бошланди. Сўнгги марта суратингга тикилдим, олтин соchlарингдан, кўзларингдан ўпдим. Кўряпсанми, ўлим олдида ҳам эрингнинг хаёли сенда. Бахти бўл, шлоҳум бахти бўл!»

Шукуржон ўрнидан турди ва кўз ёшларини артмасдан ресторандан қайтиб юқориги полкада чалқанча ётганича пишиллаб ухлаётган Маҳкам акага бир зум тикилиб турди. Кошки у уйғоқ бўлса-ю, Шукуржон оташин қалбларнинг пок ҳислари билан суфорилган бу кундаликдан ақалли бир-икки саҳифа ўқиб берса?

Наҳотки ўқиб бергандан кейин ҳам Қосимовнинг кирдикорларига ишонмаса? У ўзи оқ кўнгил бўлгани учун ошнасини ёмонлагиси келмасдан шундай деяптими, ё Қосимовдан манфаатдор бўлгани учун уни оқладими?

Шукуржон семиз лўппи юзидан мунчоқ-мунчоқ тер оқиб пишиллаб ухлаётган божасининг юзига анча тикилиб турди. Кампирни уйғотиб юбормаслик учун бир-бир босиб вагоннинг йўлагига чиқди.

Йўлакда ҳеч ким йўқ эди. У эшикни қия очди ва юзини салқин, ёқимли шамолга тутиб узоқ турди. Поезд катта бир қишлоқнинг ёнидан ўтиб борарди. Ой шуъласида туташ боғлар, токзорлар, пахтазорлар қорайиб кўринар, темир йўл ёқасидаги йирик япроқли хушқомат тераклар кумуш тангалардек нур сочиб жилваланарди. Ўқтин-ўқтин боғлар орасидан шурга чўмилган кўчалар кўриниб қолар, сўнгра яна ўрмондек қалин, қоп-қора боғлар, пахтазорлар чўзиларди. «Бу меҳнатсевар халқ келажакда ўз ватанини кўркам бир боқقا айлантириб юбориши мумкин» — Владиславнинг сўзларини эслади Шукуржон. У яна худди боягидек кўзлари ёш билан пардаланганини ҳис этди. Лекин бу кўз ёшларини ғам ва ҳасрат эмас, аксинча, ўша ёруғ ҳислар түғдирган

Эди, ўлим олдида ёзилган ва деярли ўттиз беш йил совуқ ерда ётган, лекин олов қалбларнинг жўшқин руҳини сақлаб қолган бу муқаддас ҳужжатлар чуқур инсоний олижанобликка тўла эди. Ва бу нарса Шукуржоннинг юрагини ғурғурга тўлдирибгина қотмасдан, ундан алланимани талаб ҳам қилиб, худди узоқ сафардан қайтган ота жудоликда катта бўлган фарзандини сўроқ қиласандек, бу ҳужжатлар ҳам Шукуржонни гўё сўроқ қиласар, ундан ниманидир талаб қиласди... Кўнглининг бир четида у энди уз турмушига бошқача қарashi зарур эканини, энди ўз келажагига, ўз ишига, ўз вазифасига отасининг васияти нуқтаи назаридан, революция иши учун ҳалок бўлган бу жангчиларнинг васияти нуқтаи назаридан ёндошиши лозимлигини ҳис этарди. Шунинг учун ҳам гарчи у ўз ҳаётида ҳеч қачон виждонига хилоф иш қилганини эсламаса ҳам, энди, «Яаш ва курашни отамдан, шу одамлардан ўрганишим керак!» — деган фикрни кўнглидан кечириди...

Шукуржонга шундай туюлдики, худди эртадан бошлаб у катта ишларни бошлаб юбориши керак, умуман, бундан кейин отасининг руҳи билан яшаши керак. Шу ишларнинг энг муҳими бўлмаса ҳам, наебатдагиларидан биттаси, узун бўйли қора чўтирир одамни фош қилиш эди. Буни революция душманлари билан курашда ҳалок бўлган отасининг руҳи талаб этарди.

Шукуржон шундай хаёлларга кетиб, тамбурда узоқ турди, лекин бу хаёллар унинг руҳини эзмас, балки юрагида яхши орзуласар уйғотар, белига мадад, біллагига куч берарди...

Поезд шаҳарга эрталаб соат ўнлар чамасида келди. Улар вокзалинг олдида қатор тизилиб турган «победа»ларнинг бирига ўтириб, шаҳарнинг шов-шувига тўла гавжум кўчаларидан учиб кетдилар.

Шукуржон шаҳардан кетганига бир ҳафта бўлмаганига қарамасдан уни соғиниб қолганини, нечукдир кўзига иссиқ кўриниб кетганини ҳис этди. Кўчанинг иккι юзидағи баланд хушқомат чинорларни, хушбўй ҳид сочиб, ариқ бўйларида «салом қилиб» турган нафис ақацияларни томоша қилиб ўтиради. Машина скверга яқинлашганда, Маҳкам aka унинг тизасига қўлини қўйди.

— Кечак гапимиз чала бўлди,— деди у ва Шукуржон жавоб бермагач, қушимча қилди.— Қосимов масаласини айтаман... Нима қилмоқчисан?

Шукуржон нима дейишини билмасдан:

— Буни ҳали ўйлаб кўрганим йўқ,— деб қўя қолди.

— Тавба. Шундай... яхши, дилкаш одам шу ишни қилса-я. Ҳеч ишснгим келмайди-да!— деди Маҳкам aka бошини чайқаб,— тавба!

Шукуржон индамади.

Кечак кечқурун вокзалда бўлган сужбатдан кейин унинг тагин бундай дейиши Шукуржоннинг ғашини келтирас, ҳатто қандайдир таҳқирлар эди. Шукуржон унинг ўз фикри, ўз эътиқодига эга бўлган принципиал киши эмаслигини оз-моз сезиб юрарди, лекин шунга қарамасдан унинг бундай қилишини кутмаган эди. Ахир у шундай... соф дил, дилкаш ва сир-

дош бир дўст эди-ку! Наҳотки у Қосимовнинг Шукуржонга шундай озор берганини, унинг азиз эсдаликларини, қалбидаги энг яхши туйғуларини ҳақорат қилганини тушуниб туриб шундай деса? Ҳужжатларни ўз кўзи билан кўриб туриб шу гапни айтса?

Шукуржон Урдага етишлари билан машинани тўхтатди.

— Қани, уйга кирамиз.

— Раҳмат, кампирни соғиниб қолдим,— деди Маҳкам aka кулиб.

Шукуржон кўнгли аллақандай ғаш тортиб, машинанинг орқасидан бир зум тикилиб турди, сўнг кўприкдан ўтиб, уйига қараб кетди. Ҳовлига киргач, кўнглига тушган ғулғула негадир тағин ҳам кучайди. У зинапоядан деярли югуриб чиқди, худди нотаниш одамни безовта қилаётгандек тараддуд билан қўнғироқни босди.

«Нега жавоб беришмайди? Ё уйда ҳеч ким йўқмикин?» — ўйлади Шукуржон юрагининг ура бошлаганини сезиб.

Даҳлиэдан, шип-шип этган оёқ товуши эши-тилди, эшик секин очилиб Зулфия кўринди. Унинг қоп-қора қалин қошлари чимирилиб, кўзларида қувонч ифодаси жилваланди.

— Ота деган ҳам шунаقا бегам бўладими? Қачон келдингиз? — деди Зулфия, мулойим овоз билан.

— Ўзи нима гап, тинчликми?

— Тинчлик. Қизингиз бетоб бўлиб, ҳаммамизни ташвишга солиб қўйди-ку! Биз тумов десак, зотилжам экан!

— Саодат-а?

— Бошқаям қизингиз борми?

Ичкарига қараб юрган Зулфия юзини ўгиреб жилмайди.

— Энди хийла тузук, ўзига келиб қолди.

Шукуржон уйга кираётиб Зулфиянинг мулоим овозидан кўнгли анча жойига тушган эди, лекин аҳволнинг нечоғлиқ жиддий экакини уйга киргач, каравотда ухлаб ётган Саодатни кўрганидагина тушунди. Саодатнинг атиги бундан бир ҳафта олдин гул-гул яшнаб турган юзлари энди узилган гулдек сўлиб қолган эди.

Муаттар каравотнинг ёнида ўтиради. У эшик очилиши билан Шукуржонга бир қарди-ю, яна бошини қўйи солди. Шукуржонга худди унинг кўзлари бир вақтнинг ўзида ҳам гина, ҳам шодликни ифода этгандек туюлди.

Елкаларининг секин титрашидан унинг йиғлаётганини сезган Шукуржон ёнига борди:

— Қийналиб қолдингми? Мен билмадим ахир!

Зулфия «майли, пича йиғлаб олсин, енгил тортади» дегандек имо қилди.

— Менинг чолим ҳам келгандир? — деди у.

— Ҳа. Уйга таклиф қилсам кирмади.

— Үндоқ бўлса мен борай, — деди Зулфия рўмолини ўраркан, — бу ёқда Қосимов деган ошнаси ҳар куни сўрайвериб жонимга тегди.

— Нимага сўрайди? Бир иши бор эканми? — деди Шукуржон.

— Энди ошна бўлгандан кейин шунаقا ҳол-аҳвол сўраб турди-да, — деди Зулфия ва кулди: — Ўзи туппа-тузук одам. Дўст деса жонини аямайди-ю, бироқ шу сафар жуда ошириб юборди. Е телефон қиласди, ё ўзи келади. Сўрагани-сўраган...

Шукуржочнинг юраги шув этди: демак унинг тахминлари түғри экан, демак Қосимов унинг ўша жойларга боришидан қўрққани рост экан! У Зулфия билан хайрлашаркан: «Қосимовнинг қанақа одам эканлигини билса нима дер экан?» деган фикрни кўнглидан кечирди ва ўзи жавоб берди: «Нафрат қиласи!»

— Қўй Муаттар, яхши эмас. Кризис ўтди-ку, нимага йиғлайсан? — деди Зулфия.

Муаттар индамади. Лекин Зулфия чиқиши билан «Мен ҳозир» деди-ю, кетидан чиқди.

Шукуржон каравотнинг олдида ёлғиз қолди. У қизининг бир ҳафтада сўлиб, сарғайиб қолган юзига, қонсиз қирра бурнига яхшироқ разм соларкан, унинг ҳақиқатан қаттиқ оғриганини сезди. У Саодатнинг пешонасини ушлаб кўрди — ҳарорати йўқ. Нафас олиши ҳам тузук. Чиндан ҳам кризис ўтганга ўхшайди.

Ташқаридан Муаттар кирди. Худди боягидек у ҳам гина, ҳам севинч билан тикилиб турарди.

— Хўп, мен айборман, — деди Шукуржон унга томон юриб.

— Ҳеч ким сизни айблаётгани йўқ, фақат... — Муаттарнинг қўй кўзлари бирдан жиққа ёшга тўлди.

— Сенга нима бўлди, Муаттар? Менга қараш?..

Муаттар жавоб бериш ўрнига бошини Шукуржоннинг кўкрагига қўйиб секин йиғлай бошлади. Шукуржон бир неча дақиқа нима килишини билмасдан индамай турди, сўнг Муаттарнинг соchlарини силаркан, сўради:

— Нимага йиғлайсан, кризис ўтибди-ку!

Муаттар бошини күтариб, ёш тұла күзлари билан унга тикилди:

— Кризис ўтди — түгри. Бироқ... Қизингиз бир ўлимдан қолди. Яна тузукроқ бир педиаттор ҳам йўқ денг! Яхшиям Людмила Григорьевани юборган экансиз.

Шукуржоннинг юраги қувончдан «жиз» эти.

— Людмила Григорьевна келдиларми?

— Меҳмонхонада жой бўлмаган экан, тўғри шу ерга келди-ю, бу ташвишнинг устидан чиқса бўладими? Бечора икки кеча мижжа қоқмасдан ёнимда ўтириб чиқди-я! Бир ўлимдан олиб қолди, десам ёлғончи бўлмайман! Нимага куласиз? Телеграмма юборгандим, олмадигизми?

— Йўқ,— деди Шукуржон,— тўғрисини айтсам, почтага борнишга ҳам вақт бўлмади.

— Вой эсим қурсин, ўз дардим билан бўлиб сўрамабман ҳам,— Муаттар гуноҳкор жилмайди.— Уз ишларингиз нима бўлди? Бир натижа борми?

— Бор. Натижа мен кутгандан ҳам ортиқ бўлди,— деди Шукуржон.— Мен бундай бўлинини ҳеч ўйламаган эдим.

— Ростданми? Гапирсангиз-чи?

— Ҳозир, ҳозир.— Шукуржон Муаттарнинг қўлларидан ушлаб ўзига тортди ва бирдан бундан тўрт йил олдин, Қосимов туҳмат килиб юрган чоғларида, у ўз юрагидаги дардини биринчи марта Муаттарга айтганини, Муаттарнинг ўшанда ҳам уни қучоқлаб йиғлаганини эслади. Лекин унда Муаттарнинг кўзлари ғам ва алам ёшларидан қизариб кетган эди, энди эса қандайдир ички қувончдан чақнар эди.

— Айтаман, ҳаммасини айтаман,—деди Шукуржон ва уст-бошининг чанг эканини, ювинмаганини ҳам унутиб, чамадонини оча бошлади.

X

Шукуржон Людмила Григорьевнани тушгача кутди. Тўғрироғи, Муаттар билан гаплашиб ўтириб, яна ўтмишни, тоғдаги эски қалъани, Людмила Григорьевна билан Бурхон отани эслаб кетди-ю, вақтнинг қандай ўтганини сезмай ҳам қолди. Людмила Григорьевна тезда қайтмагач, ҳужжатларни чамадонга жойлаб, институтга бориб келиш ниятида кўчага чиқди.

Уйдан чиққач у: «Қосимовни топиб бир гаплашсаммикин?» деган фикрга ҳам борди, лекин шу топда қалбида мавж ураётган қувончи ўз дўстлари билан ўртоқлашиш истаги Қосимов билан «гаплашиб қўйиш» тилагидан ҳам зўр келди-ю, институтга борди.

Юнус Ражабовичнинг олдида одам кўп экаин. Шукуржон секретарь қиздан унинг келганигини Юнус Ражабовичга айтиб қўйишини, ўзи археология бўлимида бўлишини тайинлади-да, дўстларининг олдига чиқди.

Шукуржон у топган нарсалар археологлар билан тарихчиларни қизиқтира олишини биларди, албатта, лекин институтда кўтарилган шов-шув унинг кутганидан ҳам ошиб тушди. «Шукуржон ажойиб маълумотлар топиб келибди» деган гап дарҳол бутун институтга тарқалди. Топилган ҳужжатлар, ҳатто Шукуржоннинг ўзи ҳам бирпасда институт ҳаётининг диққат марказига айланди. Лекин энг муҳими шунда эдики, унинг ҳикоясидан кейин сал кам

ярим аср олдин қалок бўлиб кетган олти киши унга қандай яқин бўлса, бу одамларга ҳам шундай яқин ва' азиз бўлиб қолди, гўё тоғ орасида, оғир жангларда ҳалок бўлган бу олти жангчи уларнинг ҳам жигарбандлари эди.

Суҳбат айни қизиб турган пайтда Юнус Ражабович чақиртириб қолди. Чол уни кулиб қарши олди.

— Эшитдим, эшитдим, ҳозир айтишди. Табриклайман. Қани, ўтиринг. Бошидан бошланг. Шошманг.

Шукуржон худди шу кабинетни тушида кўрганини эслаб, кулимсираб қўйди. Юнус Ражабович уни қўлтиқлаб, тўрдаги деразанинг олдидаги юмaloқ столга бошлаб борди ва чарм қопланган креслога ўтиришни таклиф қиларкан:

— Чамадонда нима бор? Ҳужжатларми? Қани кўрайлик,— деди кўзойнагини бурнига қўндириб.

У ҳужжатларни бирма-бир синчиклаб кўриб чиқди, сўнгра узун ҳикояни эшитишга тайёр эканини билдириб, чуқур креслога елкасигача чўкиб, оёқларини чалиштириб олди.

Одатда Юнус Ражабович бундай суҳбат вақтида ҳеч ўтирмас, кабинетида у ёқдан-бу ёққа юрар, ҳамсуҳбатига тез-тез саволлар бериб, гапини бўлиб турар эди. Лекин бу сафар у, Шукуржоннинг ҳикоясини жим ўтириб эшитди, бир марта ҳам гапга аралашмади, фақат туш кўрган жойига келгандагина чўққи соқолини силаб:

— Археологлар геолог бўлиб қолибмизда, қизиқ туш,— деб кулиб қўйди.

Ҳикоя тугагач, чол шифтга тикилиб бир нафас жим қолди. Шукуржонга у чуқур ўйга чўмгандек туюлди, лекин чол тўсатдан ўрнидан туриб унинг ёнига ўтди ва эгилиб пешонасидан ўпди.

— Ота ўғли экансиз, раҳмат, болам. Аспирантурага кираётганингизда мен сизга ишонганим учун ёнингизни олган эдим, ишончимни окладингиз,— деди Юнус Ражабович титроқ овоз билан.

Шукуржон унинг қўлини сиқмоқчи эди, лекин чол, худди ўз ҳаяжонидан ўзи уялгандек, бирдан кескин бурилиб деразанинг олдига борди ва қўлларини орқасига қилганича ҳовлига тикилиб қолди.

Шукуржон тўсатдан бундан тўрт йил олдин Юнус Ражабовичнинг кабинетида Қосимов билан бўлган учрашувдан кейин ҳам у худди ҳозиргидай деразанинг олдига бориб ва қўлларини орқасига қилиб ўйланиб қолганини, сўнгра: «Сиз бораверинг, директор билан мен ўзим гаплашаман»— деганини эслади. Унда Юнус Ражабович хийла ёш ва қандайдир абжир кўринарди, энди... юмалоқ қора қалпоғининг остидан кўриниб турган сийрак соchlари оппоқ оқарган ва жингалак-жингалак бўлиб турарди. Шукуржон юрагидан кўтарилган чуқур миннатдорлик туйғуларидан кўзига ёш келганини сезди.

— Унинг ўша китобчasi босилганми? Хабарингиз йўқми?— тўсатдан сўраб қолди чол.

— Йўқ, босилганни йўқ.

— Бизда бирорта нусхаси қолмаганмикин?

— Йўқ,— деди Шукуржон,— ўзи қайтариб олиб кетган.

— Аттанг. Бўлганда бошқача гаплашар эканмиз,— деди чол, нима ҳақидадир хаёл суреб,— хўш, энди нима килмоқчисиз?— сўради у ва яна Шукуржоннинг ёнига келиб ўтириди.

— Ҳайронман,— деди Шукуржон,— олдин ўзи билан бир гаплашмоқчиман. Бу ҳужжатларга нима дер экан?

— Албатта, бу масалада судга мурожаат килиб бўлмайди,— деди Юнус Ражабович, Шукуржоннинг юзига ўйчан тикилиб ва бирдан хаёлига янги бир фикр келган бўлса керак, ўринидан туриб кетди.— Менингча, бу ҳужжатларнинг ҳаммасини матбуотда эълон қилиш керак.— Чол хаёлига келган бу фикрдан хурсанд бўлиб кулди,— ҳа, албатта эълон қилиш керак,— деди у, қўлини силкитиб,— ҳам ёшлигаримизга улги бўлади, ҳам бу ифвогарга яхши бир зарба бўлади. Хўш, бунга нима дейсиз, ўртоқ кандидат?

— Мен қарши эмасман,— деди Шукуржон,— лекин олдин Фарғонага яна бир бориб келсаммикин дейман?

— Нима қиласиз?

— Қидиришни давом этдирсан дейман. Эҳтимол янги маълумотлар топилиб қолар.

Юнус Ражабович столга сунганича чўққи соқолини силаб ўйланиб қолди.

— Яхши, мен бу тўғрида президент билан гаплашиб қўраман. Сиз бу ҳужжатларни матбуотга тайёрлайверинг. Янги маълумотлар топилса яна бостирасиз. Бири иккинчисига халақит бермайди. Гап шу. Бошқа саволингиз ўйқами?— деди чол кулиб ва қўлини чўзди. Лекин

Шукуржон хайрлашиб кабинетдан чиқаркан, яна тұхтатди:— Кечирасиз, ҳалиги рус аёли ҳозир Тошкентда дедингизми?

- Ҳа. Учрашмоқчимисиз?
- Жуда яхши бұларди.
- Хұп,— деди Шукуржон,— илтимос қилиб күраман.

Шукуржон Юнус Ражабовичнинг олдиdan худди яхши гимнастикадан кейин ўзини тағин ҳам кучли ва енгил ҳис этған спортчидек бўлиб чиқди. Эҳтимол, шунинг учундир яна боягидек Қосимовни кўргиси, у билан лоақал бир оғиз юзма-юз гаплашгиси келиб қолди.

Шукуржон Қосимовнинг уйини билмас эди. Демак, уни бирор справочное бюродан суриштириб билиш керак. Қуёш ғарбга томон ёнбошлиган, лекин унинг алангаси ҳали пасаймаган эди. Даражатларгина эмас, ҳатто кўчанинг икки юзидағи қатор тизилган паст-баланд бинолар ҳам гўё унинг иссиқ ҳароратида тинчгина мудрамоқда эди.

Шукуржон шу топда машинанинг ичи қизиган тандирдек иссиқ бўлишини кўз олдига келтирди-да, дарахтларнинг соясидан пиёда кетди.

Справочное бюронинг ходими ундан қидираётган одамнинг исми ва фамилиясидан ташқари ёшини ҳам сўради. Шукуржон Қосимовнинг ёшини билмагани учун яrim соатдан кейин унга учта адрес берди. Шукуржон бир оз ўйланиб тургач, фамилиясининг рўпарасида «1902 йил» деб қўйилган Қосимовникига боришига қарор қилди. Бу Қосимов, адресда кўрсатилишича, ишчилар шаҳарчаси томонда яшарди.

Шукуржон Қосимовнинг адресини олиб бўлгандан кейин тўсатдан: «Борсаммикин, бормай қўя қолсаммикин» деб иккиланиб қолди.

У отасининг ҳужжатларини топган заҳотиёқ юрагида Қосимов билан учрашиш, унинг қора-чўтири сурбет юзига бу ҳужжатлар билан бир-икки уриш истаги уйғонган эди. Албатта, у Қосимов билан бошқа жойда учрашиши мумкин, учрашади ҳам, лекин у ерда унинг сурбет башарасига ҳужжатлар билан уриш имконияти бўлмайди, албатта...

«Йўқ, бориш керак,— хаёлида деди у.— Уйига излаб бориш, эҳтимол... яхши эмасдир, аммо юзма-юз бир гаплашиш керак.»

Бу сафар трамвайга тушмасликнинг иложи йўқ эди. Трамвайнинг ичи эса ҳақиқатан қизинган тандирдек иссиқ. Одамларнинг ловиллаб ёнган юзларидан мунчоқ-мунчоқ тер оқарди. Лекин трамвайдан тушиб юз қадам ҳам юрмасдан шундай салқин, осойишта ва оромбахш кўчалар бошландики, Шукуржон катта шаҳарда бунчалик тинч ва хилват жойларнинг бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эди. Ўқдек тўғри ва кенг кўчаларнинг икки юзидағи ариқлардан тоғ чашмасининг сувидек зилол сув оқар, унинг секин шилдираши худди шўх күйдек ёқимли эшитиларди. Ариқ бўйларидағи қатор толлар бир томондан кўчага, иккинчи томондан бир қаватли уйларга соя бериб, уларнинг шабадада қимиirlаган япроқлари секин чапак чалаётганга ўхшарди. Шукуржон у ербу ердаги очиқ қолган эшиклар, дарвозаларнинг ёнидан ўтаётганда ҳовлиларга қуюқ соя ташлаб ўсган токларни, чаман очилган гулзорларни кўрарди...

Қосимовнинг ҳовлиси кўчанинг энг охирида, ҳам салқин, жуда баҳаво бир жойда эди. Кўчанинг икки томонидан оқиб келган икки ариқ сув, худди харсанг тошлар тагида изсиз йўқолган булоқ сувидек, ҳовлининг баланд деворлари орқасида йўқолар эди. Ҳаво ранг сирга бўялган дарвоза ҳам, унинг ёнидаги кичкина эшик ҳам берк. Деразалари кўчага қараган баланд ва ҳашаматли уйдан тиқ этган товуш эшитилмайди.

Бу салобатли, ҳаво ранг дарвоза билан баланд мустаҳкам девор, таажжуб, Шукуржоннинг кўнглида қандайdir безовталик уйғотди, у дилида қандайdir ишончсизлик сезди. Лекин бу нарса атиги бир нафас давом этди: «Йўқ, бу одам бунақа ҳовли-жойда яшашга ҳаққи йўқ. Пешона тери тўкиб топган пулга қурган эмас, албатта» — деган фикр кўнглидан ўтди. У дарвозанинг чап томонидаги кичкина эшикнинг олдига бориб, унинг тепасидаги тугмачани қаттиқ босди, узоқдан эшитилган қўнғироқ овозига бир зум қулоқ солиб тургач, ўзини толнинг соясига олди.

Қандайdir кишининг руҳини эзувчи узоқ жимликдан сўнг, ниҳоят, эшикнинг занжири шиқирлади ва остоноада узун бўйли, қорачадан келган бир йигит кўринди. Шукуржон уни кўрган ҳамониёқ таниди. Бу ўша, Шукуржон билан бирга аспирантурага имтиҳон топширган Қосимовнинг ўғли эди.

Шукуржон новча, нимжон, хотинчалиш бу йигитни кўриши билан юрагига бир нарса санчилгандек бўлди.

Йигит ҳам уни таниди. У чап қўлинни кўксига

босиб, ўнг қўлини чўзганича Шукуржонга қараб юаркан, мулоим илжайди.

— Ээ... ўртоқ Султонов... Келсинлар, келсинлар.

«Наҳотки бунинг ҳеч нарсадан хабари бўлмаса?»— ўйлади Шукуржон, йигитнинг мулоим жилмайган юзига тикилганича у билан кўришаркан.

Йигит ҳамон чап қўлини кўксига босганича ўнг қўли билан ҳовлини кўрсатди.

— Қани, марҳамат қилсинлар...

— Раҳмат,— деди Шукуржон. У ўзини хийла босиб олганди.— Дадангизда озгина ишим бор эди. Шу ерда гаплаша қоламан.

— Қанақа иш?— деди йигит. Лекин бу саволнинг ноқулай эканини ўзи ҳам сезиб қолди шекилли, қизариб кетди.— Цадам... ҳозир сўраб кўрай,— шошқолоқлик билан деди у.— Уч-тўрт кун бўлди, тоблари йўқ. Ҳозир сўрайман, ҳозир.

«Билади».— Йигитнинг аллақандай саросимага тушганини кузатиб қоларкан, ўйлади Шукуржон. Унинг юрагида уйғонган ҳалиги сабабсиз безовталик яна ғазаб ҳисси билан алмашди.

Дарҳақиқат, йигит бир лахздан кейин қайтиб чиққанида унинг юзида қандайдир ўнғай-сизланиш аломати бор, Шукуржонга тўғри қарай олмас эди.

— Кечирасиз, дадамларнинг тоблари йўқ эди,— деди у сал дудуқланиб,— бугун ҳеч иложи йўқ. Врач чақирмасак бўлмайдиганга ўхшаб қолди...

Шукуржоннинг кўнглидан:

«Чиндан тоблари йўқми, ё мен билан учрашишдан қочяптими?» деган фикр ўтди.

— Хўп, майли, тоблари бўлмаса на чора?—
деди Шукуржон.—Хайр. Дадангизга айтиб қўйинг. Фарғонага бориб келибди. Баъзи янгиликлар топилибди, шу тўғрида гаплашмоқчи бўлиб келган экан денг...

У ҳужжатлар тўғрисида очиқ айтмоқчи бўлди-ю, йигитнинг ундан кўзларини олиб қочаётганини кўриб, индамади.

«Ўғли отасидан кўра ақллироқ кўринади,—
ўйлади Шукуржон.—Ҳар ҳолда отасига ўхшаган сурбет эмас, виждони борга ўхшайди...»

У йигит билан тез хайрлашди-да, трамвайга қараб жадаллаб кетди.

XI

Людмила Григорьевна кечқурун ҳам келмади. У эрталаб ҳам келмагач, безовта бўла бошлаган Шукуржон врачлар малакасини ошириш институтига телефон қилиб, уни сўраш учун Муаттарни қўшнилариникига чиқарди. Муаттар анчадан кейин негадир кулимсираб кирди ва Людмила Григорьевнанинг ҳақиқатан ҳам институтда эканини, у: «Саодат тузук бўлса бугун ҳам бора олмайман, чунки ўқишни бошлаб юбордик» деганини, лекин Шукуржоннинг келганини эшитгач, жуда севиниб, ўқишдан чиққан заҳотиёқ келишга ваъда берганини айтди.

— Кундалик дафтар тўғрисида бир нима демадим,— деди Муаттар кулиб,— бўлмаса ўқишни ҳам ташлаб чопиб келадиганга ўхшаб қолдилар.

Шукуржон Луговскийнинг дафтари билан партия билетини қолдирди-да, бошқа ҳужжатларини олиб ёшлар газетаси редакциясига

кетди. Кеча Юнус Ражабовичнинг олдидан қайтиб келгандан кейин у ярим тунгача ўтириб, ҳужжатларни тартибга солган ва уларни изоҳловчи сўз боши ёзган эди.

Ҳужжатлар билан танишиб чиққан редакция ходими шахсан унга маъқул бўлганини айтиб, бир-икки кун ичидаги редколлегия аъзоларини ҳам таништириб чиқишини ваъда қилди ва Луговскийнинг дафтарини тезроқ олиб келиб беришни сўради.

Шукуржон редакциядан чиқиб институтга борди ва Фарғонага кетиш ҳақида экспедиция аъзолари билан маслаҳатлашиб, уйга кечроқ қайтди.

Муаттар уни: «Вой, қаёқларда юрибсиз, бирам беғамсизки»— деган сўзлар билан кутиб олди. Шукуржон дарҳол Саодатнинг бетоблигини эслаб:

— Саодат тузукми?— деб сўради.

— Саодат тузук. Дори ичига яна ухлаб қолди. Людмила Григорьевна кутиб қолдилар,— деди Муаттар ва негадир овозини пасайтириб, қўшимча қилди.— Йиғлаб ўтирибдилар.

— Йиғлаб? Нега?

— Нимага бўларди, шундоқ хатларни ўқийди-ю, йиғламайдими?

— Ўқий олдими?

— Ҳа. Ҳалиям ўқиб ўтирибдилар. Сизнинг хонангизда.

Муаттар чап қўлдаги эшикдан ошхонага бурилди, Шукуржон Саодатни уйғотиб юбор-маслик учун бир-бир босиб тўрдаги хонага ўтди ва эшикни секин очди.

Людмила Григорьевна, кундаликни ўқиб бўлган шекилли, қўлларини тиззасига қўйга-

нича столнинг чап томонида, Шукуржоннинг юмшоқ креслосида чўкиб ўтиради. Ботаётган қуёшнинг қизғин иурларида унинг бир ҳовуч пахтага ўхшаган оппоқ сочи, оқ кўйлакли кичкина гавдаси, юзи — ҳаммаси қандайдир пушти ранг бўлиб кўринарди. Бир нуқтага тикилган ўйчан мовий кўзларида ёш томчилари кўринмас, фақат аллақандай нидосиз бир ғамгинлик чўкканди. Умуман, унинг бутун қиёфа сида фақат бошига тушган мушкулнинг бутун олижаноблигини ҳис этган одамлардагина бўладиган маъюс бир осоийшталик сезилар, у худди ҳазин куйга берилиб, ҳаётининг ғамтин ва бахтли дамларини эслаб ўтирган бир одамга ўхшарди.

Шукуржон секин уйга кирди.

— Людмила Григорьевна...

— А? — Людмила Григорьевна кўзини бир нуқтадан узиб Шукуржонга қаради, кўзи кўзига тушиши билан лаблари пирпираб учди.

Унинг товушсиз, секип титраб йиғлаши Шукуржонга бошига мушкул тушганда ўз жигарини, яқин дўстини, ёрини кўриб кўнгли бўшаб кетган одамнинг йиғисини эслатди-ю, бенхтиёр кўзига ёш олди. Юраги шу муштипар захматкаш аёлга аллақандай иссиқ, фарзандлик муҳаббати билан тўлиб-тошганини ҳис этиб, елкасидан авайлаб қучоқлади.

— Хафа бўлманг, Людмила Григорьевна...

Людмила Григорьевна пастдан юқорига қараб, кўз ёши аралаш табассум қилди, шошиб рўмолчаси билан кўзларини артди.

— Мен йиғлаётганим йўқ. Мен унинг ҳалок бўлганини билар эдим, нимага ҳам хафа бўламан?. Улар муқаддас одамлар, йиғлаш

эмас, фахрланиш керак,— деди у, ўзи эса яна
кўз ёшларини артди.— Мен шунчаки... Невани
соғиндим, деган жойлари эсимга тушиб кетди...
Қаригандан кейин шунақа кўнгли бўш бўлиб
қолар экан кишининг...

— Ўтириңг, Людмила Григорьевна, ўтирай-
лик.

Бирпас жим қолдилар, гўё яна бояги оли-
жаноб ғамгинликка тўла ҳазин куй уйни тўл-
дирди-ю, уларнинг қалбларидаги ҳисларни
жимгина сўзлай бошлади. Ниҳоят, Людмила
Григорьевна Шукуржоннинг кўзларига мулойим
тикилиб сўради:

— Энди кўнглинг жойига тушдими? Отавт
ҳам коммунист экан-а? Шукуржон кителининг
кўкрак чўнтағидан отасининг муқоваси йир-
тилиб кетган партия билетини олиб, кампирга
чўзаркан, юраги ғурур аралаш шодликдан
«жиз» этди.

— Мана, кўринг, Людмила Григорьевна.
Кампир партбилетга жимгина тикилиб, узоқ
ўтиргач, бошини секин чайқади:

— Кошки онанг тирик бўлганда,— деди у ва
яна кўзига ёш олди.

Эшикда Муаттар кўринди.

— Поччамлар келишди,— деди,— ошнинг гу-
ручини солаверайми?

Шукуржон Юнус Ражабовичнинг келишини
эслаб, тўхтаб туринг, дегунча бўлмади, Маҳ-
кам аканинг:

— Саодатхон ухлаб қолибдилар-да,— деган
овози эшитилди. У соч-соқолини олдириб, ёқа-
сига кашта тикилган оқ шохи кўйлагини кийиб
олган, ўзи ҳам қандайдир яшариб яшнаб кет-
ган эди.

У тўғри Людмила Григорьевнанинг олдига борди, қўлини олиб лабига босди ва:

— Мен сиз тўғрингизда жуда кўп ажойиб гаплар эшитдим, бир кўришни орзу қилиб юрувдим,— деди.

— Мени-я?— деди Людмила Григорьевна таажжуб билан, лекин Маҳкам аканинг унга ёқиб қолгани овозиданоқ сеэилиб турарди.

— Биз сизлардан сўрамасдан бир иш қилиб қўйдик,— деди Маҳкам aka ва пойгакдаги стулда алланечук омонатгина ўтирган Зулфияга бир қараб қўйди,— агар афв этсангизлар айтаман.

Людмила Григорьевна: «Бу ким, нима деяпти?» деган маънода Шукуржонга кўз ташлагач, сўради:

— Қанақа иш?

— Аввало бу нарсаларнинг топилишида биздек ёр-биродарларнинг ҳам жиндек хизматлари борлигини биласизми?

— Қанақа хизматлар?

— Ҳа, бу ўзи шунақа,— деди Маҳкам aka Шукуржонга ишора қилиб,— бошқаларнинг яхшилиги эсида кўп турмайди... Сиз мени, бу хизматлари учун бирор нарса тама қиляпти, деб ўйламанг, Людмила Григорьевна. Аммо лекин, бу ерда битта нозик гап бор...

Бу нозик гапнинг нимадан иборат эканини аллақачон сезса ҳам ўзини босиб ўтирган Шукуржон, шу ерга келганда:

— Хўш?— деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Сен гапга вралашма, мен бу кишига маслаҳат соляпман,— деди Маҳкам aka ва Людмила Григорьевнага қараб давом этди:— Масала

шундаки, менинг Қосимов деган бир танишм бор. Ўзи ёмон одам эмас-у, лекин бу билан оралари...

— Шошманг, шошманг, ўртоқ...— деди Людмила Григорьевна ва негадир, гүё Маҳкам акани яхшироқ таниб қўймоқчи бўлтандай столнинг устида ётган кўзойнагини тақиб олди.— Қайси Қосимовни айтасиз? Сиз айтган Қосимов эмасми?— деди у Шукуржонга юзланиб.

— Худди ўша. Отряд оғир аҳволга тушиб қолганда, уни ташлаб қочган «узун бўйли қора чўтирип одам...»

— Аblaҳ! — деди Людмила Григорьевна.

Шукуржон Зулфиянинг кимданdir чўчигандай сесканиб кетганини ва дарров ерга қараганини кўриб қолди. Маҳкам aka эса худди ҳеч нарса юз бермагандек, жилмайди:

— Ҳайронман, Людмила Григорьевна, у бирорвга ёмонлик қиласидиган одамга ўхшамайди...

— Эҳтимол, сизга «ёмонлик» қилмагандир, лекин бунинг отасидек содик бир коммунистга тұхмат қилиш... буни аblaҳлик демасдан нима деса бўлади, жонгинам?— деди Людмила Григорьевна, аллақандай истеҳзоли овоз билан.

Шукуржон «хўш, бунга нима дейсиз?» деган маънода Маҳкам акага қаради. У яна йўлда келаётгандагидек: «Оқ кўнгиллигидан шундай қиляптими, ё бошқа бир сабаби борми?» деган фикрни кўнглидан кечирди.

— Мен уни оқламайман,— деди Маҳкам aka, Людмила Григорьевнанинг ёнига ўтириб,—лекин бошини эгиб, ялиниб келса нима қиласай? Эгилган бошини қилич кесмас деган гап бор.— Маҳкам aka Шукуржонга юзланди ва

кулди:—Сендан ҳам кечирим сўрашга тайёр. Ке қўй, шуни ёзиб берганингда бир нарса бўлармиди?

Шукуржон ўрнидан туриб кетди. Лекин у: «Сиз нимага унга бунчалик жонкуярлик қиляпсиз?» дейиш учун оғзини жуфтлаган ҳам эдик, тўсатдан Людмила Григорьевна:

— Узи қани? Шу ердами?— деб сўраб қолди.

— Ҳовлида кутиб турибди, чақираими?— деди Маҳкам ака ва Людмила Григорьевна нинг жавобини кутмасданоқ тез юриб ташқарига чиқиб кетди. Людмила Григорьевна худди ўз-ўзидан сўраётгандек ўйчан бир товуш билан:

— Нега энди бу ўртоқ Қосимовга шундай жонкуярлик қиляпти?— деди ва Зулфияга қаради:— Сизнинг эрингиз шекилли?

— Ҳа,— деди Зулфия секин.

— У одам ўзи қаерда ишлайди?— Яна сўради Людмила Григорьевна ва Зулфиянинг:

— Мен яхши билмайман, қурилиш трести нинг таъминот бўлимида, шекилли,— деган жавобини эшишиб кулди:

— Энди тушундим...

Зулфия ўрнидан турди, ҳаяжонланганидан бўлса керак, кўйлагининг этагини тўғрилаб қўйди.

— Йўқ, сиз янгишасиз. У сиз ўйлаганлардан эмас, у ялиниб-ёлвориб қўймагандан кейин...— Зулфиянинг сўзи оғзида қолди. Эшикда пайдо бўлган Қосимовни кўрди-ю, кескин бурилиб уйдан чиқди.

Шукуржон Қосимовнинг сурбет бир одам

эканини қанчалик яхши билмасин, ўрталарида бўлиб ўтган шунча гаплардан кейин, унинг гўё ҳеч нарсадан хабари йўқ бир одамдек, ширин илжайиб кириб келишини сира кутмаган эди.

У тўқ-сариқ жужунча костюм-шимнинг ичидан оқ шоҳи кўйлак кийиб, галстук таққан, чап қўлида шляпа, ўнг қўли билан оқидан қораси кўп қалин соchlарини силаб кулимсираб турарди...

...Мана, Шукуржон кўп йиллардан буён орзу қилган кун, унинг қалбидаги энг яхши туйфуларини, хаёлидаги энг азиз эсдаликларини ҳақорат қилган бу узун бўйли, қора, чўтири одам билан дадил гаплаша оладиган, унинг башарасига ўзи талаб қилган фактлар билан аччиқ-аччиқ уриш мумкин бўлған ғалаба куни ҳам келди. Лекин ажабо: Шукуржоннинг юрагида ғалаба қувончи ўрнига аллақандай исенкор бир ғазаб ҳисси қайнаб, уни карахт қилиб қўйди: рўпарасида оқ тишларини кўрсатиб илжайиб турган бу одам Маҳкам ака айтгандек «кечирим сўраш учун келган», зотан ўзини гуноҳкор ҳис этаётган одамга сира ўхшамас эди. Нега? Революциянинг содиқ жангчиси бўлган отасининг ёрқин хотирасини қаттиқ ҳақорат қилган бу разил ва чиркин одамнинг шу пайтда ўзини бундай тутишга қандай ҳадди сиғади? У кимга ишонгани учун ўзини бундай эркин ве дадил ҳис этаётпи? Эшикда туриб Шукуржонга ниманидир имо-ишора қилаётган Маҳкам акага ишонгани учунми, ё бошқа суюнган тори борми? Ё ўғли унга кечаги гапларни айтмадимикин, ёки бўлмаса кўнглидаги қўркувни сездириб қўймаслик учун шундай ширин

табассум қилиб, ўзини осойишта тутишга ҳаракат қиляптимикин бу қари иблис?

Шукуржон Людмила Григорьевнанинг:

— Оо... Сиз ҳали шунаقا ёшмисиз? — деган хитобини эшитиб, ҳушига келди.

Кампир кўзойнагини тақиб, Қосимовга пастдан юқорига диққат билан тикилиб турарди.

— Қани, ўтиринг, бу ёғини ўзингиз тушунтиринг, мен тушунтириб бўлдим, — деди Маҳкам aka ва деразанинг олдига ўтиб, стулга ўтириди.

Қосимов ўтирмади. Шукуржон эндигина унинг кичкина мунчоқ кўзларида аллақандай безовталик ифодаси жилваланаётганини пайқаб қолди. Сукутни Людмила Григорьевна бузди:

— Бу кишининг сенда иши борга ўхшайди, гапташсанг-чи. — деди у Шукуржонга юзланниб.

Шукуржон негадир ўрнидан турди ва минбарга чиққан нотиқдек йўталиб қўйди. Унинг қалбидаги исёнкор ғазаб ҳисси тўсатдан кишига қанот бағишловчи аллақандай ғалаба қувончи билан алмашди-ю, боя тўс-тўполон бўлган ўйлари, ҳис-туйғулари жой-жойига тушгандек бўлди.

— Бу кишининг менда ишлари борми-йўқми, буни билмадим, — деди у босиқ, аллақандай хушвақт товуш билан, — аммо менинг бу кишида зарур ишим бор... Эсингиздами, Қосимов, бундан тўрт йил олдин сиз отам тўғрисида тарқатган иғволарингизга ишонмаслигимни айтганимда, мендан бу гапларимни исбот этувчи фактлар талаб қилган эдингиз? Бурунги туҳматларингизни такрорлаб, мени ва отамнинг азиз хотирасини ҳақорат қилганларингиз

эсингиздами?.. Мана, ўша сиз талаб қилган фактлар...— Шукуржон кескин ҳаракат билан қўлини чўзиб, столда ётган кундалик дафтарни ва хатларни кўрсатди:— Отамнинг ким бўлганини, эҳтимол, мана бу нарса эслатиб қўяр сизга.— У кителининг чўнтағидан отасининг партия билетини олиб Қосимовга чўзди ва қандайдир ғурур аралаш ички севинчга тўла овоз билан сўради:— Отам тўғрисидаги гаплари низнинг ҳаммаси бўхтон эканини, сизнинг бу гапларни нима мақсадда тарқатганингизни исботлаш учун бу фактлар етарлими, ё тарин бошқа фактлар керакми?

Қосимов, худди юзига бирор қаттиқ тарсаки ургандек, чайқалиб кетди. Унинг тоза қирилган қора, чўтири юзи, силлиқ, дўнг пешонаси мунчоқ-мунчоқ тер билан қопланиб, ялтираб кетди. У бир-икки марта мадад сўрагандек Маҳкам акага қараб қўйди. Лекин Маҳкам ака бошини қўйи солганича чурқ этмай ўтирас, у ё Шукуржоннинг бунчалик қаттиқ гапиришини кутмаган, ёки қадрдан дўстининг иғвогар бўлишини чиндан ҳам тасаввур қилмаган эди.

— Хўш, нечук индамайсиз, жавоб беринг?— Қосимов орқасига тез бурилиб қаради ва эшикда турган Юнус Ражабовични кўриб, бир қадам тисарилди.

— Афв этасиз, ўртоқ профессор,— деди у дудуқланиб ва гоҳ Шукуржонга, гоҳ Людмила Григорьевнага юзланиб қўшимча қилди:— Мен хато қилибман, афв этинглар!..

Шукуржоннинг юрагида ҳозиргина ловиллаб турган ғазаб ўти бирдан қандайдир ачинишга ўхшаш бир туйғу билан алмашди. У Қосимов-

га: «Боринг!» дейиш учун оғиз жуфтлаган эдиямки, Людмила Григорьевнанинг ўрнидан туралётганини кўриб, индамай қолди. Кампир секин юриб Қосимовнинг олдига борди.

— Афв этишдан олдин сизга битта саволим бор,— деди у секин.— Мен ҳайронман, қандай қилиб сиз шундай мушкул бир пайтда ўз дўстларингизни ташлаб қочгандан сўнг, шундай... мени кечирасиз, хоинликдан сўнг уларнинг хотирасини ҳақорат қилишга виждонингиз йўл берди? Қандай қилиб?— Людмила Григорьевнанинг овози бирдан титраб кетди.

Шукуржон Қосимовга қаради. Лекин ажабо: шу вақтгача Қосимовнинг тер оқиб турган юзида, мунчоқ кўзларида жилва қилган қўрқув тўсатдан аллақандай таҳқирланганлик ифодаси билан алмашди.

— Эшишиб қўй, Маҳкамжон, булар мени ҳақорат қилдилар, хоин дедилар,— деди у негадир асабий кулиб.— Бундай ҳақорат учун ҳали жавоб берадилар. Ўзинг гувоҳ бўласан, Маҳкамжон, ҳа...

Қосимов қўлларини асабий силкитиб, қичқириб гапирди, лекин овози қандайдир сохта, ишончсиз жаранглади ва бу ердан тезроқ чиқиб кетиш учун шундай қилгани сезилиб қолди. Буни ўзи ҳам пайқади шекилли:

— Ҳақорат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!— деб яна бир марта қичқирди-ю, шляпасини бошига қўндириди. Юнус Ражабович унга йўл бераркан:— Боринг, тезроқ арз қилинг,— деди ва қўли билан эшикни кўрсатиб, такрорлади:— Тезроқ боринг.

Қосимов уйдан чиқиши билан Шукуржон ҳудди ёмон туш кўраётиб, уйғониб кетгандек

ўзини енгил тортди, назаридан уйнинг ҳавоси ҳам тозалангандек бўлиб кўкрагини тўлдириб нафас олди, сўнгра Людмила Григорьевна билан Юнус Ражабовични таништириди.

Юнус Ражабович Людмила Григорьевна билан кўришаркан:

— Мен сиз билан атайин танишгани келдим, Людмила Григорьевна,— деди ва кампирнинг қўлидан ўпди.

— Раҳмат! Мен ҳам сиз тўғрингизда кўп яхши гаплар эшитдим, ўртоқ профессор! — Людмила Григорьевна маъюс жилмайди. Унинг хаёли ҳамон Қосимовда бўлса керак:— Шундай ёмон одамларни ер кўтариб турганига ҳайронман,— деди ва тўсатдан ҳамон ер чизиб ўтирган Маҳкам акага юзланди:— Сизга ҳайронман, шундай... разил одамга ён босиш... Яхши эмас, жонгинам!

Маҳкам aka бошини кўтарди. Унинг семиз юзи қизариб кетган, кўзлари нажот тилаган одамнинг кўзларидек жовдираб турарди.

— Худо ҳақи... Мен ҳеч ишонгим келмовди. Кейин... ялиниб-ёлвориб қўймагандан кейин, мендан нима кетади деб...— У сўзини тугатмаган эди ҳамки, Юнус Ражабович ўрнидан «дик» этиб туриб кетди.

— Мендан нима кетади, дейди-я? Кишида бир принцип деган нарса бўлиши керак-да, ҳурматли ўртоқ! Сиз унинг кимлигини биласизми ўзи? Одам деган шунақаям принципсиэ бўладими?

Шукуржон ичидагулисиради-да, овқатдан хабар олиш учун секин чиқди. У энди Маҳкам аканинг самимий гапираётганлигига шубҳа қилмаса ҳам: «майли, бир оз қизарсин, иккинчи

бундай принципсизлик қилмайди» деган фикр-ни хаёлидан кечирган эди. Лекин у ошхонага чиқиши билан кетидан Маҳкам ака ҳам чиқиб борди. Афтидан, у Шукуржондан кечирим сўрамоқчи эди, лекин ҳеч кутилмаганда ошхонада Муаттарга қарашаётган Зулфиянинг ҳужумига учради.

— Сизга Шукуржон айтган экан-ку, унинг қанақа ишлар қилганини, нима қилардинги зунга булишиб! — дерди у куюниб.

Шукуржон Маҳкам аканинг юзига қаради-ю, кулиб юборди.

— Бўлди, бу кишига етарли бўлди. Ошни сузайлик.

Улар уйни ширин ва ўткир ҳидларга тўлдириб икки лаганда ош кўтариб кирганларида уйқудан турган Саодат Людмила Григорьевна билан Юнус Ражабовичнинг ўртасида ўтирас, улар нима тўғрисидадир жиддий гаплашмоқда эдилар.

— Саодат менга қиз бўлмоқчи, мен билан кетмоқчи,— деди кампир ва Муаттарга юзланди:— Кўзингиз қиядими? Берасизми?

— Майли, ўзи сизга қиз бўламан деса ола қолинг,— деди Муаттар кулиб.

— Бўламан,— деди Саодат ҳам,— мен доктор бувимга қиз бўламан!

Кулишдилар. Шукуржон Людмила Григорьевнанинг мовий кўзларига аллақандай маъюс бир ўйчанлик чўкканини кўрди. Кампир Саодатнинг майин соchlарини силаганича бир нуқтага тикилиб ўтирас, Шукуржон билан Муаттар қистаганларидағина овқатдан бир-икки олар ва: «Ҳа, ҳа, баҳузур» — деб қўярди.

— Ёлғизлик қийин экан,— деди у ниҳоят,

Юнус Ражабовичга қараб ўйчан ва ғамгин төвүш билан.— Агар Славикдан фарзандим бўлганда-ку, ҳеч армон қилмас эдим... Эҳтимол, мен ҳам ҳозир неваралик бўлардим...

— Ҳа, албатта, албатта,— деди Юнус Ражабович ва негадир Шукуржонга қараб қўйди.

Шукуржон бир вақтнинг ўзида юрагида мавж урган ҳам ғамгин, ҳам чуқур фарзандлик туйғусидан бутун вужуди жимиirlаб кетганини ҳис этди.

— Людмила Григорьевна! — унинг овози ўзига бўйсунмасдан бирдан титраб кетди.— Сиз ҳалиям бизга бир она бўлдингиз. Сиз... мени... бизни ўз ўғлим, келиним, деб ҳисоблайверинг. Ойи, ойижон...— деди у ва нимадир томоғини бўғаётганини сезиб, жим бўлди.

— Биламан... раҳмат, ўғлим, келиним, на-бирам... — деди кампир ва яна кўзига ёш келди.

Шукуржон ўз пешонасида унинг майин за титроқ лабларини ҳис этди-ю, чиндан ҳам ўз онасини топганини, болалик чоғларида тушларида кўрган меҳрибон ва азиз чеҳрани энди ўнгида кўраётганини ҳис этди, кампирни оҳиста қучоқлаб бағрига босди.

— Онажон! -- у ўз ихтиёрига қарши кўзларининг намланаётганини ҳис этиб кулди. Атрофдагиларга қараган эди, улар ҳам кўз ёши аралаш табассум қиласдилар.

* * *

Шукуржон Қосимов билан бир ҳафтадан кейин райкомда учраши.

Бу вақт ичида экспедиция масаласи ҳал бўлган, Шукуржон Фарғонага жўнашдан олдин

райкомга ёзиб берган хатининг натижасини билиб кетиш учун борган эди.

Шундан бир кун олдин унинг газетага берган материаллари ҳам босилиб чиқкан ва кўп одамларнинг диққатини ўзига жалб этган эди. Эҳтимол, шунинг учундир, трамвайдагетаркан, унга ҳамма унинг ёзганлари тўғрисида гапираётгандек бўлиб туюлар, юраги қувончга тўлар эди.

Улар райком биносининг олдида учрашдилар. Шукуржон машинадан тushiб, бинога қараб юрганда, Қосимов ичкаридан чиқиб қолди. Иккиси ҳам гўё фавқулодда бир ҳодиса рўй бергандек, бир-бирига тикилиб бир зум тўхтаб қолдилар.

Шукуржоннинг эътиборини ҳаммадан бурун жалб этган нарса Қосимовнинг қўлидаги газета бўлди. Бу ўша мақола босилган газета эканини Шукуржон дарров сезди: Қосимов уни қўллари билан қаттиқ ғижимлаб олган эди. Шукуржоннинг кўзига унинг ўзи ҳам аллақандай кичрайиб, чўкиб қолганга ўхшаб кўринди. Лекин Шукуржонни кўрганда худди човут қилмоқчи бўлган курк товуқдек мунчоқ кўзларидан бир ўт сочди, лекин бир нима дейишга журъат этмади шекилли, бошини елкасига қисиб тез ўтиб кетди.

«Аҳволи чатоққа ўхшайди» — хаёлидан ўтди Шукуржоннинг.

Дарҳақиқат, райкомда унга хатдаги ва газетадаги фактлар тасдиқланибгина қолмасдан, хизмат бобидан ҳам ишкал чиқиб, вазифасидан бўшатилганини, ҳозирча текшириш давом этаётганини айтдилар.

Шукуржон ўзининг Фарғонага кетаётганини

билдириб, қайтиб чиқаркан, негадир яна Қосимовни эслади, унинг аллақандай кичрайиб, чўкиб қолганини кўз олдига келтирди. «Бадтар бўлсин» — хаёлидан ўтди унинг.

Эрталаб беш кишидан иборат тарихчи ва археологлар отряди институтининг эски, лекин кўп экспедицияларда хизмат кўрсатган «ЗИС»ида Фарғонага жўнаб кетди. Шукуржон ўзи ҳам машинада кетмоқчи эди, лекин Людмила Григорьевна билан Муаттар ҳам бормоқчи бўлганларидан кейин, улар билан бирга поездда кетишга қарор қилди... Людмила Григорьевна қўшилгандан кейин яна ҳам кўпайган оиласи билан алоҳида купеда Фарғонага жўнаркан, Шукуржон бу қувонч ва кишига қанот бағишловчи фалати эркинликни одатдагидан ҳам кучлироқ ҳис этарди. У ўзида фақат ҳаётга ишонч билан қараганда ва бошқаларнинг ҳам унга ишонч билан қарашини ҳис этган кишилардагина бўладиган ажойиб бир хотиржамлик сезарди.

Бу хотиржамлик унинг руҳини эркалар, кучига куч қўшарди. У энди қўлидан ҳар қандай иш келишига ишонмоқда, келажакка дадил қараб, ўз мақсадига томон интилмоқда эди.



11

На узбекском языке
АДЫЛ ЯКУБОВ
ПО СЛЕДУ ОТЦА
Повесть

Гослитиздат УзССР — 1959 — Ташкент

Редактор *Л. Тожиева*

Рассом *Будаев*

Рассом редактор *Г. Бодарев*

Техн. редактор *Л. Ильина*

Корректор *Э. Сиддиқов*

Теришга берилди 19 I-1959. Босишишга руҳсат этилди 13/V 1959. Формат 70x92^{1/2}, 4,25 босма л., 4,97 шартли босма л., Нашр. л. 4,9. Р 05452 Тиражи 15 000. ЎзССР Давлат баданий азабниёт нашриёти, Тошкент, Навоий к. 30. Шартнома № 106—18.

ЎзССР Маданият министрилиги Ўзглавнэздатнинг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1959. Заказ № 699.
Баҳоси 2 с. 50 т.

$$\begin{array}{r} 125 \\ 50 \\ \hline 175 \\ 25 \\ \hline 220 \end{array} !$$